

Илгмий мақоллар тўплами

ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ

2-ҚИСМ

Ушбу тўплам **ИТД–1-144 “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари”** илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланган. Унда етук олимлар, илмий изланувчилар, магистр ва талабаларнинг таржимашуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий мақолалари жамланган. Мазкур тўплам мақолалар тўпламининг 2-қисми бўлиб, ундан таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар, ушбу мутахассислик бўйича тадқиқот олиб бораётган магистрантлар, стажёр-тадқиқотчилар, шунингдек, таржима билан шуғулланувчи ҳар ким фойдаланиши мумкин.

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:

*ТошДШИ Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси
доценти, Хайрулла Ҳамидов*

Масъул муҳаррир:

*филология фанлари номзоди, доцент
Жасур Зиямуҳамедов*

Тақризчилар:

*филология фанлари номзоди, доцент Г. Ш. Рихсиева
филология фанлари номзоди, доцент А. Алимбеков*

Тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институти
Кенгашининг 2014 йил 29 сентябрдаги 2-сонли қарори билан
нашрга тавсия этилган.

СЎЗ БОШИ

Ушбу тўплам ИТД-1-144 “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига таржима қилишнинг назарий ва амалий масалалари” илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида яратилган иккинчи тўплам ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мустақил йўлда ўз истиқболини кўраётган шарқ халқлари билан алоқаяримиз кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида таржимонларга қатор масъулиятли вазифаларни юклайди. Ўзбек шарқшунос таржимонларининг ютуқлари нафақат нашр этилган монография, дарслик, ўқув қўлланма ва илмий мақолаларда, балки халқаро анжуманлардаги чиқишларида, чет мамлакатларда ўқилган маърузалар, республика ва институтимизда ўтказилаётган конференциялар орқали ҳам намоён бўлмоқда.

Тўпламдаги мақолаларнинг салмоқли қисми Навоий асарлари тилини ўрганиш бўйича тадқиқотларга, шеърий таржима мураккабликларига, адабиёт ва фолклордаги айрим жанрларда яратилган асарлар таржимасида юзага келадиган муаммолар ва уларнинг ечимига, турли соҳаларга хос бўлган баъзи атамаларнинг таржимадаги ўзига хосликларига, форс, хитой, араб, ҳинд, япон ва турк замонавий тиллари билан боғлиқ бўлган таржималарнинг берилишига бағишланади.

Тўплам саҳифаларини варақлар эканмиз, мақолалар муаллифлари қаторида ҳурматли профессор устозларимиз, тажрибали доцентларимиз ва илмий изланиш йўлига эндигина қадам қўйган ёш тадқиқотчиларимиз, магистр ва талабаларимизнинг ҳам ёнма-ён турганини кузатамиз. Таниқли олимларимизнинг ёзган мақолалари орқали ёш тадқиқотчиларимиз ўзларига анчагина керакли маълумотлар олишлари тайин. Тўплам қайсидир маънода устоз-шоғирд анъанасида шакллантирилган. Мустақиллик шарофати туфайли магистр ва талабаларимизнинг билимларини такомиллаштириш учун Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва бошқа тили ўрганилаётган мамлакатларга илмий сафарлар уюштирилмоқда. Ҳозирда магистр ва талабаларимизнинг илмий қизиқишлари шаклланди, муайян мавзуга майллари аниқланди. Мана энди улар устозлари билан тенг илмий анжуманларда қатнашмоқдалар, ўз фикрларини дадил баён қилиб, савол-жавобларда ва мунозараларда фаол иштирок этмоқдалар. Мамлакатимизда илм-фанга чанкок ёшларни

қўллаб-қувватланиши, улар учун керакли шароит яратилиши, мана шундай тўпламларда қизиқарли мақолалар билан чиқишларига имкон яратилиши, таржимашунослик фанининг истиқболи учун потенциал салоҳият борлигини кўрсатади.

Ушбу тўпламдаги қатор мақолаларда таржимашуносликнинг долзарб муаммолари кўтарилади. Тўпламнинг мавзулари, кўриб турганимиздек, бир-биридан фарқ қилади. Масалаларга ёндашиш, қолаверса илмий савия ҳам турлича. Лекин мақолалар ягона, олийжаноб мақсадга йўналтирилган, у ҳам бўлса таржимашунослик фанини ривожлантириш. Тўпламдан таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар, ушбу мутахассислик бўйича тадқиқот олиб бораётган магистрантлар, стажёр-тадқиқотчилар, шунингдек, таржима билан шуғулланувчилар фойдаланишлари мумкин.

филология фанлари номзоди, доцент
Жасур Зиямухамедов

кўрдаш суллашганини, улар учун қарама-қарши яратилиши, мана буларга тўғрисида бир-бирига қарши мақолалар билан чиқишларига им-
кони яратилиши, таржимашунослик фанининг истиқболи учун по-
зитивизмнинг баъзи жиҳатини кўрсатади.

Ушбу тўпламдаги катор мақолаларда таржимашуносликнинг
илмий муаммолари кўтарилади. Тўпламнинг мавзулари, кўриб
туришимиздек, бир-биридан фарқ қилади. Масалаларга ёнда-
шган ҳолларда илмий савия ҳам турлича. Лекин мақолалар яқ-
ин, аниқ ва аниқ мақсадга йўналтирилган, у ҳам бўлса таржима-
шунослик фанини ривожлантириш. Тўпламдан таржима назария-
си ва амалиёти таълим йўналишида тахсил олаётган талабалар,
ушбу мутахассислик бўйича тадқиқот олиб бораётган магис-
трантлар, стажёр-тадқиқотчилар, шунингдек, таржима билан шу-
ғулланувчилар фойдаланишлари мумкин.

филология фанлари номзоди, доцент
Жасур Зиямуҳамедов

“УЛИСС” КИТОБ ЖАВОНИМИЗДА

Биринчи жаҳон урушининг инсоният бошига ёғдирган кулфат ва талофатлари, “пролетар инкилоби”нинг ғалабаси Европани парокандаликка олиб келди. Адабиёт ва санъатда гегемон ҳисобланган романтизм ва реализм оқимлари майдондан чикиб кетди. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида поэзияда сюрреализм (Гийом Аполлинер ва унинг издошлари), прозада модернизм (Марсель Пруст ва бошқалар) оқимлари етакчиликни қўлга олдилар. Прустдан кейин европа модерн адабиётининг шакл-шамойилини, услубий йўналишларини Ф.Кафка, Ж.Жойс, Т.Манн, В.Вулф каби романнавислар давом эттириб, такомиллаштирдилар. Улар қаламига мансуб “Жараён”, “Улисс”, “Доктор Фаустус”, “Миссис Дэллоуэй” романлари XX аср модернизм прозасининг ривожига катта таъсир кўрсатди, турли модернистик оқимларнинг юзага келишига замин яратди.

Ирландиялик ёзувчи Жеймс Жойс (*James Joyce*, 1882–1941) нинг ижоди, айниқса унинг “Улисс” (*Ulysses*, 1921) романи жаҳон адабий жамоатчилигида катта шов-шувга сабаб бўлди. Ўтган йиллар давомида жаҳон адабиётшунослигида роман ҳақида кўп-лаб мақола ва тадқиқотлар яратилган бўлсада, адабий танқидчиликда у ҳақда ҳанузгача яқдил бир фикрга келингани йўқ, тўғриси бир тўхтамга келиш ҳам амри маҳол. Сабаби, муаллифнинг ўзи роман ҳақида “Очиғини айтсам шунчалик кўп бошқотирма ва топишмоқларни йиғдимки, асрлар бўйи олимлар уларни еча олмай бош қотирсинлар, бу менинг абадий ўлмас бўлишимга кафолатдир” [1, 177], дея ёзган эди.

Ҳа, Жойс таъкидлаганидек, “Улисс” романининг матни бошқотирмалардан иборат, “инглиз адабий тилида ёзилмаган, умуман ёзилмаган... у фақат кўриш ва эшитишга мўлжалланган” (Сэмюэл Беккет) матндир. Шу боис, асар яратилгандан кейин француз ва итальян тилларига тўлиқ таржима қилинган бўлсада, Европадаги бошқа тилларга таржима қилинмади. Ундан айрим парчаларни рус ва грузин таржимонлари ўз тилларига ўгиришга муваффақ бўлдилар. Соцреализм қолипидаги совет адабиётшунослиги романни “XX асрнинг энг маъюс, пессимистик руҳдаги асарлардан бири. “Улисс” романида ўзининг тўлиқ ифодасини топган Жойснинг ингилизми (ҳар қандай меъёр, принцип ва қонунларни инкор этиш

– М.Х.) модернизм “евангелие”сига айланди (В.Ивашева)”, дея субъектив тарзда баҳолаб, уни таржима қилишга шошилмади. Фақат ўтган асрнинг 80-йиллари охирида адабиёт ва санъатда рўй берган “қайта қуриш”, демократик ўзгаришлар юзга кела бошлаган пайтда М.Пруст, Ж.Жойс, Ф.Кафка ижодини ўрганиш, уларнинг асарларини таржима қилишга киришилди. Ва, ниҳоят, “Иностранная литература” журналининг 1989 йил сонларида “Улисс” романининг русча таржимаси босилди. Таржимонлар В.Хинкис ва С.Хоружийларнинг узоқ йиллар олиб борган машаққатли меҳнатлари ўз самарасини берди. Орадан қарийб йигирма йил ўтиб, “Улисс” романининг ўзбекча таржимаси яратилди ва “Жаҳон адабиёти” журналининг 2008 йил сонларида босилди.

Фурсат келганда, “Улисс” таржимони Иброҳим Ғафуровнинг “Унутилмас Озод Шарафиддинов ўзбек китобхони Жойсни орзулаган ва Ницше, Маркес ва Жойсни (“Зардушт таваллоси”, “Бузрукнинг кузи”, “Улисс”) таржима қилишни бизнинг зиммамизга юклаган эди”, деган сўзларини келтириб ўтиш ўринлидир. И.Ғафуров устоз Озод Шарафиддинов юклаган уч вазифанинг уддасидан чиқди, уч асар таржимасини ўзбек китобхонига тортиқ қилди. Дарвоқе, таржима ҳақида матбуотда ижобий фикрлар билдирилди, ундаги айрим камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Бугун “Улисс” романининг сўзбоши (проф. Акмал Саидов), сўнгсўз ва изоҳлар билан жиҳозланган, чиройли жилдли таржимаси китоб жавонимиздан ўрин олди [2, 838].

“Улисс”дек қомусий характерга эга йирик асар таржимаси ҳақида атрофлича фикр юритиш, уни тўғри баҳолаш бир мақола ҳажмига сиғмайди. Қолаверса таржимани тўлиқ таҳлил қилиш йирик монографик тадқиқотни талаб қилади. Биз ушбу тақризимизда Жойс услуби билан боғлиқ айрим ҳолатларнинг таржимада қай тарзда берилиши хусусида фикр юритмоқчимиз.

“Улисс”нинг аксарият қисми импрессионистик руҳдаги стенограмма шаклида ёзилган бўлиб, бу асосан матнда “онг оқими”ни акс эттириш ниятида қўлланилган. Романдан олинган қуйидаги парчага эътибор қаратайлик: *“Остонада у (Блум – М.Х.) шимининг орқа чўнтагини уриб кўрди, ташқи эшикнинг калити турбодимикин? Йўқ-ку. Анави ечиб қолдирган шимда шекилли. Уни олиш керак. Картошкамиз бор. Жовон гичирляпти. Уни (Моллини – М.Х.) уйғотиб юбормай. Ҳозиргина тўшакда у ёқдан-бу ёққа ағдарилди. У ниҳоятда эҳтиёткорлик билан эшикни ёпди. Уни остонагача тақаб қўй-*

мади. Ташқаридан ётиққа ўхшаб қўринади. То келгунимча ҳеч нарса қилмайди” (“Улисс саргузаштлари”, 87-бет).

Жойс шарҳловчилари, муаллифнинг ушбу услуб воситасида ўтмиш адабиётидан фойдаланиб, мисоллар ахтаришни ўзига хос ўйинга, эрмакка айлантирган, деган фикрга борадилар. Жойс ўз услуби ва ёзув техникасини француз адиби Э.Дюжарден (*Édouard Dujardin*, 1861-1949) нинг “Лавр япроқлари кесилди” (*Les lauriers sont coupés*”, 1888) романи таъсирида кашф қилганини инкор этмайди. Аслида эса кўчирма гапни биринчи шахс номидан ҳикоя қилиш орқали ҳаётни тасвирлашга уринган ёзувчига ички монологнинг у ёки бу шаклига мурожаат қилишига тўғри келган. Жойс романда ушбу услубдан кенг фойдалангани учун ҳам (“Улисс” нинг охириги 18 эпизоди бундан мустасно – М.Х.) матн диққат-эътиборимизни ўзига жалб этади. Айни пайтда, муаллиф ушбу услубни қўллашга ҳаракат қилган бошқа ёзувчилардан алоҳида ажралиб туради.

Бу ерда икки жиҳатга эътиборимизни қаратмоғимиз лозим. Биринчидан, стенограмма услубидан фойдаланиш Жойснинг фикр доирасини чеклаб қўймайди, аниқроғи, у тасвирлаётган манзарани жимжимадор ҳошияга солмайди, айтмоқчи бўлганини битта конкрет персонаж билан чегаралаб қўймайди. Буни биз юқорида келтирилган мисолда ҳам кузатишимиз мумкин. Ёзувчи ҳаётни фақат Блум кўзлари орқали кўрсатишга ҳаракат қилмайди. Блум таассуротларидан воқеликни объектив тасвирлаш ва ушбу тасвирни бойитиш учун фойдаланади десак тўғрироқ бўлади. Шунинг учун учинчи шахс орқали ифодаланган объектив фикр (“Остонада у шимининг орқа чўнтагини уриб кўрди, ташқи эшикнинг калити туриб-димикин?”) айтилмаган монолог (“Анави ечиб қолдирган шимда”) билан кетма-кет келади. Иккинчидан, руҳий жараёни батафсил қайд этишдан ёрқин таассуротни туғдиришга бўлган ҳаракат Жойс услубида “илмий” эмас, балки импрессионистик характерга эга. Жойс, бошқа ёзувчилардан фарқли ўлароқ, айтилмаган фикрлар учун аниқ сўзни ёхуд муқобилини топишга ҳаракат қилади ва бунинг улдасидан чиқади.

Масалан, юқоридаги парчадан олинган “Картошка шу ерда” жумласи бу мақсадга хизмат қилиши мумкин. Қаҳрамон ҳаёлида оқиб ўтган: “Чўнтагимда картошкадек тешик бор” қабилдаги фикр шундай бир шаклда ифодаланганки, ўзининг гайриоддийлиги билан руҳий жараённинг иллюзиясини яратади. Лекин Жойсда унинг ҳақиқий маъно-мазмунни қўшимча фикр, аҳамиятсиз овоз сифатида хизмат қилгани ва қилаётганида мужассам бўлган.

Блум кириш эшигида калитни ахтарганида ҳам (умуман олганда, калит “Улисс”да муҳим рамзий маънога эга – М.Х.), ўз турмуш ўртоғи билан бўлган ўртадаги мураккаб муносабатларни таърифлашда ҳам бу шакл такрорланади. Деярли беш юз саҳифадан сўнг ўқиймиз (изоҳ: Блум фоҳишахонага бориб, у ердаги аёл Зоэдан картошкани қайтариб беришни сўрайди):

“Блум: С ней связана память. Я хотел бы иметь её.

Стивен: Иметь или не иметь, вот в чём вопрос.

Зоэ: Вот она (поднимает оборку комбинации, обнажая ляжку, и вытаскивает картофелину из-под чулка). Тот, кто прячет, знает, где найти”.

Таржимада:

“Блум: Уни кўриб эслаб юраман. Ёнимда юрса дейман.

Стивен: Бўлсин бўлмасин шудир масала.

Зоэ: Ол ана. (Этагини кўтариб, сонларини очади, пайпогининг ёқасига ўраб қўйилган картошкани олиб узатади.) Ким яширса, ўша топади”.

Диалогнинг ўзбекча таржимаси бироз эркин тарзда берилгани шундоққина сезилиб турибди. Блум аслида: “Хотирам у билан боғлиқ. У менда бўлса дейман” демоқчи. Стивен эса киновий оҳангда Ҳамлет монолоғидаги “То be, or not to be: that is the question” (“Тирик қолмоқ ё ўлмоқ. Шудир масала!” – М. Шайхзода таржимаси) жумласига тақлидан: “Бўлсин бўлмасин, шудир масала” дея лўқма ташлайди.

Ушбу кичик эпизод қайсидир жиҳатдан Жойс методини яққол намоён қилади, қанчалик у ранг-баранг тағмаънодан фойдаланганлигини кўрсатади. Биринчидан, бу эпизод фарсга ўхшаб кетиши, фаҳшга тўлалиги, сийқаси чиққанлиги, кўп маънога эгаллиги билан ажралиб туради ва, энг муҳими, муаллиф унга катта аҳамият берганлигидан далолат беради.

“Уни кўриб эслаб юраман (С ней связана память)” аслида, сийқаси чиққан ибора, қолипга айланган жумла бўлиб, айна пайтда кўп маъно ҳам англатади. Ўқувчи онгида ҳеч нарсага арзимайдиган сентименталлик, юракни эзувчи ҳиссиётга берилганлик, объектив воқелик, реал вазиятдан узоқлаштирувчи вақтичоғликнинг аломатлари ўйғонади – бироз ўтиб Зоэ канкан рақсига тушади. Бир қатор ички ассоциациялар воситасида фоҳишахонанинг руҳий иқлими тикланади. Блум – ушбу сўзнинг мавҳум маъносида мустаҳкам одам эмас. У ортиқ даражада ҳиссиётга берилган, кўнгли бўш, тез

таъсирланувчан, йиғлоки киши. “Ёнимда юрса дейман. (Я хотел бы иметь её)” жумласи нафақат картошкага, балки турмуш ўртоғига ҳам тааллуқли. Стивен Ҳамлетга тақлид қилгани эса такрор айтилган “... бўлсин бўлмасин” (Иметь или не иметь) сўзларида диққатимизни ушлаб қолишга ва у билдирган ассоциацияларга тўхталишга ундайди. Тағмаёнода Ҳамлет монологининг бутун теранлиги, сермаънолиги оқиб ўтаркан, биз шу заҳотиёқ фикр ва ҳаракат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, мураккаб алоқага (“Макбет”даги леди Макбет сўзлари: “Твоё “хочу” слабей “не смею” (Ю. Корнеев таржимаси) – “Истайсану бетламайди лекин юрагинг?” (Ж. Камол таржимаси)), шу билан бирга табиатдаги икки жинс ўртасидаги муносабатларда мавжуд кучли ҳиссиёт ва шахсий мулкка қарашдек оппозицияга эътибор берамиз. Мазкур ассоциатив услубда кўполлик ва баландпарвозлик йўқ.

“Улисс”нинг охириги 18 эпизоди (“Улисс саргузаштлари”, 768-831 бет) мутлақо бошқа характерга эга. Унда муаллиф, тиниш белгилардан воз кечаркан, ҳақиқий “онг оқими”ни аслидай тиклашга, аниқ кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Оқаётган фикрлар учинчи шахс номидан берилган фикрлар билан бўлинмайди. Улар онги уйқу элитгунича, бир-бирига урилиб, тўқнашиб охиста оқиб бораверади. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, ушбу эпизодда учинчи шахс номидан берилган бирорта мулоҳаза, изоҳ йўқлиги Жойс танлаб олган онгнинг ўзига хос моменти туфайли оқ қозоғга тушириш имконини беради. Молли Блум фикрлари тиниш белгиларига эҳтиёж сезмайди, чунки у хобгоҳда, ўз тўшагида ётибди ва унинг тарафидан бирорта ҳаракат бажарилмайди. Фикр ва ҳаракатларнинг ғайриихтиёрий “қоришма”си, бир-бирига уланиб (қўшилиб) кетишини етказиш аниқ изоҳланишга эҳтиёж сезмайди.

Инсон онги ҳозирги, айни пайтдаги воқеликни фаол тарзда англаш, ўзлаштириш, тасвирлашга хизмат қилишни тўхтатган пайти “онг оқими” услубидан “соф ҳолида” фойдаланиш мумкинлиги вужудга келиши намуналидир, ўзига хос маъно касб этади. У реал воқеликда узоқлашган хотиралар ва импульслар комплексига айланаркан, соф кўринишдаги “онг оқими” шаклида намоён бўлади. Шу сабабдан ҳам мунаққидлар Молли Блумнинг якуний монологига алоҳида аҳамият беришади.

Хулоса қилиб айтганда, “Улисс”нинг рус ва ўзбек тилларидаги таржималарини қиёсий таҳлил қиларканмиз, аслият матнидаги шу жиҳатларга алоҳида эътибор беришимиз лозим. Иброҳим Гафуров таржимаси аслият ва русча таржималарга шу жиҳатдан

мос келади. Сабаби, таржимон “Улисс”га кўл уришдан аввал катта тажриба орттирган, Мопассан, Достоевский, Хемингуэй, Ницше, Маркес каби жаҳон адабиёти салафларини ўзбек тилида сўзлатган моҳир сўз устасидир. Ундан “Улисс”ни аслиятга айнан монанд таржима қилишни талаб қилиш, айрим сўз ва ибораларни таржимада нотўғри берибсиз, дея танқид қилиш адолатдан эмас. Ҳатто инглиз тилини мукаммал ўрганган таржимон ҳам И. Ғафуров таржимасидан устунроқ таржима яратолмайди. И. Ғафуровнинг ўзбек таржимачилиги ривожига қўшган ҳиссаси уни “Улисс”дек дунё адабиётининг шоҳ асари билан бойитди, ўзбек китобхонига уни тортиқ қилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

[1] – Ганиева Е.Ю. Комментарии к переводу «Улисса» // Иностранная литература, 1989. №1.

[2] – Жеймс Жойс. Улисс саргузаштлари. Рус тилидан Иброҳим Ғафуров таржимаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.

*Аҳмадҷон ҚУРОНБЕКОВ,
ТошДШИ Эрон-афғон филологияси кафедраси
профессори, филология фанлари доктори*

НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТЛАР

Ҳар бир шоир ўз эл-юртининг ардоғида бўлиши керак. Эл-юрт ардоғи-бу шоирнинг шеърларини ёддан билиш, унинг асарларини ҳаётий заруратга айлантириш, халқнинг истикболи ҳақида қайғуриб, унинг бахти-саодати ҳақидаги орзу-армонларини, истак – тилаklarини амалга оширишни миллатнинг ҳар бир фарзанди ўзи учун муқаддас бурч, деб билиши кераклигидир.

Лекин, ҳозирги авлод Навоий асарларини қўлдан қўймай ўқийдими, унинг шеърлягида битилган эзгу ўй-мақсадларини тўла тушуна оладими? Воқелик шундайки, на фақат ҳозирги ўқувчилар ва талаба ёшлар, балки ўта ўқимшли кўпчилик зиёлилар ҳам Навоий асарларини ўқиб, унинг замиридаги маънолар оламини тўла тушуниб етиши қийин.

Бу сўзларимизга эътироз бўлиши мумкин, Навоий ҳазратларининг ижоди ҳали ҳаётлик даврларидаёқ ўрганила бошланганини,

ундан буён ўтган 573 йил давомида унинг ижоди Шарқ ва Ғарб мамлакатларида тинимсиз ўрганилиб келаётганини ва агар Навоий-шунослик бўйича олиб борилган тадқиқотларни жамлаб чоп этилса юзлаб жилдлик китоб бўлишини, унинг асарлари асосида ўнлаб луғатлар тузилганини далил келтиришлари мумкин. Лекин шунча тадқиқотлар мавжуд бўлишига қарамай Навоий асарларининг тили ва моҳияти тушунарлироқ бўлиб қолгани йўқ.

Муаммо нимада, уни ҳал қилиш йўллари қандай? Қандай қилинса Навоийнинг асарлари ҳамма учун тушунарли ва ўқимишли бўлади?

Гап шундаки, Навоий бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг аксарияти адабиётшунослик, тарих, фалсафа Навоий даври, Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ва ҳ.к.нуқтаи назаридан ўрганилган. Ҳолбуки, Навоий асарларининг ўрганишда энг катта тўсиқ ундаги тил бойлигидир. Ўн бешинчи асрдан буён ўтган беш юз йилдан ортиқ даврда ўзбек тили анча ўзгаришларга учради, ривожланди, баъзи ижтимоий – сиёсий жараёнлар таъсирида ўз луғат фондининг маълум бир қисмини қўлдан бой берди. Натижада Навоий асарларининг тилидаги баъзи бир эски туркий, форсий ва арабий сўзларни тушуниш ҳозирги авлод учун анчагина тер тўқишни тақозо қиладиган бир тилга айланиб қолди.

Навоий асарларининг тил хусусиятларини ўрганишга бағишланган асарлар ҳам мавжуд. Бу соҳада Алибек Рустамов, Эргаш Фозилов, С. Аширбоев, Э. Умаров, Б.Бафоев ва бошқалар баракали тадқиқотлар олиб бордилар. Аммо шуниси борки, Навоий асарлари тили бўйича қилинган ишлар, таъбир жоиз бўлса, бошқа жиҳатларини ўрганиш бўйича қилинган ишларга нисбатан денгиздан томчи деса бўлади. Чунки Навоий асарлари тили бўйича ҳали ечимини кутаётган масалалар ва муаммолар анчагина.

Масалан, XV-асрдаги туркий тили нечта луғат бирлигини ўз ичига олган, Навоий асарлари тилида нечта луғат бирлиги ишлатилган, Навоий тилидаги луғат бирликларининг йиғиндиси умум-туркий адабий тилининг неча фоизини ташкил қилади? Агар Навоий асарларида умум тилга кирмаган янги сўзлар ишлатилган бўлса, бу сўзлар неча фоизни ташкил қилади? Навоий асарлари тилида асл туркий тилига мансуб нечта луғат бирлиги бор? Қанчаси араб-форс ва бошқа тиллардан ўзлашган? Ҳозирги ўзбек тилимизда Навоийнинг луғат бойлигидан қанча фоизи фаол ишлатилади? Қанча

фонети ҳар бир луғат таркибига кирмаган? Навоий тилидаги мавжуд, яъни ҳозир истеъмолдан чиққан, уларнинг ўрнига рус ва интернационал сўзлар билан алмаштирилган сўзларнинг қанчасини ҳозирги тилимида қайта тикласа бўлади? Навоийнинг луғат бойлиги қандай сўз туркумларидан ташкил топган? Ва Навоий луғат бойлигининг шоир кашф қилган янгидан-янги мажозий, фалсафий ва пессимистий маънолари ҳозиргача классик адабиёт тил бойлиги бўйича тузилган луғатларда ўз аксини топганми? Ва энг муҳими биз Навоийни ўзбек тилининг асосчиси деб биламиз, нега унда буюк даҳо яратган маънавий бойликка, шоир таъбири билан ўн саккиз минг олам сирларини ўз ичига қамраб олган туркий тилининг битмас – туганмас бойлигига беписандлик билан қараймиз, Навоий ҳазратлари яратиб кетган буюк сўз бойлигини ҳозирги даврда амалда қўлламаймиз? Ахир бошқа қўшни халқлар ва мамлакатлар шу ишни амалга оширолмақда ва ҳ.к.

Афсуски шу ва шунга ўхшаган тилшунослик бўйича саволларга жўялик жавоб йўқ, борлари ҳам ноаниқ.

Бас шундай экан, ҳозирги авлод Навоий асарлари тилини қандай қилиб тушунсин?

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун Навоий асарларининг мукамал тўплами асосида, биринчи навбатда, конкорданс, яъни йиғма сўзлик тузиш керак.

Бу конкорданс Навоий асарларида ишлатилган луғат бирликларининг аниқ миқдори, Навоий луғат бойлигининг умум туркий адабий тилига нисбатан фоиз кўрсаткичи ва Навоий ўз ижодида қўлланган янги сўз ва ибораларни, бу луғат бирликларининг этимологиясини аниқлаш имконини яратади.

Масалан, ўн биринчи аср туркий адабий тил бойлиги учун том маънодаги ўлчов бирлиги Маҳмуд Кошғарий тузган “Девони луғати турк” бўлса, бу луғат 7500 атрофидаги луғат бирлигидан иборат бўлган. Навоий даврига келиб бу кўрсаткич қанчага етди, шу ҳолича қолдими ёки унга яна қўшилди? Қўшилган бўлса бу Навоий ҳазратларининг ўзбек тилини бойитишга қўшган ҳиссасими ёки XV-асрга келиб адабий тил бойидими? Бу масалаларни ёритишга Навоий асарларининг асосида тузилган тўлиқ конкорданс аниқлик киритади.

Ундан ташқари тўлиқ конкорданс Навоий асарларидаги сўз шаклларининг фонетик вариантлари, ҳар бир сўз шаклининг қанча

марта ишлатилгани ва унинг морфологик шакллари, асарлардаги синонимлар ва антонимлар қатори, Навоий асарларидаги туркий қатлам ва арабий ва форсий ўзлашмалар, асарларда қўлланилган сўзларнинг семантик майдони, шоир кашф этган ҳар бир сўзнинг мажозий ва тасаввуфий маънолари, асарлар тилидаги ҳар бир сўз туркумига мансуб луғат birlikлари миқдори ва ҳар бир сўз туркуми доирасидаги сўз яшаш усуллари ва бу сўз яшаш усуллариининг қанчаси ҳозирги тилимизда фаол ва қанчаси муомаладан чиққанлиги ва энг муҳими Навоий тилида мавжуд, аммо ҳозирги тилимизда номлари унутилган ва рус ва интернационал сўзлар ишлатиладиган ручка, парта, стол, стул, печка ва ҳ.к. сўзларининг асл туркий қатламидаги муодилларини аниқлаш имконини яратади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий асарлари тилига кирган ҳар бир сўз ва ибора бу сўзлар келиб чиқиши ва қайси тиллардан ўзлашганидан қатъий назар, бизнинг миллий бойлигимиз. Биз Навоийнинг ижодий фаолиятини, у ҳозирги авлодга мерос қолдирган маънавий қадриятларни қанча эъзозласак, унинг тил бойлигини ҳам шундай ардоқлашимиз керак.

Ва пировард – натижада тузилган бу конкорданслар асосида Навоий асарларининг шу сўзлар ишлатилган байт ёки жумлалар билан далилланган тўлиқ изоҳли луғатини яратиш имконини беради. Агар шундай луғат яратилиб, унинг электрон варианты интернет сайтларига киритилса, дунёнинг энг чекка бурчақларида ҳам Навоий асарларини ўқиб, тушуниши мушқил бўлган байтларини қўл телефонлари орқали бир зумда ҳал этса бўлади.

Шуни мамнуният билан эътиборингизга ҳавола қилишим мумкинки, Тош ДШИда “Навоий асарлари бўйича конкорданс” тузувчи бир ижодий гуруҳ мана шу йўналишда иш бошлади. Ҳозирда Навоий “Хамса”сининг “Ҳайрат ул-аброр” ва “Фарҳод ва Ширин” дostonлари асосида, халқаро лотин транскрипциясида асардаги сўз birlikларининг асл фонетик ва имловий шаклини сақлаган ҳолда тузилган конкорданс босмадан чиқди. Ҳозирда “Лайли ва Мажнун” дostonи асосида конкорданс тузиш бўйича иш олиб бориляпти.

Конкорданс тузиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, ҳозирги пайтда кирил ва лотин алифбосида эълон қилинган Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик ва шу асосда тайёрланган ўн жилдлик мукамал асарлари тўпламининг баъзи бир Порсо Шам-

сиёв ва бошқалар томонидан тузилган илмий – танкидий матнларидан ташқари, барча асарлари бўйича тузилган илмий – танкидий матни йўқ экан. Ҳозирда эълон қилинган йигирма жилдлик ва ундан кейинги нашр қилинган ўн жилдлик мукаммал асарлар тўпламининг энг катта камчилиги шундаки, уларнинг матнида араб алифбосидаги “т,с,ж,х,з,айн,” каби арабий ўзлашмалардаги ҳарфларнинг 2,3,4 хил вариантлари имлода акс эттирилмаган. Бу камчиликнинг моҳияти шундаки, бу ҳарфлар маъно ясовчи ва ташувчи ҳарфлар бўлиб, уларнинг ўрин алмашуви ёки ёзувда акс эттирилмаслиги маъно чалкашлигига ва натижада асарнинг мазмун моҳиятини бузилишига олиб келади. Форсларда бир мақол бор: “Бир нуқта билан фил қилга айланади”, дейишади. Яъни битта нуқта ўзгариши билан маънода осмон билан ерча фарқ вужудга келади демоқчи.

Иккинчидан, Навоий асарларидаги арабча ва форсча ўзлашмалар баъзи ўринларда тўғри ўқилмаган ва бу байтнинг маъносини даярлик тушуниб бўлмас даражага олиб келган. Биргина мисол, Ҳайрат ул-аброр достонининг 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламига кирган 7 жилдида, 83 бетда шундай байт келган:

*Дема китоба фалак айвонига,
Раҳрав ўлиб чарх шабистонига.*

Бу байтдаги 1 мисрадаги китоба сўзи бу байтнинг ва умуман достоннинг мазмунига сираям тўғри келмайди ва байтнинг мазмуни тушуниб бўлмайди. Чунки “китоба” сўзи фақат битта маъно “китоб, ёзув” маъносини ифодалайди. Абдужамил котиб қаламига мансуб Алишер Навоий асарларининг нусхасига қаралганда, бу учта сўзни бир-бирига қўшилиб кетганидан юзага келгани маълум бўлади, яъни “ки, то, ба” кўмакчиларидан иборат эканлиги маълум бўлади. Агар шундай ўқилса байтнинг мазмуни аниқ – равшан бўлади: яъни “Фалак айвонига қадар дема, балки чархнинг ётоқхонасигача” деб меърожга қўтарилиш ҳодисасини баён қилинган.

Ҳозирги эълон қилинган мукаммал асарлар тўпламида шу ва шунга ўхшаган кемтикликлар кўп. Биз бу билан муҳтарам устозларнинг қилган ишларини заррача камситиш ёки танқид қилиш ниятимиз йўқ, фақат конкорданс тузиш жараёнида ошкор бўлиб қолган баъзи бир камчиликларни таъкидлаб ўтмоқчимиз ва Навоий ҳазратларини улуглар эканмиз биринчи навбатда унинг қолдирган маъна-

вий меросининг ҳар бир ҳарфи ва нуктасига эътибор бериш ва эҳтиром билан қарашимиз кераклигини таъкидламоқчимиз.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки, агар Навоий асарларининг тўлиқ конкорданси тузилса, бу конкорданс асосида кўпгина илмий – матншунослик ва манбашунослик муаммоларини, жумладан Навоий асарларининг илмий – танқидий матнини ҳам тузиб чиқиш имкони туғилади. Ундан ташқари ҳозиргача Навоий тилини ва унинг ғоявий мазмунини билиб-билмай, баъзида атайлаб бузиб кўрсатилган адабиётшунослик ва бошқа соҳалардаги ишларини қайта кўриб чиқиш ва тарихий ҳақиқатни қайта тиклаш имкони туғилади.

Тимур МУХТАРОВ,

Доктор филологических наук, проф. ТашГИВ

ПЕРЕВОД – ОКНО В ДРУГОЙ МИР

Исторические закономерности развития Европы в XVIII-XIX веках определили ее глубокий интерес к странам Востока. Интерес этот возник еще в средние века, в эпоху крестовых походов, и с тех пор, то угасая, то разгораясь с новой силой, постоянно прослеживался в европейской литературе, претерпевая с течением времени своеобразную эволюцию. Сперва Европа воспринимала мусульман как язычников и идолопоклонников, заслуживающих безжалостного истребления («Песнь о Роланде», «Песни о Гильоме Оранжском» и др.) [1], считая, что они «бич божий», ибо в наказание христианам владеют гробом господним. В целом вплоть до XIX века многие европейцы, не отличавшиеся достаточной широтой кругозора и научных знаний, представляли себе обитателей Востока, непохожих на них самих, лишь в виде карикатурных персонажей. Отсюда – засилье на сцене и в литературе комических китайцев, персов, турок. Правда, уже в «Опытах» Монтеня (1588), а затем и у Паскаля встречаются упоминания о Коране и Мухаммаде. Нельзя не вспомнить об «Антонии и Клеопатре» Шекспира или о «Гамерлане Великом» К. Марло. И, наконец, в 1647 году появился перевод Корана, выполненный Дю Риэ, французским консулом в Египте, а в 1704 г. выходит нашумевший перевод «Сказок 1001 ночи» А. Голлана; в этом же году

опубликован новый перевод Корана, выполненный Савари и имевший шумный успех [2, 62-72].

В 1775 г. в Париже был создан Институт восточных языков,¹ в 1798 г. предпринята египетская экспедиция Бонапарта, породившая вслед за подлинно научным изучением древностей настоящую моду на восточный стиль.

Большие сдвиги происходят в это время в общественном сознании европейцев. Классическая концепция человека отступает перед новыми представлениями об огромном множестве рас и народов, разнообразии конкретно-исторических и национальных форм существования человека. Эта концепция легла в основу утвердившегося на рубеже XVIII-XIX вв. в Западной Европе нового литературного направления – романтизма. Его приверженцы считали, что возможности человека безграничны, интересовались неповторимостью национальных культур, специфическими условиями различных эпох, которые формируют человека, его сознание, характер, его личную и общественную судьбу.

По каким же источникам знакомились европейские писатели с Востоком, его культурой и литературой? Это, прежде всего, труды ориенталистов (преимущественно английских и французских), записки путешественников, произведения восточных литератур в переводах на европейские языки. В рамках настоящей статьи нас будут интересовать именно переводы литературных произведений Ближневосточного региона.

Из переводных арабских произведений важную роль сыграл Коран, впервые изданный в английском переводе Дж.Сейлом в 1743 году и не раз переиздававшийся. И, как мы уже писали, на французский Коран был переведен Дю Рие в 1647 г. Переводы Корана на английский и французский языки приобрели большую популярность в Европе. С ними, по-видимому, был знаком и В.Бекфордт – автор знаменитого «Ватека». Восточная атмосфера повести (с неменьшим успехом, чем обращение создателей рыцарского романа к средневековью с его атрибутами – рыцарями, замками, турнирами, поединками) отражает изменившийся взгляд на мир, на философию человека, вставшего в тупик перед загадками бытия, которые не в силах была разрешить рационалистическая логика европейских просветителей.

¹К этому времени относят возникновение востоковедения во Франции.


Байрон упоминал священную книгу мусульман в списке книг, прочитанных им в детстве, и отметил в ней «наивозвышеннейшие места, ставящие ее над европейской поэзией» [3, 83; 4, 3]. Ссылки на Коран есть в примечаниях Байрона к «Гяуру», «Абидосской повести» [5], в поэме «Лама Рук» Г. Мура¹.

Огромную роль для европейской литературы, начиная с XVIII в. сыграл перевод арабского «репертуарного сборника» (термин И. Фильштинского) – «Тысяча и одна ночь» [2, 62-72]. Сказки, новеллы, басни из этой книги стали известны в Европе благодаря двенадцатитомному французскому переводу М. Галлана (1704). Галлан дал Европе XVIII века ту «1001 ночь», которую она могла понять и которой могла восхищаться и в то же время подлинную «1001 ночь», а не фривольную и произвольную ее интерпретацию; в этом заключается его высочайшая заслуга, вполне достойная того огромного успеха, который завоевал его перевод. В следующем столетии его перевод осуждали и высмеивали именно те переводчики, которые отошли от оригинала неизмеримо дальше [6; 7; 8, 443-440; 9]. С этого французского собрания был сделан один из первых английских переводов в XVIII в., выдержавший на протяжении века несколько многотомных изданий.

Кроме этого, в Англии переводились французские подражания «Арабским ночам»: сказки «индийские», «китайские», «монгольские», «персидские» и т.д., самые заголовки которых («Тысяча и один день», «Тысяча и один вечер», «Тысяча и один час», «Тысяча и одна глупость») были стилизованы под название арабского сборника.

В XIX веке на смену переводам, сделанным с французского в Англии, приходят переводы, откорректированные и дополненные по арабскому оригиналу. С арабскими сказками «Тысяча и одна ночь» в духовную жизнь европейцев, европейских писателей вошел неповторимо яркий, заманчивый, причудливый образ Востока, оказавший влияние на творчество многих писателей и поэтов. Байрон не был исключением среди тех, кто в юные годы жадно прочитывал арабские сказки: он писал, что прочел «Тысячу и одну ночь», когда еще не достиг 10 лет [2]. Вальтер Скотт, утверждавший, что он мало зна-

¹ См. там же. Автор детально обследовал многочисленные источники «восточной поэмы» Мура «Лалла Рук», просмотрел записки путешественников и труды ориенталистов, на которые ссылается автор.



ет о Востоке, сделал оговорку: «Если не считать детских воспоминаний о сказках «Тысячи и одной ночи»¹. В числе любимых книг Д.Коперфильда (героя романа Ч.Диккенса) были знаменитые арабские сказки. Размышления о любимых героях этих сказок (особенно о добром Харуне ар-Рашиде) навеяли А.Теннисону его стихотворные «Воспоминания о «Тысячи и одной ночи»; В.Теккерей в дневнике путешествия в Каир (1846 г.) рассказывал, как он узнавал нанятых ему с детства рыбака Госсана и Али Бабу в живых лицах, увиденных им на базарах Ближнего Востока (Каир, Смирна, Багдад) [10, 405-428; 11].

В романах В.Скотта и Ч.Диккенса не только упоминаются эпизоды из «Тысячи и одной ночи», но и используются их мотивы. Например, слова начертанные на полотнище, которое развевается над палаткой султана Саладина (Саладин - царь царей, Саладин – победитель» и т.д.), заставляют вспомнить сходные слова из шестого путешествия Синдбада. В повести «Рождественская песнь» Скрудж, которому дух прошедшего показывает его детство, внезапно видит себя мальчиком, окруженным героями арабских сказок. Нечто похожее встречаем и в романе В.Скотта «Граф Роберт Парижский», где две простолоудинки с интересом рассматривают спящего незнакомца. Наконец, оба романиста (В.Скотт, Ч.Диккенс) вспоминают увлекший их эпизод из «Повести о царе Шахрамане сыне его Канар аз-Замане и царевне Будур» (ночи 170-249ая), что помогает увидеть некоторую близость художественных вкусов В.Скотта и Ч.Диккенса. Появляется на английском языке сборник «Муаллакат» («Отборные» или «Нанизанные», состоящий из семи касид арабских джахилийских поэтов².

Еще одна группа восточных литератур, ставшая известной европейцам в XVIII-XIX вв., – литература Индии. В. Джонс в 1789 г. перевел такой памятник индийской литературы, как «Шакунтала» Калидасы, «Хитопадеша» (фрагмент и ответвление знаменитой «Панчатантры»), однако, в целом многие великие памятники древнеиндийской литературы еще долгое время оставались непереуведенными на европейские языки.

Большой популярностью в Европе пользовались великие персидские поэты X-XIV вв. Фирдауси, Саади, Хафиз; в примечаниях к сво-

¹ Авторское предисловие к роману «Тасисман».

² Т.е. доисламских: Тарафа, Лябид, Антара, Имрулькайс и др.

им ориентальным сочинениям романтики не раз ссылались на авторитет персидских поэтов (см. например «Восточный диван» Гете).

Появление «научного аппарата» в произведениях европейских романтиков, например, в «Абидосской невесте» герой Байрона Селим говорит про пленившие его «стих Саади, Меджнуна сказ», – к этой строке автор делает следующую сноску: «Меджнун и Лейла – восточные Ромео и Джульета. Саади – персидский поэт моралист¹».

Важным источником знакомства европейцев с Востоком были и личные впечатления литераторов. В. Скотт, никогда не бывавший в восточных странах, хотя и изображал их в своих романах и поэзии («Талисман», «Граф Роберт Парижский», «Дочь хирурга», «Видение Дона Родригеса»), пользовался подобно своим современникам, различными книжными источниками и писал в предисловии к «Талисману», как легко уличить его в разных фактических ошибках. Большая часть европейских писателей не бывала в восточных странах, однако внимательное изучение различных свидетельств, истинная фантазия и талант помогли им создать поэтический образ Востока. Произведения, созданные пылкой фантазией поэта, писателя вдохновлявшегося Востоком, сопровождаются ссылками на авторитеты, специальными авторскими предисловиями, в которых развязывается историческая жизненная основа сюжета. То, что европейские романтики снабжали поэтические рассказы о Востоке своего рода научным аппаратом, который более подходил бы к трактату, чем художественному произведению, свидетельствовало о стремлении автора убедить читателя в достоверности изображаемого (см. например, список и комментарии Монтескье к «Персидским письмам»). Это свидетельствует о том, что читающая публика XVIII–XIX вв. больше всего ценила в описаниях Востока достоверность и точность.

Даже сказочная или полусказочная форма многих произведений европейской литературы, посвященных восточной теме (начиная с повести «Ватек» В. Бекфорда, «Повесть о мужчинах верных в любви» Пети де ля Круа), связанная с увлечением «Тысячью и одной ночью», не противоречит тому, что читатель извлекал из этих произведений правду о жизни и нравах Востока, поскольку и в сказках, как известно, отражаются черты реальности. Настаивая в своих предисловиях и примечаниях на достоверности изображаемых ими характеров, нравов, реалий восточной жизни, писатели отдавали дань читательским требованиям

¹ См. Веселовский А.Н., указ.соч. С. 38; Рагимов И., указ.соч., С.6.

той эпохи и фактически прокладывали дорогу реализму, который скоро возобладал в европейской литературе.

Использованная литература:

- [1] – Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. – М., 1972.
[2] – Герхардт М. Искусство повествования. – М., 1984.
[3] – Веселовский А.Н. Байрон. Библиографический очерк. – М., 1914.
[4] – Рагимов И. Восточные слова в «восточных поэмах» Дж. Г. Байрона. – Баку, 1958.
[5] – Гилинский И. Томас Мур и восточные источники его творчества (автореф.канд.дисс. – М., 1969г.).
[6] – Горстер А.К. К литературной истории 1001 ночи: Юбилейный сборник в честь Вс. Ф. Миллера. – М., 1900.
[7] – «Книга тысячи и одной ночи» / Пер. с арабского М. Салье; предис. М.Горького. Т. 1-8. – М., 1958 – 1959;
[8] – Крачковский И. Датский перевод 1001 ночи. // Изб.соч. Т.2. М. – Л., 1950.
[9] – Крымский А. История новой арабской литературы. – М.; 1971.
[10] - Салье М. Неизвестный вариант «Сказки о рыбаке и духе» из «1001 ночи». ЗКВ, 1930.
[11] - Лойн М.А. Нравы и обычаи египтян в первой половине XIX в./ Пер. А.Рапопорт; предисл. В.Наумкина. –М., 1982.

*Зилола ХУДОЙБЕРГАНОВА,
ТошДШИ Туркий тиллар кафедраси
профессори, филология фанлари доктори*

МАҚОЛЛАР ВА МАТАЛЛАРНИ ТАРЖИМАДА БЕРИШ – АСАР БАДИИЙ ҚИММАТИНИ ОШИРИШНИНГ ГАРОВИ СИФАТИДА

Тарихий манбаларда ҳам, халқ орасида ҳам халқимизнинг афористик ижоди турли-туман атамалар билан номланиб келади. Мақол, матал, нақл, масал, зарбулмасал, оталар сўзи, ҳикматли сўз, афоризм, хикоят, ҳикмат, бурунчилар сўзи, машойихлар сўзи ва бошқалар ана шундай атамалардандир¹. «Мақол деб сўзлашганда тилга сайқал бериш ва фикрнинг исботи учун далил қилиб келтириладиган, халқнинг кўп асрлар мобайнида турмуш тажри-

¹ Ўзбек халқ мақоллари, «Фан» нашриёти. – Т., 1987. 1-том, 14-б.

басида такрор-такрор синалган, табиат ва жамият воқеа ҳодисалари юзасидан мантикий мушоҳадалари бадий ифодаланган, тили содда ва хушоҳанг, шаклан қисқа ва ихчам, мазмунан тугал ва теран бадий асарга айтилади»¹. Бугунги кунда ўзбеклар мақол деб, турклар отасўзлари деб қўллашади. Мақолда муайян воқеа-ҳодисалар ҳақидаги халқнинг хулосаси, ҳукми ва тавсиялари муҷассам бўлган ўзига хос бадий ифода услубига эга бўлган жанрдир. Мақолларнинг ажойиб хусусиятлари бор. Мақоллар тўғри ва кўчма маънога эга бўлади. Масалан, «Темирни қизигида ур» мақоли тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам қўлланади. Тўғри маънода-чўзиш, ёки юпқа қилиш, умуман турли шаклга солиш учун темирни чўгдек қизариб турган вақтда уриш керак, деган маънода ишлатилади. Кўчма маънода эса – ҳар бир ишни ўз вақтида қилиш керак, деган маънони ифодалайди.

Ҳар бир халқ ўзининг мақолларини яратади. Мақол халқаро миқёсдаги жанр эканлиги билан ҳам фарқланади. Мақоллардаги мазмун, маъно барча даврлар ва ҳолатлар, барча халқлар учун мутлақ ҳақиқат, доноликнинг олий чўққиси сифатида намоён бўлади. Мақолларда халқ донишмандлиги ихчам шаклда, теран мазмунда берилади. Мақоллар ахлокий-маърифий қимматга эга бўлиб, уларда фикр образли ва аниқ ифодаланади, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар, кишиларнинг турмуш ҳодисаларига муносабати, дунёқараши, меҳнат фаолияти ва эстетик диди, руҳий ҳолатлари ўз ифодасини топади. Мақол ва маталлар бадий адабиёт асарларида кўп учрагани учун уларнинг асардаги ўрни жуда катта. Таржимада адибнинг ўзига хос услубини ва миллий колоритни, асардаги образларнинг тил хусусиятларини тўлалигича таржимада акс эттириб бериш ва бошқа шунга ўхшаш жумбоқлар мақоллар ва маталларни таржима қилиш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир. Умуман, халқ томонидан кенг қўлланадиган ихчам, пишиқ ва чуқур маънони ифодалайдиган мақолларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш таржимон учун хийла қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам асарда учраган мақол ва маталларни нотўғри таржима қилиш оригиналдаги асарнинг бадий қимматига путур етказида².

¹ М.Ҳақимов. Ёзувчи ва халқ тили. – Т., 1971.

² Мақолага манба сифатида куйидаги китоблар олинди: Ahmed Lütü Kazancı. Kaynana Münevver Hanım. İstanbul. 1994; Аҳмед Лутфи Қозончи. Қайнона (Йўлдош Эшбек таржимаси). – Т., 2004;

Маълумки, ҳар бир ёзувчи ўз тилида мавжуд бўлган мақол, маталлардан фойдаланар экан, бундан унинг кузатган мақсади ўз асарининг тилини бойитиш, унинг бадиий қимматини ошириш ва бой мазмунни қисқа, аниқ шаклда беришдир. Мақоллар образлар тилини индивидуаллаштиришда ҳам муайян услубий вазифани бажаради. Ёзувчи умумхалқ тили асосида бадиий образ ва характерларни яратади. Образ ва характерларнинг типик ва индивидуал бўлиши учун турли-туман тасвирий воситалар, шу жумладан, мақол ва маталлар бадиий-тасвирий қурол бўлиб хизмат қилади. Мақол, матал, ҳикматли сўзларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш масалалари ҳам то ҳозирги кунгача турли мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Аҳмад Лутфи Қозончининг “Қайнона” романида тан олиш керакки, мақол ва маталлардан у қадар кўп фойдаланилмаган. Ёзувчи ўз ўрнида керагида вазиятга мос келувчи мақоллар ва маталларни ишлатади ва бу халқ оғзаки ижоди намуналаридан кенг фойдаланмайди. Энди ёзувчи асарида мақоллар ва маталларни таржима қилиш масаласига эътибор қилайлик.

Аҳмад Лутфи Қозончи асраб олинishi кутилаётган отаси вафот этган етим боланинг кўнгли ўксик бўлишини, қалби яримта бўлишини ифода этиш мақсадида “*Yetimin yüreği pek yufka olur*” мақолини ишлатади. Мазкур мақол ўзбек тилига сўзма-сўз таржима қилинганида “Етимнинг юраги юпка бўлади” шаклида бўлади. Таржимон бу вазиятда ўзбек тилининг халқ оғзаки ижодидан фойдаланади ва “Етимнинг қалби яримта бўлади” маталини қўллаб тўғри йўл тутади:

Onun gönlünü yarma güç olur. Babası döğünce sesini çıkarmayan çocuk, o öldükten sonra, başını okşayan bir eli bile kendini döğüyor zanneder. **Yetimin yüreği pek yufka olur** aға(7).

Уларнинг кўнглини топиш жуда мушкул. Отаси ўлгудек урганида овозини чиқармаган бола, у ўлгандан кейин бошини силаган қўлни уряпти деб ҳисоблайди. **Етимнинг қалби яримта бўлади, оға (6-7).**

Турк тилида “*Yetime, öksüze şeytan daha fazla musallat olur*” матали мавжуд бўлиб, мазкур матални Йўлдош Эшбек “Етим-есирга шайтон ёндош бўлади” шаклида таржима қилишни маъкул кўради. Чунки бу маталга мазмунан мос келувчи матал ўзбек тилида йўқ. Таъкидлаш керакки, “*Yetime, öksüze şeytan daha fazla musallat olur*”

маталининг “Етим-есирга шайтон ёндош бўлади” шаклидаги таржимаси асл мазмунни тўлиқ ифода этган. Солиштиринг:

Sonunda şikayet edeceđin bir hale dűşmektense bugűnden çarsei-ne bak. Yetime, ۆksűze Őeytan daha fazla musallat olur, derler(7).

Сўнгида нолийдиган аҳволга тушгандан кўра ҳозир чорасини килган маъкулрок. Етим-есирга шайтон ёндош бўлади, дейдилар(6).

Турк тилида “Bařa gelen çekilir” мақоли мавжуд бўлиб, мазкур мақол “пешонага ёзилганидан қочиб кутулиб бўлмайди, тақдирда ёзилгани бўлади” мазмунини ифода этади. Ўзбек тилида мазкур мақолнинг эквиваленти “Бошга тушганни кўз кўради” кўринишига эга. Таржимон турк тилидаги мазкур мақолнинг моҳиятини тўғри англайди ва унинг ўзбекча эквивалентини беҳато қўллайди.

Солиштиринг:

Pek dűřűncesiz çıktılar kardeřim. Kayınbabaya bir havlu olsun konmaz mı? Bir çift çoraba layık deđil mi? Utandım da ben kendim koydum. Bir duysa kıyameti koparır. Artık benim için eksik koymuřlar, koymamıřlar, ben ona bakmıyorum. Ne yapacaksın, bařa gelen çekilir(109).

Хомрок чиқди, опа. Қайнона учун ақалли сочиқ ҳам қўймади. Бир жуфт пайпоққа лойиқ эмасми? Уялиб кетдим, ўзим қўйдим. Эшитса, қиёматни бошлайди. Начора, бошга тушганни кўз кўради(71).

Турк тилида “Bitli mercimeđin bir kőr alıcısı bulunur” матали мавжуд. Мазкур маталнинг сўзма-сўз таржимаси “бит тушган ёсимққа кўр харидор топилади”. Мазкур матал ёзувчининг баёнига кўра хунук бир қизга нисбатан қўлланилади ва унга “қанчалик хунук бўлса-бўлсин, эр топилади” мазмунида ишлатилади. Ёўлдош Эшбек бу ўринда таржимадан фойдаланади. Ваҳоланки, ўзбек тилида бу вазиятга тўла мос келувчи “Тешик мунчоқ ерда қолмайди” матали мавжуд бўлиб, таржимони айни матални ишлатса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Солиштиринг:

Belki de yarın kendine kaynana olacak kadın burada kendini dinliyordu. Ne kadar çirkin olursa olsun, bir bitli mercimeđin bir kőr alıcısı bulunur(93).

Балки бўлажак қайнонаси ҳозир тинглаётгандир. Не қадар хунук бўлса ҳам, битли ёсимққа ҳам кўр бир харидор топилади(62).

Турк тилида “Beř pađmađın beři de bir deđil” мақоли мавжуд. Ушбу мақол ҳамма нарса ёки ҳамма бир хил эмас, барчаси хилма-

хилдир ёки дунёда бир хил бўлган ҳеч нарса йўқ, мазмунини билдиради. “Beş parmağın beşi de bir değil” мақолининг ўзбекча эквиваленти “Беш бармоқ баравар эмас” кўринишига эга. Йўлдош Эшбек “Beş parmağın beşi de bir değil” мақолининг ўзбекча эквивалентини тўғри танлайди:

Dedim ya kızım, beş parmağın beşi de bir değil. Kimi gücü yetmez almaz. Kimi cimridir almaz, kimi de bunu alan gibi düzenbazdır da onun için almaz(72).

Айтдим-ку, қизим. Беш бармоқ баравар эмас. Биров қашшоқ, биров хасис, кимдир олгиси келади-ю, олмайди(48).

Турк тилида “El alemin dili durmaz” мақоли мавжуд. Ушбу мақол сўзма-сўз таржима қилинганида, “Оддий халқнинг тили тўхтамайди” шаклига эга бўлади. Мазкур мақол оддий халқ ҳар мавзуда мишмиш тарқатади, инсон хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин, барибир одамлар у ҳақда гапириш учун гап топади, мазмунини билдиради. Ўзбек тилида бу вазиятни ифода этувчи “Элнинг оғзига этак тутиб бўлмайди” мақоли бор. Таржимон, куйида кўрамизки, “El alemin dili durmaz” мақолининг мазмунини ҳис этган ва унинг ўзбекча муқобилини тўғри танлай билган:

Zamamn modasına uyuyorum diye türlü zahmet ve masrafa girmesin. Mutlaka lüzumlu olan ne varsa onu yapmam. El alemin dili durmaz. Onları memnun edeceğim diye boşa yutulmasın(84).

Баъзиларга эргашиб, афсуски, урф ҳолига келиб қолган исроф ва турли ташвишларга берилмасин. Мутлақо шарт бўлганини бажарсин. Элнинг оғзига этак тутиб бўлмайди. Уларни мамнун қилиш учун уриниб қолмасин(56).

Турк тилида “Acaleyle kalkan, zararlar oturur” мақоли бор. Бу мақол сўзма-сўз таржима қилинганида, “Тез ўрnidан турган, зарар билан ўтиради” шаклида бўлади. Бу мақол шошиб қилинган ишдан хайр келмайди, деган мазмунни билдиради. Аслида ўзбек тилида ушбу мазмунга тўғри келувчи “Шошган қиз эрга ёлчимайди” деган мақоли бор. Бироқ Йўлдош Эшбек мазмунан мос келувчи мақолни эмас, балки “Шошиб бошни ёриб ўтирибсиз” жумласини қўллайди:

Ben biricik yavrumu böyle mi satardım, böyle yere mi verirdim, acaleyle kalktın, zararlar oturdun. Temizle bakalım temizleyebilirsiniz(75).

Мен яккаю-ягона қизимни шундай жойга бериб, шундай жойга узатаманми? Шошиб бошни ёриб ўтирибсиз. Яхшилаб ўйлаб кўрайлик, ўзингиз тузата оларсиз(50).

Бизнингча, бу вазиятда айни жумла моҳиятан мувофиқ келса-да, лекин матнга мос тушмаган. Бу ўринда, эҳтимол, ўзбек огзакчи сўзлашув тилида кенг тарқалган, “хато қилмоқ” маъносини берувчи “хол қўймоқ” иборасини ишлатса ва “Шошиб хол қўйдигиз” гапи келтирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Турк тилида “Soğanı gelin etmişler de kırk gün kokusu çıkmamış” матали мавжуд. Бу матал ёмон гап-сўзнинг атрофга чиқиш-чиқмаслиги атроф-муҳитдаги инсонларга боғлиқ, деган мазмунни ифода этади. Бу маталга мос келувчи ўзбекча матал ёки мақол йўқ. Шу сабабли таржимон мазкур матални таржима қилиш билан чекланади:

Soğanı gelin etmişler de kırk gün kokusu çıkmamış. Bunun kokusu bir haftada çıktı(75).

Пиёзни келин қилмишлари қирқ кун ҳиди чиқмабди. бунинг ҳиди бир ҳафтада чиқди(48).

Турк тилида “İş işten geçmiş” матали мавжуд бўлиб, мазкур матал “ишнинг бўладигани рўй бериб бўлди” маъносини беради. Ўзбек тилида мазкур мазмунга мос келадиган “Бўлар иш бўлиб, бўёғи синиб бўлди”, “Ғишт қолипдан кўчди” маталлари бор. Йўлдош Эшбек иккинчи матални қўллашни маъқул кўради:

Birden içeride yemeği unuttuğum aklıma geldi ve başımdan bir kazan kaynar su dökülüverdi. Koştu bir de ne göreyim, yana yana simsiyah olmuş. Kapa kapalı olduğundan, daha evvel koku dışarı çıkmamış. O zaman aklıma geldi, yemeğin suyunu koymadığım amma iş işten geçmişti(41-42).

Бирдан овқат қўйганим эсимга тушди ва бошимга бир пақир қайноқ сув тўкилгандек бўлди. Югурдим. Не кўз билан қарайки, овқат куйиб жизгинак бўлибди. Эшик ёпиқ бўлгани учун ҳид ташқарига чиқмаган. Шундагина овқатига сув қуймаганим эсимга тушди. Бироқ энди ғишт қолипдан кўчиб бўлган эди(29).

Йўлдош Эшбекнинг таржимасида кўзга ташланадиган ютуқлардан бири шундаки, туркча матнни таржима қилар экан, айрим ўринларда мақол ва маталлар қўлланмаган бўлса-да, ўзбекча мақоллар ва маталларни ишлатади. Ёзувчи назарда тутган мазмунни, руҳни ифода этгани сабабли, бу мақол ва маталларнинг қўлланилишини, фикримизча, ижобий баҳолаш зарур. Чунки ўзбек тилидаги мақоллар ва маталлар туркча асар мазмунини тўғри акс эттириш билан бир пайтда, асар тилини халқ тилига яқинлаш-

тирган, унинг мазмунини жозибали, ифодали чиқишига сабаб бўлган. Масалан, қуйида Аҳмад Лутфи Қозончининг романининг асл нусхасидан бир лавҳа келтирамиз:

Bir müddet sonra misafirler kalkıp gidince Mehmet Ağa, hanımına durumu öğrenmesini tenbih ederek dışarı çıktı. Emine de kendine, Mustafa'yi beğenip beğenmediği sorulunca başını önüne eğdi, yüzü tekrar kızarmıştı.

Mehmet Ağa, kızının sükut ettiğini ve utanarak başını önüne eğdiğini duyunca bu halinin ikrara delalet ettiği anladı (59).

Бирпас ўтиб, меҳмонлар кўзгалди. Маҳмуд оға хонимига вазиятни ўрганишни тайинлаб, ташқарига чиқди. Онаси Мустафо ёқиб-ёқмаганини сўраши билан Аминанинг юзлари яна қизариб, бошини эгди.

Маҳмуд оға бу ҳолни эшитиб: “Сукут - аломати ризо”, деб ўйлади(40).

Келтирилган асар парчасини диққат билан ўқиб чиқсак, кўрамизки, ёзувчи мақол ёки матал қўлламаган. Биро таржимон ўзбек тилига ўгиришда “Сукут – аломати ризо” мақолини ишлатади ва мазмунни янада аниқ ва таъсирчан чиқишига эришади.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Лутфи Қозончининг “Қайнона” романида вазиятнинг мазмунини акс эттириш учун мақоллар ва маталлардан унумли фойдаланилган. Йўлдош Эшбек романда қўлланган мақоллар, маталларнинг таржимасида қуйидаги усулларни ишлатган: туркча мақоллар ва маталларнинг ўзбекча айнан муқобилини қўллаш; туркча мақоллар ва маталларнинг ўзбекча мувофиқ келувчи эквивалентини аниқлаш; ўзбек тилида эквиваленти бўлмаган мақоллар ва маталларни таржима қилиш.

Йўлдош Эшбекнинг таржимасида кўзга ташланадиган ютуқлардан бири шундаки, туркча матнни таржима қилар экан, айрим ўринларда мақол ва маталлар қўлланмаган бўлса-да, ўзбекча мақоллар ва маталларни ишлатади. Ёзувчи назарда тугган мазмунни, руҳни ифода этгани сабабли, бу мақол ва маталарнинг қўлланилишини, фикримизча, ижобий баҳолаш зарур. Чунки ўзбек тилидаги мақоллар ва маталлар туркча асар мазмунини тўғри акс эттириш билан бир пайтда, асар тилини халқ тилига яқинлаштирган, унинг мазмунини жозибали, ифодали чиқишига сабаб бўлган.

*Зокиржон ОРИПОВ,
Ўзбекистон Давлат консерваторияси
профессори, филология фанлари номзоди*

АРАБЧА, ФОРСЧА МУШТАРАК МУСИҚА АТАМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАРЖИМАСИ

Шарқ мусика илмининг ривождаги энг аҳамиятли даврлардан бири, баъзи замонавий тадқиқотчилар Шарқ Уйғониш даври ёки Мукулмон Уйғониш даври деб таърифлаётган X-XII асрларга тўғри келади. Бу давр илмининг, жумладан мусикашунослигининг асосий белгилардан бири мусиқа илмига оид асарлар араб тилида ёзилган ва араб мусикашунослик атамалари шаклланиб борган. Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Абу Абдуллоҳ Хоразмий сингари Ўрта Осиёдан чиққан олим ва мутафаккирлар X-XII асрлар мустақил мусикашунослик илмининг ва мусиқа атамашунослиги тизимининг шаклланишига асос солганлар ва ривожлантирганлар. XIII асрда Сафиуддин Абдулмўъмин Урмавий-Бағдодий ўн икки мақом тизимини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиши оқибатида мусиқий тушунчалар кенгайди ва араб мусиқа атамалари сони янада кўпайди.

XIII асрдан бошлаб Эрон, Хуросон, Моварауннаҳрда мусикашуносликка оид рисоалар форс тилида таълиф этила бошлади. Бироқ, эътиборли жиҳати шундаки, XIII-XV асрларда форс тилида яратилган мусиқа илмига оид рисоаларда қўлланилган мусикашунослик атамаларининг асосий қисми арабчадан ўзлашган эди. Бундай асарлар жумласига мусикашуносликка оид форс тилидаги рисоаларнинг биринчиларидан бўлган Кутбиддин Шерозийнинг “Дар илми мусиқий” рисоласини, Амир Темур раҳнамолигида мусикашунос олим сифатида камол топган Хожа Абдулқодир Мароғийнинг мусиқа илмига оид асарларини, Алишер Навоий ҳомийлиги, унинг чақирғи билан яратилган асарлар жумласидан Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи мусиқи” сини, Зайнулобидин Хусайнийнинг “Қонун” аталмиш асарини киритиш мумкин.

X аср араб тилидаги илмий адабиётда *كتاب الموسيقى* (Китобу-л-мусиқа, яъни Мусиқа китоби) аталмиш жанр пайдо бўлди ва бу жанрда Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Сафиуддин Абдулмўъмин Урмавий-Бағдодий (1216-1294)

каби алломалр ижод қилган бўлсалар, XIII асрдан бу жанр форс тили мусикашунослигида رساله موسيقي (Рисолаи мусики, яъни Мусика рисоласи) деб қабул қилинди ва бу жанрда Қутбиддин Шерозий (1236-1310), Хожа Абдулқодир Мароғий (1353 - 1435), Маҳмуд Амулий (вафоти 1349), Абдурахмон Жомий (1414-1492), Зайнулобидин Хусайний (XV аср), Нажимиддин Кавкабий (XVI аср), Дарвеш Али Чангий (XVII аср) каби алломалар ижод қилганлар ва Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Сафиуддин Урмавий-Бағдодий асос солган илмий йўналишдан борганлар, улар қўллаган атамалардан фойдаланганлар.

Юнончадан араб тилида ўзлаштириб олинган бъази атамалар, араб тили орқали форс тилида форс тили грамматикасига асосан ўзлаштирилди масалан, асли юнонча бўлган, юнон мифологиясида бадийят, адабиёт, фан худосининг санъати маъносини англаувчи “мусика” сўзи X-XV аср мусикашуносликка оид араб манбаларда ва сўнг форс манбаларда ҳам икки маънони англади. Улардан бирини Форобий сўзлари билан айтилса, “Мусика” деб талаффуз этиладиган сўз маъноси “Куйлар”дир. “Куй” эса турли нағмаларни ёқимлилик (консонанслик) хусусиятига эга бўлган муайян шаклга солинган кўринишидир”[1, 47].

“Мусика” сўзининг эслатилган давр манбаларида англаган иккинчи маъносини Ибн Сино сўзлари билан айтилса, “Қандай қилиб куй басталашни билиш мақсадида турли тонларни ўзаро қўшилаолишлиги ёки қўшила олмаслиги ҳамда улар (тонлар) орасида ўтадиган вақт ҳолати борасида ҳисоб-китоб юритувчи математик фан мусикадир” [2, 90].

Демак, “Мусика” сўзини X-XV аср мусикашуносликка оид араб ва сўнг форс манбаларда икки маънони англаган экан: куй ва куй басталаш ҳақидаги илм.

“Мусика” сўзи XIX – аср бошларидан Яқин ва Ўрта Шарқда ҳозирги маънони англата бошлади.

Таъкид этиш лозимки, ҳозирда араб тилида от сифатида "موسيقى" (мусиқа) – “мусика” маъносини англатса, сифат бўлиб “موسيقي” (мусиқий) – “мусикачи”, “мусиқий” маъноларини билдиради. Форс тилида эса “موسيقى” (мусиқий) сўзи ҳам от бўлиб “мусика” ва ҳам сифат бўлиб “мусикачи”, “мусиқий” маъноларини англатувчи атамага айланди [3, 439].

مقام [مقامات] (Мақом-мақомлар) – калимаси асли “жой”, “турар-жой”, “ўрин”, “даража”, “босқич” деб таржима қилинсада, жоҳилия даври адабиётида “қабиланинг йиғин жойи” маъносида ишлатилган [4, 215]. **مقام** сўзи турли соҳаларга хос атама сифатида қўлланилиб, ҳар соҳада муайян маънони билдириб келади. Масалан, тасаввуфда **مقام** сўзи муҳим бир атама сифатида асрлар давомида ишлатилиб келинмоқда. Тасаввуф таълимоти, бир томондан Аллоҳни билмоқ ва танимоққа, иккинчи томондан инсонни ўз нафсини, руҳий – ахлоқий жиҳатларини тарбиялашга қаратилган бўлиб, сўфи бўлиш учун инсон шариат, тарикат, маърифат ва ҳақиқат аталмиш тўрт фанни ўзлаштириши керак. Уларнинг ҳар бири 10 асосга, тўртталаси 40 асосга таянган. Сўфийлик илмидаги мазкур асослар “мақом” [**مقام**] деб аталади. Масалан, шариатда 10 мақом бор: биринчи мақом – имон келтирмоқ, иккинчи мақом – номоз ўқимоқ, учинчи мақом – рўза тутмоқ, тўртинчи мақом – закот бермоқ, бешинчи мақом – ҳаж ибодатини бажармоқ, олтинчи мақом – мулойим сўзламоқ, еттинчи мақом – илм ўрганмоқ, саккизинчи мақом – Ҳазрати Расули (с.а.в.) суннатларига амал қилмоқ, тўққизинчи мақом – амри маъруфни бажармоқ ва ўнинчи мақом – наҳи мункар қилмоқ. Демак, тасаввуфда “мақом” атамаси тўрт фаннинг асосларини билдиради.

X-XIII аср араб тилидаги мусикашунослик китобларида **مقام** (мақом) сўзи “нағма жойи”, “парда ўрни” маъноларини англатувчи атамага айланди. Ибн Сино “Мусиқа илми тўплами” да таъкидлайди: “Бирининг сон кўрсаткичи 8 иккинчисиники 3 бўлган икки нағма орасидаги буъд ёқимлидир, чунки 4 нинг ўрнида (мақомида) 8 турибди, 4 нинг 3 га нисбати эса бир бутун ва учдан бир нисбати 4:3 – **الذّي بالأربعة** (кварта). Агар 3 тарафдан (8:3 нисбатда) олсак, уч олтининг ўрнида (мақомида), чунки унинг ярми олтидир. 6 нинг 8 га нисбати эса ’ал-лазий би ’ал-’арба’a **الذّي بالأربعة** (кварта) нисбатидир” [5]. Ибн Зайла “Мусиқага оид тўлиқ китоб”ида ёзади: “Агар ’ал-лазий би ’ал-кул маратайн (иккиланган октава – квинтдецима) нинг икки ярмининг ҳар бири иккинчисига ўхшаш тақсимланишга эга бўлмаса, ҳар бир бўлак иккинчисида, ҳар бир нағма бошқасида ўз жойига (мақомига) эга бўлиши мумкин эмас” [6]. XIII асрнинг 50 - йиллари яратилган Сафийуддин Урмавийнинг (1216-1294) “Даврлар китоби” номи билан машхур асарида ҳам **مقام** (мақом) сўзи Ибн Зайланинг аса-

риндаги каби “наъма жойи”, “парда ўрни” маъноларини англа-
тувчи атама сифатида қўлланилади.

Ўн икки мақом тизимини илк бор назарий жиҳатдан ишлаб
чиққан уламолардан Сафиуддин Абдулмуъмин Урмавий-Бағдодий
(1216-1294) араб тилида яратган “Даврлар китоби” асарида ўн икки
мақомни “бу саъат аҳли” **شودود** (шудуд, бирлиги **شاد-шад**) – деб ата-
ган дейди ва мақом даврларини куйидаги тартибда санаб ўтади:

عشاق (Ушшоқ); **نوى** (Наво); **بوسليك** (Буслик); **راست** (Рост); **عراق**
(Ирок); **اصفهان** (Исфаҳон); **زيرافكند** (Зирофканд); **بزرگ** (Бузург); **زنكوله**
(Зангула); **راهوي** (Роҳавий); **حسيني** (Хусайний) ; **حجازي** (Ҳижозий) [7].

Ўн икки мақом ўн икки турли лад ва уларга мос мусиқа асар-
лари ифодаси эканини айтиб, товущқатор тузилиши, мусиқий хусу-
сиятлари борасида гап юритмай Ўн икки мақомдаги ҳар бир мақом-
мини XV – асирнинг форс тилидаги рисолаларда аталишини ва
тартибини кўриб чиқамиз. Масалан, Абдурахмон Жомийнинг (1414-
1492) “Мусиқа рисоласида” Ўн икки мақомнинг аталиши ва тартиби
шундай берилди: **عشاق** (Ушшоқ); **نوى** (Наво); **بوسليك** (Буслик); **راست**
(Рост); **حسيني** (Хусайний) ; **حجاز** (Ҳижоз); **راهوي** (Роҳавий); **زنكوله** (Зан-
гула); **عراق** (Ирок); **اصفهان** (Исфаҳон); **زيرافكند** (Зирофканд)-(иккинчи,
кўшимча аталиши – **كوجك** (кучёк)); **بزرگ** (Бузург) [8, 32].

Абдурахмон Жомий тузган Ўн икки мақом жадвали Абдулқо-
дир Марогий (1353 – 1435) тузган жадвалнинг худди ўзи, фақат
Жомийда **اصفهان** (Исфаҳон) мақомининг икки кўриниши бор [8, 57].

Зайнулобидин Хусайний (XV аср) тузган Ўн икки мақом жад-
вали Урмавий-Бағдодий тузган жадвалнинг ўзгинаси [9, 74].

Ўн икки мақомни яратилишига оид турли ривоятлар бор.
Аммо, биз Ўн икки мақом аталишларини кўриб чиқсак, XIII – аср-
да Урмавий-Бағдодий араб тилида яратган асарда ҳам, XIV – XV
– асрларда форс тилида яратилган рисолаларда ҳам аталиш бир
хил эканини кўрамиз. Уларнинг баъзилари арабча аталса, баъзи-
лари форсча аталади, яъни:

عشاق (Ушшоқ) арабча **عاشق** (ошиқ) сўзининг кўплиги бўлиб,
баъзилар Оллоҳнинг ошиқлари, Оллоҳни севучилар айтувчи ва
эшитувчи асарлар бўлган учун **عشاق** (Ушшоқ) деб атаганлар деса,
баъзилар “Ушшоқ” мақоми лирик кайфиятларни ифодалаган ва
лирик (ишқий) шеърлар билан ижро этладиган асар ҳамда ошиқ-
лар тилидан айтилгани учун унга “Ушшоқ” (Ошиқлар) номи бер-
рилган бўлса керак” – дейди [10, 92].

نوى (Наво) сўзи форсча бўлиб, алиф билан ҳам ёзилади, яъни
نو ва “ёқимли, покиза куй, оҳанг” маъносини англатади.

بوسليك “(Буслик) сўзи исми хос Абу Саликдан олинган” – деса
И.Р.Ражабов [10, 94], О.А.Иброҳимов “йўловчи, ошик, тўғри йўл-
дан борувчи мусофир” – деб тушунтиради [11, 21]. Ривоятларда
халифа Умар(р.а.), сафарда туя чарчоғни сезмаслиги ниятида
“Буслик” мақомини яратган дейилади. Умуман, Ўн икки мақом,
хусусан унданги ҳар бир мақомнинг яратилиши ва аталишига оид
ривоятлар кўп. Баъзи ривоятларда Ўн икки мақомни ижод этили-
ши ва мақомларнинг аталишини Афлотун ёки Мусо а.с. номи
билан боғланса [12, 315], баъзилари Пифагор номи билан боғла-
нади. “Буслик” хусусида яна ривоят қилинадики, Пифагорнинг
доим шу товушқаторда туркий қўшиқлар хиргойи қилиб юра-
диган Буслик исмли кули бўлган экан [12, 322].

Агар бу сўзга араб тили нуқтаи назаридан қаралса, سالك
(салик) – тўғри йўлдан боручи, сўфийликнинг юқори даражалари-
дан бирига эришган маъносини беради, ابو سليك (Абу Слик) нинг
маъавий таржимаси эса “тўғри йўлнинг боши” бўлади ва ابو سليك
(Абу Слик)нинг ўзгарган шакли بوسليك (Буслик), яъни Ўн икки
мақомнинг бирининг ними бўлиши жоиз. والله اعلم و

راست (Рост) ажам халқлари тилларида “тўғри, ҳақиқатга мос
келувчи” маъноларини англатиб, راه راست (Роҳи рост) дейилса,
Курони каримдаги صراط المستقيم (сирата-л-мустақим - ҳақиқат йўли,
тўғри йўл, Аллоҳ йўли) ни англатади. راست (Рост) мақомини ام الادوار
(умму-л-адвар) – “мақом даврларининг онаси” деб ҳам атайдилар.

عراق (Ироқ) – Ажам мамлакатларидан Ҳаж ибодатлари адо
эиладиган, исломнинг муқаддас шаҳарлари – Маккаи Мукаррама
ва Мадинаи Мунавварага ҳожилар ўтадиган йўлда жойланган
мамлакатнинг номи.

اصفهان (Исфохон) – кўп уламони етказиб берган, ўрта аср-
ларда Эроннинг маданий ва илмий маркази бўлган шаҳарларидан
бирининг номи.

زيرافكند (Зирофканд) – “пасайтирилган” деган маънони беручи
сўз. Бу мақомнинг иккинчи номи – كوجك (кучэк - кичкина).

بزرگ (Бузург) – “катта”, “буюк” маъноларини англатади.

زنكوله (Зангула) – “Зангула” сўзининг асл маъноси “қўнғи-
роқ”, аммо у бўйнига қўнғироқ осилган, лўкиллаб юрганда маъ-
лум усул бериб карвон бошида борувчи туя маъносини ҳам бер-

ган. Кўнғироқлар ўзбек миллий рақс санъатида раққосалар томонидан кенг қўлланилади. Хотин – қизлар қўл ва оёқларига кўнғироқчалар тақиб олиб тушадиган “Зангбози” (“Кўнғироқ ўйини”) ва Бухоро халқ мусикаси асосида неча бор саҳналаштирилган “Занг” рақси ҳозир ҳам машҳур.

راهوي (Роҳавий) – Кичик Осие шаҳарларидан бирининг номи.

حسيني (Хусайний) – атоқли исм. Расул алайҳи-с-саломнинг набираларидан бирининг исми حسين (Хусайн) бўлган, шунга ишора ёки маълум бастакорнинг исми бўлиши мумкин.

حجاز (Ҳижоз) – Ҳаж ибодатлари адо этиладиган, исломнинг муқаддас шаҳарлари - Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара жойлашган Арабистон ярим оролидаги минтақанинг номи.

Шундай қилиб, Ўн икки мақомдаги ҳар бир мақомни аталишидан тўртгаси географик номлар, яъни عراق (Ироқ), اصفهان (Исфаҳон), راهوي (Роҳавий) حجاز (Ҳижоз); иккитаси атоқли исм, яъни بوسليك “(Буслик) ва حسيني (Хусайний); бештаси форча сўз, яъни نوى (Наво), راس (Рост), زيرافكند (Зирофканд) ёки كوچك (кучэк), بزرگ (Бузург), زنگوله (Зангула) ва биттагинаси арабча сўз - عشاق (Ушшоқ), лекин уларнинг ҳаммаси ҳам илк бор араб тилидаги ёзма манбада – Сафиуддин Абдулмуъмин Урмавий-Бағдодийнинг (1216-1294) араб тилидаги “كتاب الادوار” (“Даврлар китоби”) асарида қўлланилган ва сўнг форча рисолаларга кўчиб ўтган.

مقام (мақом) атамаси XIX аср бошларидан мумтоз мусиқа шакллари туркум кўринишдаги мустақил мусиқий асарларни ва уларнинг мажмуасини англатувчи атамага айланди. Хусусан, Шашмақом: Мақоми Бузрук, Мақоми Рост, Мақоми Наво, Мақоми Дугоҳ, Мақоми Сегоҳ, Мақоми Ироқ.

مقام (мақом) атамаси, кейинроқ мақомларнинг миллий ва минтақавий кўринишларини ифода этишда ҳам қўлланила бошлади, масалан, Шашмақом, Бухоро мақомлари, Араб мақамлари, Озарбайжон муғомлари, Уйгур муқомлари ва ҳ.з.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти, халқларининг бахту саодати, илму фан, маданият, санъатнинг ривожини йўлидаги хайрли ишлари билан эл меҳрини қозонган Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов шундай дейдилар: “Шарқ мусиқаси – Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк” [13, 368]. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида

тутган ўрни бениҳоя буюклигини кўрсатувчи белгилардан бири Шарқ мусикашунослигига оид ёзма манбаларининг бойлигидир. Мусикашуносликнинг эслатилган нодир ёдгорликлари маълум даражада ўрганилган бўлишига қарамай, ҳали фан олдида уларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш вазифаси турибди. Хусусан, улурдан бир қанчасини манбашунослик жиҳатдан ўрганиш, асарларнинг илмий нашрларини тайёрлаш ишлари бажарилмаган. Олдимиздаги муҳим ва ўта жиддий вазифалардан бири асарларда қўлланилган мусиқа атамалари тизимини аниқлаб, уларни монографик планда тадқиқ этишдир.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

- [1] – أبو نصر الفارابي، كتاب الموسيقى الكبير. تحقيق و شرح غطاس عبد الملك خشبة. مراجعة و تصدير نكتور محمود أحمد الحفني. دار الكاتب العربي للطباعة و النشر بالقاهرة. بون سنة. ص. ابن سينا، الأثفاء، الرياضيات. جوامع علم الموسيقى. تحقيق ومقدمة زكريا يوسف. [2] – تصدير و مراجعة أحمد فؤاد الالهواني و محمود أحمد الحفني، المطبعة الاميرية بالقاهرة، 1956س. ص. 90.
- [3] – 439 عبد الرحمان جامي رسالهء موسيقي تاشكنت 1960 ص. – [4] – Халидов А.Б. Книжная культура.//Очерки истории арабской культуры V-XV вв. – М.: Наука, 1982.
- [5] – ابن سينا، الأثفاء، الرياضيات. جوامع علم الموسيقى. تحقيق ومقدمة زكريا يوسف. – تصدير و مراجعة أحمد فؤاد الالهواني و محمود أحمد الحفني، المطبعة الاميرية بالقاهرة، 195627س. ص.
- [6] – أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. ألكتاب المخطوط. المتحف – 236 في المجلد من الورقة 220 و الى 237 ظ ص 236 OR. البريطاني بلندن مجلد برقم 2361
- [7] – صفي الدين عبد المؤمن الأرموي البغدادي. كتاب الادوار في معرفة النغم و الادوار. – بغداد 1961س. ص. 95. تحقيق حاشم محمد الرجب، الحاج
- [8] – Джами А. Трактат о музыке. Перевод с персидского А.Н. Болдырева. (Приложение. Фотокопия «Трактата о музыки» на фарси) Редакция и комментарии В. М. Беляева. – Т.: Из-во АН Уз.ССР1960.
- [9] – Зайнулабидин Махмуд Хусейни. Канон теории и практической музкки. Подготовка, исследование, факсимиле рукописи и примечания Аскарала Ражабова. – Душанбе: “Дониш”, 1987.
- [10] – Ражабов И. Мақомлар. – Тошкент, 2006.
- [11] – Иброҳимов О.И. Фергано – Ташкентский макоми. – Т., 2006.
- [12] – Музыкальная эстетика стран Востока.: Сборник. – М.: Музыка, 1967.
- [13] – Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.

ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА МУРАККАБЛИКЛАРИ

Санъат ичра санъат. Агарда адабиёт сўз санъати бўлса, шеър бу санъат салтанатида энг юксак мақомни эгаллайди. Шеър, таъбир жоиз бўлса, сўздан муъжиза яратиш санъати. Шунинг учун ҳам бадий таржима санъат ҳисобланса, шеърий таржима бу санъатнинг энг олий шакли, санъатлар санъатидир. Буни шундан ҳам билса бўладики, насрий асарлар таржимасига тил билган ҳар қандай киши қўл уриб, уни бақадри ҳол эплагани ҳолда, шеърий таржимага шоирлар ёки таъби назми бор, бадий завқ соҳиби бўлган алоҳида истеъдодларгина журъат қиладилар. Чунки шеърий асар таржимасида мазмун ва ғояни етказишгина эмас, балки муқобил вазн, мувофик қофия ва муносиб радиф топиш, бадий тасвир воситаларини қайта яратиш ҳам бирдай муҳим.

Таржимада шеърнинг тўрт мучаси бут чиқиши қийин, кўп ҳолларда ҳатто бунинг иложи ҳам йўқ. Тўғри, аслият билан рақобат қилар даражада маҳорат билан амалга оширилган таржималар ҳам йўқ эмас. Айтайлик, машҳур немис адиби Йоганн Вольфганг Гёте “Фауст” асарининг французча таржимасини севиб ўқир экан. Таниқли кабарда-болқор шоири Қайсин Қулиевнинг Абдулла Орипов таржимасидаги “Ҳайрат” шеъри адабий ҳаётда воқеа бўлгани маълум. Хуршид таржимасидаги Ҳофиз ғазаллари, Эркин Воҳидов ўзбекчалаштирган Сергей Есенин шеърлари ҳам халқимизнинг севиб ўқийдиган асарларига айланди. Лекин бундай намуналар кўп эмас.

Таржима жараёнида шеър ўзининг асл қиёфасини анча-мунча йўқотиши, бадий таровати ва эстетик таъсирчанлигидан мосуво бўлиши учун ҳам шеърий таржимага қаршилиқлар кўп бўлган. Масалан, буюк италян шоири Алигъери Данте ўзининг “Базм” рисоласида ёзган эди: “Вазн қонуниятига бўйсунган, мусикавий равонликка эга бўлган асарларни асл нусха лафзининг тамоми лазизлиги ва уйғунлиги билан бошқа тилга бенуқсон таржима этиб бўлмайди” [1, 35].

Атоқли англиз шоири Перси Шелли ёзади: “Бирор-бир поэтик матнни бошқа тилда қайта яратишга уриниш – бу баайни бинафша гулини ичида металл қайнаб турган идишга солиб, шундан кейин унинг аввалги ҳолатини яна сақлаб қоламан деб тентакларча ишонишдай гап”. Шелли бу ташбеҳини қуйидагича изоҳлайди: “Ахир, шоирларнинг тили ҳамма вақт товушларнинг бир хилдаги гармоник такрорига итоат этади, бусиз поэзия ҳосил бўлмайди. Ўқувчи руҳига таъсир этиш учун товушлар такрори ҳатто баъзан сўзлардан ҳам муҳимроқ бўлади. Шунинг учун ҳар қандай таржима бефойда ишдир” [1, 36].

Илья Эренбург: “Ҳатто суратнинг репродукцияси оригинал тўғрисида ҳар қандай яхши шеърий таржимага қараганда кўпроқ тасаввур бера олади. Ҳар бир тилнинг ўз сўзхонаси, ўз жаранги, ўзининг ассоциатив имконияти бор” [1, 36] деса, А. Межиров эса “шеърият она тилига содиқ – у ҳеч қачон таржимага бўйсунмайди” [1, 37], – деб ёзган эди бир шеърида. Шунинг учун ҳам забардаст таржимон ва шоир С. Маршак ёзган эди: “Мен кўринишда бир-бирига зид, лекин моҳият эътибори билан тўғри бўлган икки хил фикрни олдинга сурмоқчиман.

Биринчиси. Шеърни таржима қилиш мумкин эмас.

Иккинчиси. Ҳар гал бу истиснодир” [1, 41].

Француз адабиётида эса ҳатто бир асардан ортик давр мобайнида шеърий асарлар насрий таржима қилинган. Лекин таржима аслиятнинг ўрнини босолмайди, деб таржимадан воз кечиб ҳам бўлмайди. Шеърий таржима ҳар қанча мушкул ва масъулиятли бўлмасин, Маршак, таъбири билан айтганда, “Ҳар гал бу истиснодир”.

Маъно таржимаси ва таржима маъноси. Таржима учун бирор чет тилини билишнинг ўзи кифоя эмас, айна пайтда она тилини ҳам мукамал билиш керак. Бунинг устига, таржима объекти, яъни нимани таржима қилаётганини ҳам билиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам Г. В. Плеханов ёзган эди: “Таржима қилмоқчимисиз? Бу – яхши ният, бироқ шуни унутмангки, сиз, биринчидан, қайси тилдан таржима қилаётган бўлсангиз – шу тилни, иккинчидан, қайси тилга ағдараётган бўлсангиз – шу тилни, учинчидан, сиз ўгираётган асарда қандай предмет тўғрисида гап борса, ўша предметни билишингиз зарур. Бу шартларнинг, лоақал, биронтасига рия қилинмаган тақдирда ҳам, яхшиси, уринмай қўя қолинг, чунки сизнинг таржимангиз ёмон бўлиб чиқади ва сиз китобхонни чалғитасиз” [2, 134].

Дарҳақиқат, таржима соҳасида ҳар хил ҳодиса-ҳолатларга дуч келиш мумкин. Баъзи таржимонлар чет тилини етарли даражада билса-да, она тилиси чатоқ – натижада таржима мавҳум ва ғализ чиқади. Баъзилар она тилига жаранглашиб таржима қилади-ю, аслият тилини яхши билмаслигидан маъно билан боғлиқ хатоларга йўл қўяди. Баъзилар эса ҳатто нимани таржима қилаётганини ҳам билмайди. Бу жиҳатдан таниқли таржимашунос олим Корней Чуковский “Юксак санъат” китобида келтирган қуйидаги маълумот диққатга сазовор: “америкалик занжи шгоир Ленгстон Хьюзнинг “Қора Мария” номли шеърини рус тилига аввал М. Зенкевич таржима қилади. Бу таржимага кўра, шеърда занжи йигитнинг қора танли қизга эҳтиросли муҳаббати ҳикоя қилинади. Аммо бу шеър В. Британский томонидан иккинчи марта таржима қилинганда маълум бўладики, “Қора Мария” ҳеч қандай занжи қиз эмас, балки... маҳбусларни ташийдиган турма машинаси экан! Негрлар бу машинага шунақа “лақаб берган эканлар. Шеърда негрнинг бу машинани кўргандан кейин таҳликага тушиши, кўркув аралаш ташвишлари тасвирланган” [1, 47-48]. Чунки бу машина ҳар келганида кимнидир олиб кетади – “Қора Мария” деган нозаниннинг навбатдаги ови ким бўлишини, ҳеч ким билмайди. Шунинг учун уни кўриши билан ҳар бир кишининг вужудига титроқ тушади.

Агар таржимон аслиятнинг мазмунини тушунмаса, унга мутлақо тесқари таржима яратиб қўйиши, бирёклама талқин қилса, сийқа таржима вужудга келиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам аслиятга номувофиқ мазмун келиб чиқади, сўз ва иборалар таржимада ўзгача маъно ташийди. Мисол тариқасида Паҳлавон Маҳмуднинг қуйидаги рубойиси таржимасини кўриб чиқайлик:

*Дар чарх намонда, дар фалак низ намак,
Дар журми Симоку дар Самак низ намак.
Чашми намак аз хони намак бенамак аст,
Даврест, ки нест дар намак низ намак.*

Маъноси: “Заминни кўтариб турган афсонавий балиқ Самакдан тортиб то кўк тоқи – асад буржидаги юлдуз Симоқкача – на ерда туз (маъни) бор, на осмонда! Туз аслида туз конининг ўзидан тузсиз бўлиб чиқмоқда – бу қандай замонки, тузда туз йўқ!”.

Сўз ўйини, ўтқир киноя, аччиқ захарханда асосига қурилган рубойининг ўзбекчасида... экологик фожиа даври – XX асрнинг

дарди ўз аксини топган. М. Абдулҳаким “уммон” деб ҳатто Оролни назарда тутишгача бориб етган:

*Этти қаър (?) ер қаъри туз, осмонда туз,
Туз тўла сайёра ҳам уммонда – туз.
Кўзда тақдир тузлари кўз ёшима,
Не учун йўқ дебки, бу туздонда туз.*

Шу тарика, бир шеър асосида бошқа бир шеър яратиш ҳоллари, афсуски, таржимачилик тажрибасида кўп учрайди.

Шеър шаклий жиҳатлари билан ҳар қанча гўзал бўлмасин, унинг асосида ҳам маъно ётади. Оҳорли ва теран маънодан холи шеър жонсиз баданга ўхшайди. Ўз-ўзидан, шеърий таржимада ҳам мазмун биринчи ўринда туради. Бунинг учун, аввало, шоир айтмоқчи бўлган фикрни барча маъно қирралари билан яхшилаб тушуниб олиш, матн мазмунини бутун талқин имкониятлари, сўзларни ранг-баранг маъно товланишлари билан кенг ва чуқур идрок этиш, шундан кейингина уни бошқа тилда гўзал ва таъсирчан ифодалаш йўллари излаш керак бўлади. Чунки ўзинг етарли даражада англай олмаган фикрни қандай қилиб ўқувчиларга тўғри етказиб бера оласан? Афсуски, бадий таржима амалиётида аслият тўғри идрок этилмай, нотўғри талқин қилинган намуналар ҳам оз эмас. Бунга тилни талаб даражасида билмаслик, илму тажрибанинг етишмаслиги, масъулиятсизликдан ташқари, бадий матн маъзини чакишнинг қийинлиги ҳам сабаб бўлади.

Жанр табиати ва таржима талаби. Шеърий жанрлар асрлар давомида шаклланиб, қатъий қолипга тушган – уларнинг нафақат мавзу ва мазмун доираси, балки вазни, ҳажми, қофияланиш тартиби ҳам ўзига хос. Масалан, маснавийда эпик воқеалар, ғазалда ишқий кечинмалар, қитъада панд-насихат ифодаланса, рубойида ҳар қандай фикр фалсафий талқин қилинади, дубайтий оний туйгулар изхори, бадиҳагўйлик учун қулай, туюқ фақат тажнис асосига қурилади. Айни пайтда, туюқ биргина рамали мусаддаси мақсур (махзуф) вазнида, дубайтий эса ҳазажи мусаддаси мақсур (махзуф)да яратилади. Бу жиҳатдан рубойининг имкониятлари кенгроқ – у ҳазаж баҳри ахрам ва ахраб тармогининг 24 та вазнида ижод қилинади. Бунинг устига, бир рубойий бир неча вазнда ёзилиши, ҳатто бир рубойий доирасида ҳам ахрам, ҳам ахраб ўрин алмашиб келиши ҳам мумкин. Бизда эса рубойлар 5х6 туроқли

11 ҳижоли бармоқ вазнида таржима қилиб келинди. Бу рубойлар мазмун жиҳатидан аслиятга ҳар қанча мувофик бўлмасин, шакл жиҳатидан кескин фарқ қилади.

Масалан, Пахлавон Маҳмуд қаламига мансуб қуйидаги рубойнинг 1, 2 ва 4-мисралари ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи солими абгар (мафъувлу мафоилун мафойилун фаъ --- V V - V - V - - - -), учинчи мисраси ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи макфуфи мажбуб вазнида (мафъувлу мафоилун мафойилу фаал - - - V V - V - V - - - V V -):

*Эй дил, ба каманди дилбаре афтоди,
Дар доми бути ситамгаре афтоди.
Аз қайди яке халос ногаишта ҳанӯз,
Филҳол, ба доми дигари афтоди.*

Тўхтасин Жалолов уни 6+5 туроқли 11 ҳижоли бармоқ вазнида ўгирган:

*Дилим яна дилбар домига тушиди,
Не дилбар, ситамгар домига тушиди.
Бирининг бандидан қутулмай ҳануз,
Бошқа парипайкар домига тушиди.*

Магназар Абдулҳаким ҳам бу рубойини арузда таржима қилишга уринган:

*Тортти сени чоҳига ишқ - дард, тушидинг,
Банд этди дилинг зулфи муаттар, тушидинг.
Энди қутулдингми десам ул биридан,
Бошқасининг домига баттар тушидинг.*

Лекин бу ерда рубойий вазнлари бузилган. Фақат 2-мисра ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи солими азалл вазнида. 3-мисрада бир бўғин етишмайди. 4-мисра бармоқ (11 ҳижоли) вазнида. Туроқ бузилган.

Биз унинг тўртала мисрасини ҳам ҳазажи мусаммани аҳраби макфуфи солими абгар вазнида таржима қилдик:

*Эй дил, яна дилбарга асир тушидингми?
Дилдори ситамгарга асир тушидингми?
Алҳол, қутуллолмай қўлидан биттасининг,
Боз бир парипайкарга асир тушидингми?*

Рубоий вазлари халқимизга бегоан эмас. Навоий, Бобур, Убайдий, Мунис, Огаҳий каби буюк шоирларимиз бу жанрнинг ҳам гўзал намуналарини яратганлар. Бу рубоийларни арузда – ўз вазнида ўқиётган, ёд олаётган ўқувчиларга Ибн Сино, Умар Хайём, Саъдий, Румий, Бедил сингари сўз санъаткорлари рубоийларини бармоқ вазнида таржима қилиб тақдим этсак, уларнинг жанр ҳақидаги тушунчасида иштибоҳ пайдо бўлмайдими?

Дубайтий ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Халқ оғзаки ижодида бу жанрнинг “Қизил гул очилиб қилди нишона”, “Баланд тоғ устида бир қизни кўрдим” каби гўзал намуналари бўлгани ҳолда Шоислом Шомухамедовнинг Бобо Тохир дубайтийларини бармоқ вазнида ўгириши тўғри бўлмаган. Шунинг учун биз мутасаввиф шоирнинг 327 та дубайтийсини, шунингдек, афғонистон халқлари фольклоридан мингдан ортиқ дубайтийни ўз анъанавий вазнида таржима қилдик.

Туркий тиллар омоним сўзларга бойлиги учун ҳам туркий шеъриятда тажнис санъати кенг қўлланилади. Бу ҳол бора-бора фақат тажнис санъатига асосланган алоҳида шеър тури – туюк жанрининг пайдо бўлишига олиб келган. Бу таржима қилиш деярли мумкин бўлмаган лирик жанрлардан ҳисобланади. Чунки кўн тилларнинг омоним сўзлар луғати унча бой эмас. Икки маъноли сўзлар баҳарнав топилганида ҳам, уч маъноли сўзларни топиш қийин. Шунинг учун ҳозиргача фақат бир таржимон – машҳур туркийшунос олим Сергей Ивановгина туюқни бошқа тилга таржима қилиш калитини топган – бунда у Навоий туюқларидаги тажнис бўлиб келган сўзлар маъносини матнга сингдириб, улар ўрнига рус тили захирасидан уч маънони ифодалайдиган сўзларни маҳорат билан топиб қўллаган.

Япон шеъриятида хокку деган учлик шеър шакли бор. Унда кўпроқ табиат манзаралари тасвирланади, оний ўй-фикрлар ифодаланади. Хусниддин Шарипов ёзади: “Мен бу жанр таржимасига илк бор қўл урганимда маъносига асосий эътибор қаратиб, шаклига мутлақо аҳамият бермаган эдим. Кейин билсам, унинг ўзига хос вазни ҳам бор экан: биринчи ва учинчи мисралар 7, иккинчи мисраси 9 бўғиндан иборат бўлар экан.

Вазндан ташқари баъзи жанрларнинг ҳажми ҳам катъий ўлчовга солинган бўлади. Жумладан, сонет – 14, танка – 5, рубоий, дубайтий, туюқ – 4, хокку – 3, фард – 2 мисрадан ташкил

топади. Бундай шеърлар таржимасида бир мисра орттириб ҳам бўлмайди, бир мисра тушириб колдириб ҳам. Агар шундай килинса, уларнинг жанрий хусусиятлари йўққа чиқади. Айтилик, мазмунни батафсил акс эттириш учун рубоийни беш мисра қилиб таржима қилсангиз, у энди рубоий бўлмай қолади.

Шеърый жанрларнинг ўз қофияланиш тартиби ҳам мавжуд: маснавий – аа-бб-вв, ғазал – аа-ба-ва, рубоий – ааба ёки аааа, дубайтий ааба ёки абвб тарзида қофияланади ва ҳоказо. Жанрнинг ўзига хос хусусияти бўлганлиги жиҳатидан таржимада уларнинг қофияланиш тартибини ҳам сақлаб қолиш керак.

Таржимада шеърый асарларнинг шаклий жиҳатларини сақлаб қолиш билан бирга, шунга мувофиқ равишда мазмун ва ғояни ҳам етказиб бериш керак. Айтилик, ғазал таржимасида туйғулар шиддатини, қитъа таржимасида панд-насихатни, рубоийда фалсафийликни жаранглатиб чиқаришга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Маълум бўладики, шеърый асарлар таржимасида уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш шарт, акс ҳолда шеър ўзининг жанрий хусусиятларидан маҳрум бўладики, бу шаклий номувофиқликни келтириб чиқаради.

Шакл ва мазмун бирлиги. Ҳар қандай шеърый асар шакл ва мазмуннинг ажралмас бирлигидан иборат экан, таржимада ҳам бу яхлитликни сақлаб қолиш талаб этилади. Ҳолбуки, кўпчилик таржимонлар асосий эътиборни мазмунни қайта яратишга қаратиб, шакл билан ҳисоблашмайдилар. Натижада уларнинг таржималари мазмун жиҳатидан ҳар қанча аслиятга қойилмақом бўлмасин, шакл томонидан номувофиқ бўлади.

Масалан, Ш. Шомухамедов Умар Хайём рубоийларнинг фалсафий мазмунини ўзбекчада аслиятга мувофиқ таржима қила олди, лекин уларнинг вазнини сақлаб қололмади – аруз таржимада бармоққа айланди. Демак, бу таржималарни мазмун ва шакл жиҳатидан аслиятга мос деб бўлмайди, улар фақат мазмун жиҳатидан мувофиқ.

Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърый романи таржимасида Ойбек ҳам шакл ва мазмун бирлигига эришолмаган. М. Кенжабек эса эришган.

Шеърый таржималарни ҳамиша ҳам аслиятга шакл жиҳатидан мос келмас экан, шеърый асарларнинг насрий таржимасидан шакл ва мазмун мувофиқлигини излаб ўтиришнинг ҳолати йўқ.

Тўғри, мазмун бирламчи – у ўзига мувофиқ шаклни тақозо қилганидан, шакл, қайсидир даражада мазмунга тобе бўлади. Лекин бу шакл иккинчи даражали нарса дегани эмас. Мазмунни гўзал ва таъсирчан шаклда ифодалаш учун хизмат қиладиган вазн, қофия, радиф, бадий тасвир воситалари, композиция, муаллиф услуби, жумла қурилиши, сўз танлаш кабиларнинг барчаси шаклий воситаларга киради.

Маълум бўладики, “...ҳар бир адабий ёдгорлиг ва уни ташкил этадиган ҳар бир унсур шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини ташкил этар экан, унинг таржимасида ҳам айна ҳолат тўла-тўқис сакланиши лозим. Бу асло оригинал тили воситаларининг таржима тилига кўр-кўрона кўчирилиши лозимлигини англамайди, балки таржима тилида аслият воситаларига функционал мос шакл ва мазмун бирлигини танлаш зарурлигини билдиради” [3, 54].

Муқобил вазн муаммоси. Маълумки, шеъринг таржиманинг дастлабки шарт аслиягга мувофиқ вазн танлашдан иборат. Вазн нотўғри танланса, маъно ҳар қанча тўғри берилмасин, таржима муваффақиятли ҳисобланмайди. Чунки шакл ўзгариши билан шеърнинг ритми, оҳанги ҳам ўзгаради. Шунга мувофиқ унинг эстетик таъсири ҳам ўзгача бўлади. Шунинг учун шеърни ўз вазнида ёки муқобил вазн билан таржима қилган таржимонлар ҳамisha муваффақият қозonganлар. Ҳатто узоқ тиллардан таржимада ҳам аслиятга ритм ва оҳанг жиҳатидан яқин вазнлар танланиши сир эмас. Масалан, Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеъринг романи жўшқин ва шиддатли 9 ҳижоли ямба ёзилган бўлиб, Ойбекнинг таржимада мазмунни кенг ва тўла акс эттириш учун бир қадар мўътадилроқ бўлган 11 ҳижоли бармоқ вазнини танлаши натижасида аслият авжи бирмунча секинлашган. Буни яхши англаган Мирзо Кенжабек асарнинг иккинчи таржимасига қўл ураётган экан, ишни вазн масаласини ҳал қилишдан бошлади – романни унга мувофиқ келувчи 9 ҳижоли бармоқ вазнида таржима қилди. Яқин тиллардан таржимада эса бу муаммо бирмунча осон ҳал қилинади. Чунки уларнинг адабиёти кўпинча муштарак анъаналар асосида ривожланади, шеъриятида бир хил ўлчов амал қиладди. Айтайлик, Шарқ мумтоз сўз санъатининг асосий ўлчови бўлмиш аруз системасининг барча вазнлари араб ва форс адабиёти каби, ўзбек адабиётида ҳам етарли даражада ишланган. Айна пайтда, туркий шеърингнинг қадимий вазни бармоқнинг барча шакллари ҳам бизда мавжуд. Бинобарин, араб, форсий ва туркий

адабиётдан шеърый таржимада бизда вазн муаммоси бўлмаслиги керак. Мохир таржимонлар бу имкониятдан маҳорат билан фойдаланиб, иложи борича шеърни у ёзилган вазннинг ўзида таржима қиладилар ҳамда шакл ва мазмун бирлигига эришадилар. Мисол учун, Ҳофиз Шерозийнинг машҳур “Агар он турки Шерози...” номли ғазали ҳазажи мусаммани солим вазнида яратилган бўлиб, Хуршид уни айни вазннинг ўзи билан таржима қилиш орқали ўз таржимасининг нафақат мазмунан, балки шаклан ҳам аслиятга мувофиқ чиқишини таъминлаган:

*Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро,
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.
Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.*

Лекин арузда ижод қилинган асарни умуман арузда таржима қилишнинг ўзи етарли эмас, балки уни ўзи яратилган вазнда ўгириш талаб этилади. Бунинг ҳисобга олмаган мутаржим мувофақиятсизликка учрайди. Жумладан, Ҳофизнинг қуйидаги ғазали ҳазажи мусаддаси мақсур вазнида битилган:

*Маро аз туст ҳар дам тоза ишқе,
Туро ҳар соате ҳусне дигар бод! [4, 147]*

Хуршид уни ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур вазни билан таржима қилади:

*Ҳар лаҳза менга янгиланур шавқ ила ишқинг,
Ҳар дамда сенинг равнақи ҳуснинг дигар ўлсин! [5, 65]*

Мазмун жиҳатидан жуда гўзал таржима. Бунинг устига, услубан равон, соф ўзбекча. Фақат... ритм бошқа, оҳанг ўзгача. Бу Ҳофиз ғазалининг мусиқаси эмас.

Бармоқ вазнидаги шеърлар таржимасига нисбатан ҳам шундай дейиш мумкин. Масалан, таниқли татар шоири Муса Жалилиннинг “Шеърларим” номли шеъри 9 ва 10 ҳижоли бармоқ вазнида (тоқ мисралари – 10, жуфт мисралари – 9) ёзилган:

*Жыр өйрәтте мине хәр яшәргә
Нәм үләрәгә кыю ир булып.
Гомерем минем моңлы бер жыр иде,
Улемем дә яңгырар жыр булып. [6, 478]*

Раззоқ Абдурашид эса уни чўзгандан-чўзиб, 16 ҳижоли бармоқда кенгайтириб таржима қилган. Натижада шеърнинг оҳанги ва шунга мувофиқ равишда таъсир кучи ўзгарган. Кўпсўзликлик шоир услубини ҳам ўз қомига ютиб юборган:

*Озодликнинг алифбосин солган эди қўшиқ дилга,
Қўшиқ менга бош эгмасдан ўлмоқликни буюрадир.
Умрим янгроқ қўшиқ бўлиб жарангловди она элда,
Ўлимим ҳам кураш марши бўлиб мангу бош урадир.* [7, 150]

Шоир фикрини бунчалик ўзидан қўшиб, чайнаб тушунтиришни ҳатто наср ҳам кўтармайди.

Ҳолбуки, шеърни ўз вазнида мана бундай таржима қилиш мумкин:

*Шеър ўргатди мени ҳур яшашга,
Ҳам жон бермоққа мард эр бўлиб.
Умрим менинг янгроқ бир шеър эди,
Ўлимим ҳам янгарар шеър бўлиб.*

Рудакий, Румий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари таржимасида Васфий, Чустий, Хуршид Даврон, Матназар Абдулҳаким каби таржимонлар жанрнинг 24 та вазни туриб, арузнинг турли – ҳазажи мусаддаси маҳзуф, рамали мусаддаси мақсур, ҳатто мусаммани мақсур вазнларини тажриба қилиб кўрганлар. Лекин уларнинг бирортаси ҳам рубоий вазнига мувофиқ келмагани учун муваффақият келтирмаган.

Ўзбек таржимашунослик мактабининг асосчиси Ғайбулла Саломовнинг ёзишича: “Таржимада бадий асар оҳангини бериш барча адабий жанрларда ҳам муҳим. Алоҳида олинган мақол ёки маталдан тортиб то сонет, ғазал, поэма, ҳикоя, романгача агар ҳамоҳанглик таъминланмаган бўлса, у таржима сохта жаранглайди. Оҳанг эса, ўз навбатида, бадий асарларнинг бошқа компонентлари, луғавий бирлик, синтаксис, инверсия, сажъ, радиф, қофия, вазн ва бошқалар билан боғланган ҳолда таржимада ё табиийлик, ёки аксинча, сохталик, сунъий контекст, ясама бадий муҳит пайдо бўлишига олиб келади” [8, 21-22].

Шеър қофияси билан гўзал. Қофия – шеърнинг асосий унсурларидан бири: у шеърга гўзаллик, жарангдорлик ва таъсирчанлик бағишлайди. Шунинг учун ҳам Шарқ шеърлятида қофияга алоҳида аҳамият берилган. Мумтоз адабиётшуносликда қофия-

нинг махсус илм ўлароқ шаклланиши бежиз эмас. Шунга мувофиқ мағзи тўқ, жарангдор ва оҳорли қофия топиш талаб қилинган. Оч қофия – шеърнинг қусури, шоирнинг айби ҳисобланган. Ўз-ўзидан, Шарқ шеъриятидан таржимада ҳам буни ҳисобга олиш керак. Лекин кўпчилик таржимонлар мазмунга асосий эътиборни қаратиб, қофияни назардан қочирадилар. Жумладан, Ойбек таржимасидаги Пушкиннинг “Евгений Онегин” шеърининг романи ва Жамол Камол таржимасидаги Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асари таржимасини кўздан кечирсак, таржимонлар тўқ ва оч қофияларни маҳорат билан топиб қўллаш баробарида кўплаб мисра ва байтларни қофиясиз ҳам таржима қилганликларига гувоҳ бўламиз.

Шеърнинг бутун бадий гўзаллиги, таровати, жаранги, таъсирчанлиги қофия билан. “Маснавийи маънавий” таржимасида Жамол Камол кўплаб пишиқ-пухта, гўзал, таъсирчан ва оҳорли қофияларни маҳорат билан топиб қўллаган: ботин – Афлотун, қаранг – турфаранг, ҳаким – ваҳим, тикан – янгидан, лаин – асрагин, аршида – қаршида, хожа – дебоча, нағмадин – даҳмадин, афсус – маҳбус, аврасин – наърасин, баҳрида – бағрида, босими – меросими ва бошқалар шулар жумласидандир. Шундай салмоқли асарни бошдан-оёқ тўқ қофиялар топиб таржима қилиш осон эмас, баъзида ҳатто иложсиз дейиш мумкин. Шунинг учунми, таржимон кўплаб байтларни оч қофиялар билан ўзбекчалаштиради. Эътироф этиш керакки, оч қофиялар борасида ҳам таржимон анча маҳорат кўрсатган – уларнинг кўпи янги ва бетакрорлиги билан эътиборни тортади: денгиз – чексиз, ундан – хумдан, юрт – қут, тинмади – ҳиммати, бўлмадинг – улфатинг, кўргани – пардани, титратур – ичрадир, фалон – тамом, Эгам – деган, молмидинг – олмадинг, мустақим – қисматим, эса – ўша, юпқадир – бешубҳадир ва ҳоказо. Бироқ, барча байтлар ҳам ана шундай тўқ ва оч қофиялар билан муваффақиятли таржима қилинмаган – таржимон кўпинча мазмунга асосий эътиборни қаратиб, қофияни назардан қочиради. Бундан таржимоннинг, Алишер Навоий таъбири билан айтганда: “Қофия эҳтиётига муқайяд эмас”лиги [9, 63] маълум бўлади. Ҳолбуки, Шарқ шеъриятида қофияга шунчалик катта эътибор берилганки, ҳатто қофия илми алоҳида фан тармоғи сифатида ривожланган. Атойининг шохбайтлар сирасига кирувчи:

*Ул санамким, сув қирогинда паридек ўлтурур,
Ғояти нозуклугидин сув била ютса бўлур, –*

мисраларидаги “ўлтурур” – “бўлур” сўзларини танкид қилиб, “Қофиясида айбғинаси бор” [9, 63], – деган Алишер Навоий Жамол Камолнинг Шарқ адабиётининг гултожи бўлган “Маснавийи маънавий”дан ўгирган куйидаги қофиясиз байтларини кўриб, нима дейишини тасаввур қилиш қийин эмас: терса-да – зарбида, кал – магар, билмагил – шир, бедор – баттар, изн – ишим, қилур – қил, кўзаси – чашмаси, урмагил – келур, ажал – ёқар, этар – бор, маҳал – мевалар, беписанд – айниган, амал – бадар, ҳам – гаваккал, гуруҳ – ул, эммагай – айланмагай, пардалик – унчалик, ўзини – илмини, мағзидир – аслидир, кўркмайин – тунд, бўйнини – узрини, менга – олдига, қолмасин – наърасин, ўйлагил – тинглагил, бермагил – кўрсатмагил, беҳудлик – йўқлик, ўзгармади – бўлмади, тўхтасин – қиссасин, беписанд – тубидан, чоҳга – бедодга, Ҳақ – дарахт, панжаси – ўлжаси, меҳрини – сенинг, макр – ханжар, билан – ҳам, қайтдигу – рўбарў, титради – тўхтади, иш-васи – палласи, ичрамиш – сўйламиш, фойдалар – таъналар, армуғон – тўтижон, лутфига – иккига, табор – эҳтимол, юмдилар – ёндирдилар, аввали – айтгали, айир – айлагил, қайдадир – сўйлагил, қоплагай – айлагай, бойлагай – бермагай, айлагай – сиғмагай, урмамиш – сўйламиш, бандадир – мурдадир, асир – овчидир. Албатта, шеърни қофияга солиш, муносиб қофия топиш осон эмас, лекин белни боғлаб астойдил изланса, топилмайдиган сўзу қофиянинг ўзи йўқ. Зеро, Буалонинг куйидаги сатрларини Жамол Камолнинг ўзи таржима қилган эди:

*Қофия сабот-ла изланса агар,
“Лаббай” деб хизматга бош эғиб келар. [10, 6]*

Муштарак анъаналар асосида ривожланганлиги сабабли форсий ва туркий шеърятдан таржимада кўплаб қулайликлар мавжуд. Айтайлик, ҳар иккала шеърятнинг вазни аруз бўлган, кўплаб сўз ва иборалар ҳар иккала тилда ҳам бирдай қўлланаверган. Форсийдан таржимада қофия ва радиф танлашда, баъзи сўз ва ибораларни қўллашда бу имкониятлардан фойдалана билиш керак. Масалан, кўпинча бошқа қофия танланса, албатта аслиятга номувофиқлик келиб чиқади. Ҳофизнинг Хуршид қаламига мансуб куйидаги ғазали таржимаси бунинг ёрқин мисолидир:

*Айт: шамъ кетирмангизу базм ичра бу оқшом
Ой юзли гўзалнинг юзи мажлисда аёндур.
Гар мазҳабимиз бода ҳалол дер эди, лекин
Эй сарв, юзинг бўлмас экан, бода ёмондур...
Сўз қилма уятдан, мени расволигим ундан,
Сўрма отим, ул от мени шармимга зиёндур.*

Таржиманинг нуқсонларини кўрсатиш учун ғазалнинг форс-часини келтирайлик:

*Гў, шамъ маёред дар ин жамъ, ки имшаб
Дар мажлиси мо моҳи рухи дўст тамою аст.
Дар мазҳаби мо бода ҳалол аст, валекин
Бе рӯи ту, эй сарви гуландом, ҳаром аст...
Аз нанг чи гўи, ки маро ном зи нанг аст,
В-аз ном чи турси, ки маро нанг зи ном аст.*

Бу ғазалда қофия нотўғри, мақсадга номувофиқ танлангани учун келтирилган мисолнинг биринчи байтида “базмни безаш учун дўстнинг нури кифоя, шамъ ҳожат эмас”, деган маъно ёрқин чиқмаган: “аёндур” сўзи “кифоя, етарли” маъноларини беролмайди. Иккинчи байтда ҳалол ва ҳаром сўзлари бир-бирига зид қўйилиб, тазод санъати ҳосил қилинаёпти. Бунда ташқари, ҳалол ва ҳаром – шариатдаги икки ўзаро қарама-қарши алоҳида аҳкомлар. Бинобарин, “ёмон” сўзи “ҳаром”нинг ўрнини босолмайди. Учинчи байтда шоир чиройли сўз ўйини, лутф қилган: номусдан гапириб нима қиласан, менинг номим ундан, номдан сўраб нима қиласан, менинг номусим номдандир.

Форсий шеърятда ному нанг, нангу ном иборалари кўпинча бирга қўлланади. Бу ерда шунга ҳам ишора мавжуд, албатта.

Маълумки, Хизр – оби ҳаёт – тириклик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар. У одамларни мушкул аҳволдан қутқарадиган, уларга тўғри йўлни кўрсатадиган халоскор ва ошиқлар ҳомийси ҳисобланади. Таржимада эса қофия талаби билан у паҳлавонга айланиб кетади. Ҳолбуки, унинг паҳлавонлиги ҳақида бирор-бир манбада маълумот учрамайди:

*Муғтанам дон, ҳар дам аз умрат, ки як дамро аз ў,
Нест мумкин не Масиҳо, не Хизр гаштан зимон.*

*Мугтанам тут ҳар нафас умрингни, токи бир даминг
Қайтаролмас на Масихо, на Хизрдек наҳлавон.*

Холбуки, байтнинг мазмуни қуйидагича: “Умрингнинг ҳар бир нафасини ганимат билки, унинг бир нафасига на Масих, на Хизр кафил бўла олади”.

Бу ерда Масих – нафасининг жонбахшилиги, Хизр – мангу ҳаёт соҳиби бўлганлиги учун тилга олинапти.

Кўриниб турибдики, қофия шеърда муҳим ўрин тутади: у оҳангдорликни таъминлабгина қолмай, мазмун билан ҳам алоқадор.

Ради́ф ва таржима. Шарқ шеърлятида ради́ф алоҳида ўрин тутади. Бу шеърлятда ради́фсиз шеърлардан ради́фли шеърлар кўп. Ради́ф шеърнинг оҳангдорлиги, жарангдорлиги, таъсирчанлигини таъминлабгина қолмай, фикрни бир нуктага жамлаб, унга урғу бериб, маънони кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Байтларни гавҳар шодасидек ўзаро бир-бирига боғлаб, ягона ритмнинг юзага чиқишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам шеърнинг маъносини чуқурлаштириб, таъсирчанлигини оширадиган, таъбир жоиз бўлса, унинг ҳуснини очадиган ради́ф топиш шоирона маҳорат белигси саналади. “Шоирлар ради́ф танлашдан олдин бу сўзнинг ўз мақсадларига қанчалик мувофиқ келишига эътибор берганлар. Ради́ф – сўзнинг чиройли жаранглаши, вазнга тушадиган бўлиши ҳам ҳисобга олинган”. [1, 211] Шеърдаги фикрнинг асосий юки шу бадий унсур зиммасига тушиши жиҳатидан кўпинча “шоирлар фикрда нимага урғу бермоқчи бўлсалар ўша сўзни ради́фга оладилар”. [11, 133]

Ради́ф бир, икки ва ундан ортик сўздан иборат бўлиши мумкин. Баъзан мисранинг тенг ярми ради́фдан иборат бўлади. Фақат қофия ва ради́фдан иборат рубоийлар ҳам мавжуд.

Ради́фни бериш ҳам таржимада анча-мунча қийинчиликлар келтириб чиқаради. Шунинг учун таржимонлар ради́фни сақлаб қолишнинг иложи бўлмаган тақдирда у акс эттирган маънони мисралар ичига сингдириб юборадилар. Чунки таржима тили имкон бериши-бермаслигидан қатъи назар ради́фни сақлаб қолишга уриниш шаклбозликка олиб келади. Ради́фни акс эттириш имкони топилганда эса бундан таржима кўп нарса ютади. Жамол Камол таржимасидаги Жалолиддин Румийнинг қуйидаги рубоийси бунинг ёрқин мисоли:

*Эй мўниси рўзгор, чуни бе ман?
Эй ҳамдаму ғамгусор, чуни бе ман?
Ман бо рухи чун хазон харобам бе ту,
Ту бо рухи чун баҳор, чуни бе ман?
Эй муниси рўзгор, нечуксан менсиз?
Эй ҳамдаму ғамгусор, нечуксан менсиз?
Мен бори хазонману харобман сенсиз,
Эй юзлари гулбаҳор, нечуксан менсиз?*

Бу ерда “чуни бе ман?” – “Менсиз аҳволинг қандай?” радифининг “нечуксан менсиз?” тарзида мумтоз услубда жуда топиб ўзбекчалаштирилгани таржиманинг муваффақиятини таъминлаган – қолган майда-чуйда камчиликлар шунинг соясида қолиб кетган. Бўлмаса, “муниси рўзгор”, “ғамгусор”, “бори хазон” каби сўз ва сўз бирикмалари ҳозирги ўзбек ўқувчисига унча тушунарли эмас. Бинобарин, уларнинг таржимага айнан кўчганлигини оқлаб бўлмайди. Бундан ташқари, иккинчи қўшмисра таржимасида мутаржим бирмунча эркинликка йўл қўяди. “Мен хазондай юз билан сенсиз харобман, сен баҳордай яшнаган юз билан менсиз қалайсан?” мазмунидаги мисраларни:

*Мен бори хазонману харобман сенсиз,
Эй юзлари гулбаҳор, нечуксан менсиз? –*

деб таржима қилади. Лекин аниқлик бир қадар умумийлик касб этганига қарамай, шоир кўзда тутган маъно акс этган. Таржиманинг умумий жарангосини эса ўша топиб қўлланган радиф таъминлаб турибди: “нечуксан менсиз?”

Шеъринг таржима амалиётида радифни бериш билан боғлиқ қуйидаги усуллар мавжудлиги кузатилади:

1. Радиф бўлиб келган сўз ёки сўзлар ўзбек ўқувчисига тушунарли бўлган тақдирда уни айнан сақлаб қолиш:

Ҳофиз Шерозий:

*Гульузоре зи гулистони жаҳон моро бас,
З-он чаман сояи он сарви равон моро бас.*

Хуршид таржимаси:

*Бу жаҳон гулшанидан ул юзи гул раъно бас,
Бу чаманда у қади сарви равон танҳо бас.
Бу ерда қофия ўзгарган, лекин радиф айнан кўчган.*

2. Радифни таржима қилиб олиш

Ҳофиз Шерозий:

*Мутриби хушнаво, биғў тоза ба тоза, нав ба нав,
Бодаи дилқушо биғў тоза ба тоза, нав ба нав.*

Хуршид таржимаси:

*Чолғувчи, айлагил наво янги ва янги, хилма-хил,
Изла шароби дилқушо, янги ва янги, хилма-хил.*

Бу ерда мисранинг тенг ярмини радиф ташкил этган бўлишига қарамай, таржимон ўзбекча муқобилини топиб, маҳорат билан таржима қилишнинг уддасидан чиққан. Ҳазал таржимасининг ҳофизлар созига тушиб, қўшиққа айланиб кетгани ҳам унинг муваффақиятидан далолат беради.

3. Радиф акс эттирган маъно мисралар қатига сингдириб юборилади:

Ҳофиз Шерозий:

*Даст аз талаб надорам, то коми ман барояд,
Ё тан расад ба жонон, ё жон зи тан барояд.*

Хуршид таржимаси:

*Қўл тортмагум тилакдан лутф этмагунча дилбар,
Ё жон кетар танимдан, ё васл бўлур муяссар!*

Радифни акс эттиришнинг иложи бўлмаганда, номувофиқ радиф қўллаб, шеър мазмунини мавҳумлаштирган, баъзида ҳатто уни бузгандан кўра шу усул афзал. Масалан, Рудакийнинг машҳур “Бўйи жўйи мўлиён ояд ҳаме” ғазалининг уч таржима нусхаси мавжуд. Қизиғи, радифли икки таржимадан радифсизи аслиятга мувофиқ чиққан:

*Бўйи жўйи Мўлиён ояд ҳаме,
Ёди ёри меҳрубон ояд ҳаме.*

Мазмуни: “Мўлиён ариғининг ҳиди, меҳрубон ёрнинг ёди келаяпти”.

Ҳазал рамали мусаддаси маҳзуф вазнида яратилган бўлиб, ўзбекча таржималарнинг барчаси айни вазнда амалга оширилган.

А.Рустамов таржимаси:

*Мулиённинг бўйи бул ён келади,
Меҳрибон ёр ёди шул он келади.*

Таржимада аслият мазмуни тўғри акс этган бўлса-да, “келадир” радифи муваффақиятсиз танланган бўлиб, мисралар охирида оҳанг тушиб кетади.

С. Раҳмон таржимаси:

*Мулиён бўйи буён келмоқдади,
Ёдга ёри меҳрибон келмоқдади.*

Бу таржимада “келмоқдади” радифи яхши топилган – жангли, оҳангдор. Шунга қарамай, гарчанд мазмунни тўла ифодаласа-да, биринчи мисрада оҳанг тушиб кетган, иккинчи мисра эса аслиятга қойилмақом.

С. Воҳидов таржимаси:

*Мулиённинг хуш ҳиди келгай буён,
Эсга тушгай ёди ёри меҳрибон.*

Бу таржимада радиф тушиб қолган, лекин у ифодалаган маъно мисралар қатига сингдириб юборилган. Шундай бўлса-да, келтирилган таржималар ичида аслиятга ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатида энг мувофиғи – шу.

4. Баъзида таржима ўқувчисига тушунарли-тушунарсизлигидан қатъи назар радиф сақланиб қолинадики, бу тўғри эмас. Масалан, “авло” сўзи архаик сўз бўлишига қарамай, Ҳофизнинг қуйидаги ғазали таржимасида Хуршид уни айнан ўтказган:

*Ин хирқа, ки ман дорам дар раҳни шароб авло,
В-ин дафтари бемаъни гарқи ман ноб авло.*

*Хирқамни гаров қуйғум – бир коса шароб авло,
Бемаъни насиҳатдан менга майи ноб авло.*

5. Радифсиз шеърни радифли қилиб тажрибаси ҳам учраб туради, лекин бу сийрак ҳодиса. Бунда шеърдаги калит сўз, шоир урғу берган сўз радифга айланади. Бу кўпинча байт ё рубоий таржимасида юз беради, чунки бутун бошли ғазални радифли қилиб ўгириш мушкул. Масалан, француз классицизмнинг йирик вакили Буалонинг “Шеърый санъат” асари таржимасида Ж.Камол кўплаб радифсиз байтларни радифли қилиб таржима қилиш орқали уларнинг ўзбекчада жаранглаб чиқишига эришган:

*Они научатъ вас, как, легкость соблюдая,
И чистоту храня, и в грубость не впадая.*

*Енгил қанот берар ўшалар сизга,
Сурур, сабот берар ўшалар сизга.*

Ёки:

*Пусть будет слог у вас в повествованье сжат,
А в описаниях и пышен и богат.*

*Қуйма, ихчам бўлсин сизнинг ҳикоя,
Бой ва кўркам бўлсин сизнинг ҳикоя.*

6. Баъзида радиф бўлиб келган сўз ўрнига бошқаси радифга чиқарилади. Чунки аслиятдаги сўз таржиманинг барча мисраларига мувофиқ келмаслиги мумкин. Чунончи, Хуршид Ҳофизнинг куйидаги ғазали таржимасида “мекунанд” – “қиладилар” радифини “ўзгача” деб алмаштиради – феъл равишга айланади. Бунда у газалнинг умумий мазмунидан келиб чиққан:

*Воизон к-ин жилва дар меҳробу минбар мекунанд,
Чун ба хилват мераванд – он кори дигар мекунанд.*

*Домлалар минбар уза сўз қилса такрор ўзгача,
Айлагай хилватда турли фитна бедор ўзгача.*

7. Радиф ўзгариши ҳамиша ҳам муваффақиятга олиб келмайди. Чунончи, Паҳлавон Маҳмуднинг куйидаги рубойи таржимасида Матназар Абдулҳаким томонидан қўлланган “аччиқ” радифи фақат охирги мисрадагина ўзини оқлаган (“жон аччиқ”), меҳмон ва нонга нисбатан эса бу сўзни қўллаб бўлмайди:

*Нохонда марав ту бар сари хони касе,
Беқадр шави агар хўри нони касе.
Як парча нони қоқу як косаи об
Беҳтар зи ҳазор барра бирёни касе.*

*Айтмасалар, бормаки, меҳмон-аччиқ,
Хор этади қўйгани бир нон-аччиқ.
Тотлидир ўз нону сувинг миннатсиз,
Миннатда кабоб бўлса, ширин жон аччиқ.*

Шеър яхлит бир организм деб тасаввур қилсак, радиф ҳам унинг асосий унсурларидан бири ҳисобланади. Бу организмнинг

мукаммал бўлишини истаган таржимон радифга ҳам эътиборсиз бўлмаслиги керак.

Бадий санъатлар таржимаси. Бадий санъатлар шеър отлиг бинонинг зебу зийнатлари ҳисобланади. Образлиликдан холи шеърнинг оддий гапдан фарқи йўқ. Шунинг учун шоирлар ўз шеърларини турли-туман бадий тасвир воситалари билан сайқал бериб, уларнинг поэтик гўзаллиги ва таъсирчанлигини оширадилар. Хусусан, Шарқ мумтоз шеърлятида бадий санъатлардан холи шеър тугул, байт ёки мисрани ҳам учратиш мушкул. Билъакс, бир байт доирасида икки-учтадан ўнtagача, баъзида ҳатто ундан ортиқ санъатлар маҳорат билан қўлланганининг гувоҳи бўламиз. Ҳар бир сўз узукка қўйилган кўздек заргарона танлаб ишлатилган, аксарияти бир неча маъно толанишларига эга, бадий санъатларга бой бу шеърлят намуналари таржимасининг мушкул ва мураккаблиги шундан. Чунки шеърлий таржимада мазмунни етказишнинг ўзи кифоя эмас, шаклий воситаларнинг ҳам барчасини қайта тиклаш талаб этилади. Мисол учун, Адиб Собир Термизийнинг қуйидаги байти такрор санъати асосига қурилган бўлиб, у маънонинг гўзал ва таъсирчан чиқишини таъминлаган:

*Дар лаби лаълаш ҳама нўш асту қанд,
Дар сари зулфаш ҳама печ асту тоб.*

Чустий таржимасида мазмунни тўла берилган бўлишига қарамай, такрор санъати акс этмагани учун у аслиятдагидай гўзал ва таъсирчан чиқмаган:

*Лаълида болу шакар, ширину қанд,
Ҳалқа-ҳалқа сочида бир неча тоб.*

Мана бу мисрада “чин” сўзи ёрдамида сўз ўйини қилинган:

Рўи ман чин аз фироқи он нигори Чин гирифт...

Мутаржим мазмунни гўзал тарзда ўзбекчага ўтказган, лекин сўз ўйини бой берилган:

Чин нигори ҳажрида тушиди юзимга юз ажсин...

Албатта, сўз ўйинлари кўпинча ҳар бир тилнинг ўзига хос сўз бойлиги натижасида келиб чиқадики, уни бошқа тилда тиклаш жуда қийин, баъзан ҳатто иложи ҳам йўқ. Лекин моҳир мутаржимлар бой берилган бундай имкониятлар ўрнини бошқа жиҳатдан тўл-

диришга интиладилар. Чустий ҳам мазкур мисра таржимасида “юз” сўзини қўшиш орқали ҳам юзга шунчаки ажин эмас, балки жуда кўп ажин тушганини ифодалаш билан мазмунни чуқурлаштирган, ҳам “юзимга” сўзидан кейин қўллангани боис “юз” сўзи ёрдамида тажнис ва такрор санъатларини юзага келтирган.

Куйидаги байт тасаввуфий мазмунда бўлиб, унда ҳақиқат ва мажоз бир-бирига қарама қарши қўйилган. Таржимада “ҳақиқат” сўзининг “Ҳақ”қа айлангани натижасида аслиятдаги тазод санъати йўққа чиққан:

*Эй, зулфи ту чун ваъдаи васлат ба дарози,
Хубет ҳақиқат буваду ваъда мажозии.*

*Ваъдаи васлинг каби зулфинг узун кўп, дилрабо!
Ҳақ эрур сенда чирой, ваъданг мажозий мутлақо.*

Ўзбекнинг донишманд шоири Ғафур Ғулом Рудакийнинг “Қариликдан шикоят” қасидасини ижодий ёндашган ҳолда катта маҳорат билан таржима қилади. У устод шоир фикрларини ярқ этиб очадиган, қасиданинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қиладиган баъзи сўзлар ва образли ибораларни ҳам заргарона нозик дид ва усталик билан мисралар қатига жо этиб юборади. Мисол:

*Жаҳон ҳамеша чунин аст, гирдгардон аст,
Ҳамеша то бувад, оин-и гирдгардон аст.*

Рудакийнинг жаҳон ҳамеша ҳозиргига ўхшаб бир доирада айланиб келган ва то мавжуд экан, бундан кейин ҳам бир доира бўйлаб айланаверади деган фалсафий ҳикматини Ғафур Ғулом халқона бир ташбеҳ билан бойитади – айланувчи жаҳонни кўз соққасига ўхшатади:

*Кўзингни соққасидек айланиб турувчи жаҳон
Ҳамиша айланади, ҳамма вақт гардон эди.*

Таржимашуносликда компенсация деган тушунча бор. Бунинг маъноси шуки, таржимон таржима жараёнида қурбон берилган бир тилга хос бўлиб, иккинчи тилга кўчириш жуда қийин бўлган кўп маъноли сўз, ибора ёки бадий санъатларнинг ўрнини бошқа бирор нарса билан тўлдиришга уринади, бошқача айтганда, товон тўлайди.

Аслиятда “гирдгардон” сўзи икки марта келиб, такрор санъатини ҳосил қилгани маълум. Бу сўзга урғу берилиши байтнинг таъсир кучини оширган. Лекин айни ўринда бу такрор ўзбек ти-

лида ғализликка сабаб бўлиб, байтнинг таъсир кучини сусайтириб қўйиши ҳам мумкин эди. Қиёсланг:

*Жаҳоннинг одати шу – ҳамшиша айланади,
Чунки ҳамшиша шундай, азалдан гардон эди.*

Шунинг учун забардаст шоир ва мутаржим бу йўқотишнинг олдини олиб, жаҳонга кўзнинг соққаси сифатини беради ва такорор санъатини ташбеҳ билан компенсация қилади.

Ижодий изланиш маҳсули бўлган бундай ижобий тажриба моҳир таржимонларнинг барчаси ижоди учрайди. Мисол тариқасида Агтор “Уштурнома”сидан олинган бир байтнинг Ж.Камол томонидан амалга оширилган таржимасини кўриб чиқайлик:

*Мезанад ҳар лаҳза баҳр аз шавқ жуш;
То кунад дурри висолатро ба гўш.
Ҳар нафас денгиз урар соҳилга бош,
Бир нафас васлингга етсам дейди кош.*

Албатта, таржима “аслига тўғри”, лекин шоир қўллаган гўзал ташбеҳ қурбон қилинган: “Денгиз висолинг дурина кулоғига осиб мақсадида ҳар лаҳза шавқдан тўлқинланади”. “Шавқ” сўзи тушиб қолганига қарамай, илк мисра ҳар ҳолда тўғри таржима қилинган, лекин иккинчи мисранинг шунчаки мазмуни берилган. Бунда маъно тўғри акс этган бўлса-да, шеърий санъат ташлаб кетилгани учун таъсирчанлик сусайган.

Аслида таржима амалиётида бадий санъат қўлланилган мисраларни оддий таржима қилиш ҳолларига дуч келинганидек, аксинча, оддий мисраларни кучайтириб, муайян санъат ёрдамида таржима қилиш тажрибаси ҳам учраб турадиган ҳодиса. Бунинг ёрқин мисолини Жамол Камол таржималарида ҳам кўрамыз: моҳир таржимон иложини топмаганда худди шундай қурбонликларга ҳам йўл қўйиши баробарида имкони бўлганда оддий байтларни бадий тасвир воситалари ёрдамида таржима қилиш билан уларнинг ўрнини тўлдириб кетади. Шу тариқа муайян асар таржимаси мобайнида гоҳ қурбон бериш-гоҳ унинг ўрнини тўлдириш жараёни давом этиб, охир-оқибат муаллиф ва мутаржимнинг ўзаро баҳси, аслият ва таржиманинг мавқе талашишидан иборат бу ижодий курашда машаққатли меҳнат ва катта маҳорат маҳсули бўлган яхлит таржима асари дунёга келади.

*Ишқ Одам ёфт, аз жаннат фитод,
Ишқ шўри бар ҳама олам ниҳод.
Ишқ сабаб жаннатни Одам этди тарк,
Ишқ жаҳон кўкига солди гулдирак.*

Байт – ижодий таржиманинг ёркин мисоли. Таржимон сўзма-сўз таржимага ёпишиб олмай, “Одам ишқни топди-ю, жаннатни тарк этди, Ишқ бутун оламга ғавғо солди” деган мазмунни “Одам ишқ туфайли жаннатни тарк этди (яъни жаннатни тарк этишига ишқ сабаб бўлди), ишқ жаҳон осмонида момоқалдиروقдай гулдирак солди” деб гўзал ва таъсирчан таржима қилади. Бу ерда энди “Ишқ жаҳонга ғавғо солди” деган оддий фикр бадийий санъатга ўралиб, “Ишқ жаҳон кўкига гулдирак солди” тарзида гўзал ва таъсирчан ифодасини топмоқда.

Умар Хайём рубойларидан бирида қулон ва қабр маъноларига эга **гўр** сўзи воситасида сўз ўйини қилади:

*Баҳром, ки гўр мегирифт ҳама умр,
Диди, ки чи гуна гўр Баҳром гирифт.*

Маъноси: “Баҳром бир умр гўр овлар эди, мана энди гўр уни қандай овлаганини кўр!”

Гўр – қулон. Қадим замонда уни овлаб, тановул қилганлар. **Баҳром** – сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳ. Гўр овлашга ишқибоз бўлганлиги учун уни Баҳром Гўр деб атаганлар.

Гўр сўзининг **қулон** маъноси ўзбек ўқувчиси учун нотаниш. Шунинг учун Ш.Шомухамедов **қулон** лафзи орқали аслиятдаги тажнис санъати ўрнига ўзбекчада сўз ўйини ҳосил қилади. Натижада, маъно ҳам бузилмайди, аслиятнинг бадиияти ҳам сақланади:

*Бир умр қулонлар овлар эди у,
Ўлимга қулондай овланди Баҳром.*

Айни байт таржимасида Ж.Камол тажнисни тажнис билан беришга уриниб, нафақат мазкур санъатни қайта яратолмаган, балки шеърини мазмунни ҳам бузган. Чунки у қўллаган **қабр** сўзи кўп маъноли эмас. Натижада, ўзбекчада Баҳром Гўр – Баҳром Гўрковга айланган:

*Баҳромки, умр бўйи қабр қазмишиди (?),
Кўргил, мана, не қабрни Баҳром олмиши.*

Фонийнинг мана бу гўзал байти баъзи таржималарда ҳам маъноси, ҳам жозибасини йўқотган:

*Ту ҳам гули бўстони, ҳам шамъи шабистони,
Ҳам рўз манат булбул, ҳам шаб шуда парвона.*

Мазмуни: “Сен кундузи бўстон гули бўлсанг, кечаси уйнинг шамисан, мен ҳам кундузи (сенга) булбул бўлсам, кечаси (атроф-фингда) парвонаман”.

Бу ерда булбулнинг гулга, парвонанинг шамга нисбати борлиги лаффу нашр санъати орқали гўзал ва аниқ тасвирланган. Ҳабибулло Саид Ғани эса уларни қўшиб юбориб, яна матнда йўқ (уни бузувчи) “Ўтхона” сўзини қўшади:

*Ёрим гулу бўстоним, ҳам шамъи шабистоним,
Парвонаю булбулман, ўтхонага боргайман.*

Ғафур Ғулом эса ошиққа хос сифатлар (булбул, парвона) ни ҳам маъшуқага нисбат бериб юборади:

*Бўстонимда гулимсан, тундаги равшан чароғ,
Кундузи булбулга ўхшайсан, кеча парвонага.*

Байт таржимасида Жамол Камол маҳорат кўрсатиб, аслиятга мувофиқ таржима яратган:

*Жоним, гули бўстонсен, ҳам шамъи шабистонсен,
Тонларда бўлай булбул, тунлар сенга парвона.*

Бадий санъатлар таржимаси билан боғлиқ масалалар ўзбек таржимашунослигида анча-мунча ўрганилган. Биз бу ерда шеъринг таржимада бадий санъатлар албатта қайта тикланиши, бунинг илжи бўлмаган тақдирда эса қайсидир бир йўл билан уларнинг ўрни тўлдирилиши, таржимашунослар тили билан айтганда, компенсация қилиниши керак деган бир фикрни таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Таржимада рухий яқинлик ва услубий муштараклик омили. Кўпчилик таржиманинг моҳиятини ўта жўн тушунади ва тил билган ҳар қандай киши шугулланиши мумкин бўлган осон соҳа деб ўйлайди. Ҳолбуки, ҳар қандай таржима – ижодий иш, бадий таржима эса санъат ҳисобланади. Шунинг учун оригинал асар ижодкори олдига қўйиладиган барча бадий-эстетик талаблар ортиғи билан таржимон олдига ҳам қўйилади. Таржимон аслият ва таржима тилинигина эмас, балки икки халқ тарихи, дини, маданияти, адабиёт-

ти, урф-одатларини ҳам билиши, унинг устига, адабий қонуниятлар ва бадий ижод табиатидан бохабар бўлиши талаб этилади. Ўз-ўзидан, у ижодий салоҳиятдан ҳам бебаҳра бўлмаслиги керак.

Бизда таржима сифати ва таржимон маҳорати доирасида бу масалаларнинг кўпи муайян даражада тадқиқ этилган. Айни пайтда ўрганилмаган ва эътибордан четда қолган муаммолар ҳам оз эмас. Таржимада руҳий яқинлик ва услубий муштараклик омили шулар жумласидандир.

Бадий асар ҳаётнинг инъикоси бўлса, таржима шу инъикоснинг инъикоси. Муаллиф кўнглидан ўтказиб тасвирлаган воқелик ўқувчини ҳам жунбишга келтирганидек, мутаржим қалбида аксадо берган асар ҳам бошқа миллат китобхони юрагини тўлқинлантиради. Маълумки, Зулфия икки нафар ёш боласи билан Ҳамид Олимжондан жудо бўлганида 30 ёшда эди. Бу – фожиага тенг чўнғ қайғу. Худди ана шу ҳижрон кунларида у улуғ рус шоири Пушкиннинг айрилиқ мавзуидаги шеърларини ёниқ ҳарораг билан таржима қилади. Чунки уларда ўз ифодасини топган Пушкиннинг дарду изтироблари Зулфиянинг ғаму ҳасратларига ҳамоҳанг эди.

Бунинг акси бўлганда муваффақиятсиз таржима юзага келишига Абдулла Орипов қаламига мансуб машҳур “Онажон” шеърининг рус тилидаги таржимаси мисол бўла олади.

“1966 йилда, шоир энди 25 ёшга тўлганда онаси вафот этади. Мана шу мусибатли воқеа таъсири остида у ўзининг “Онажон” шеърини ёзган. Бир қанча вақт ўтгач, мазкур шеър рус тилига таржима қилинган. Таржимоннинг ёши ўша пайтда 50-60лар чамасида бўлган. Ўзбек шоирининг айтишича, бу унинг шеърларидан қилинган таржималар ичида муваффақиятсиз чиққан таржималардан бири экан. Бу далилни ёши бир жойга бориб қолган таржимоннинг онадан жудоликда пайдо бўладиган фавқуллодда қайғули ҳиссиётни айнан идрок қила билмаганлиги билан тушунтирса бўлади” [12, 261-262].

Руҳий яқинлик каби, услубий муштаракликнинг ҳам таржима муваффақиятида алоҳида ўрни бор. Муаллиф билан мутаржимнинг услуби бир-бирига яқин бўлса, таржима муваффақиятли чиқади. Бу ҳодиса таржимашуносликда ўз исботини топган. А. Қаҳҳорнинг А. Чехов, Э. Воҳидовнинг С. Есенин, Р. Парфининг Нозим Ҳикмат, О. Матжоннинг Е. Евтушенко, Н. Комиловнинг Нодар Думбадзе, М. Кенжабекнинг А. С. Пушкин, Ш. Раҳмоннинг Гарсиа Лорка, Ғ. Ғулломнинг Саъдий, Хуршиднинг Ҳофиз ижодидан қилган таржи-

малари бунинг ёркин далилидир. Лекин катта истеъдод сохиблари ҳар қандай йўналишдаги муаллиф ва ҳар қандай услубдаги асарларни ҳам бирдай муваффақият билан таржима қилиб кетаверишлари ҳам таржима амалиётидан маълум. Масалан, “Ғафур Ғулом Жомий газалларини ҳам, Маяковскийнинг долғали, оҳангдор, минбар асарларини ҳам, Шекспирнинг оқ шеърда ёзилган фожиалари ва Турсунзоданинг лирик дostonларини ҳам ўринлатиб таржима қилган эди. Яхши маънодаги “таржимавий универсиализм” ҳодисаси Асқад Мухторда ҳам учрайди” [13, 32].

Айни пайтда, бу борада руҳият ва услуб номувофиқлиги жиҳатидан муваффақиятсиз чиққан таржималар ҳам йўқ эмас. Чунончи, С.Салим Бухорий Ғётенинг жўшқин руҳини “Ғарбу Шарк девони” таржимасида беролмаган, ҳассос шоирни таржимада бошиқ донишмандга айлантириб қўйган бўлса, Э.Воҳидовнинг М.Светлов шеърларидан қилган таржималари ҳам муваффақият қозонолмади. Ш.Шомухамедов ҳам таржимада Бедил рубоийларининг мазмуний теранлиги, кўп маънолилиги, бадий юксаклигини беролмай, маънолар отаси деб Шарқда улуғланган шоирни ўртамаёна бир ижодкор даражасига тушириб қўйди.

Маълум бўладики, руҳий яқинлик ва услубий муштарақлик ҳам таржима муваффақиятини таъминловчи муҳим омиллар сирасига киради.

Ғоявий мазмун ва эстетик маъно. Таржимада асарнинг нафақат ғоявий мазмуни, балки эстетик маъносини ҳам қайта яратишга эришиш талаб қилинади. Асарнинг ғоявий мазмуни унда ифодаланган фикр бўлса, эстетик маъноси унинг ўқувчида тугдирадиган кайфияти, унга ўтказадиган таъсири, бағишлайдиган завқи. Бинобарин, таржимада асарнинг мазмуни бошқа тилга кўчса-ю, эстетик маъноси сақланмаса, таржима муваффақиятсиз чиқади, таржимон ўз мақсадига эришмаган бўлади. Бундай таржима ўзга тил ўқувчилари қалбидан жой олмайди, ватан адабиёти ҳодисасига айланмайди. Масалан, Адиб Собир Термизий рубоийларини Эшбой Пардаев муаллифга нисбат бериб бўлмайдиган даражада бўш таржима қилган. Бу сўзма-сўз таржиманинг, ҳижжалаб ағдаришнинг типик намунаси: маъно бор, таъсир йўқ. Мазкур тизмалар кўпинча ҳатто шеърый асар даражасига кўтарилмаган: шеърый оҳанг, равонлик, ритмдан мосуво. Шеърый таржиманинг ўзидан кўра шеърый таржима учун асқотадиган таг-

лама (подстрочник)ни эсга солади. Бошқача айтганда, Э.Пардаев “образни эмас – сўзни, характерни эмас – жумлани, туйғуни эмас – совуқ гапни, маъно жилвалари ва тароватини эмас – грамматик қолипни, киноя ё қочиримни эмас – ҳарфни кўради” [13, 56]. Асрлар давомида Шарқнинг улкан сўз санъаткорлари томонидан сўзлари покиза, услуби равон ва сеҳрли деб эътироф этиб келинган шоирнинг ўзбекчага ўгирилган мана бу ижод намуналарига кўз ташланг. Бу пала-партиш, айтиш мумкинки, “ношеърий мисралар”да “равонлик”дан ҳам, “сеҳр”дан ҳам асар йўқ:

*То май ичмасанг, ҳаргиз хурсанд бўлмассан,
Майли, кетур, кетган келмайди қайтадан.*

* * *

*Бу кун ҳам ул кунингдек қайтарилмайди ҳеч,
Эрта-индин келур, ўтиб кетур ахир.*

* * *

*Ишқида узайтирди кечаларини,
Тўғри, ошиқлар тунни узундир яқсар.*

Бундай тили ғализ, услуби тўмтоқ, бадий тароватдан маҳрум мисралар ўқувчига эстетик завқ бериш уёқда турсин, таъсир ҳам қилмайди, аксинча энсасини қотириб, асабига ўйнайди. Чунки уларда мазмун баҳарнав етказилгану шеър ташқарида қолган.

Форс тили ва адабиёти, Шарқ мумтоз шеъриятининг услубини яхши билган Хуршид эса Ҳофиз Шерозий асарлари таржимасида унинг руҳига кирган, шоир ғазалларнинг жарангосини топа олган. Унинг Хуршид таржималарида Ҳофиз ғазалларига хос жўшқин ва исёнкор рух, жозибали ва дилўртар оҳангни дарк этамиз:

*Аё, соқий, суниб жоминг, қил эҳсон, яшнасин диллар,
Кўрунди аввал ишқ осону сўнгра тушди мушқиллар.*

Биринчи мисраси арабча, иккинчи форсча – ширу шакар тарзида ёзилган бу байтнинг нақадар қойиммақом қилиб ўзбекчага ўгирилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун унинг асл матнини келтириш кифоя:

*Ало ё айюҳассоқи, адир каъсан ва новилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал вале афтод мушқилҳо.*

Таржиманинг таржима эканлиги билинмаса, ўқувчи уни ватан адабиёти намунаси каби ўқиса, мутаржим ўз зиммасидаги вазифани тўлиқ ва мукаммал бажарган ҳисобланади. Ҳофиз шеърлари таржимасида Хуршид ўз олдига худди шу вазифани қўйган ва кўп ҳолларда бунга эришган ҳам. Чунончи, қуйидаги байтларни ўқир экан, Ҳофизнинг ўзи ўзбекча ёзган, деб юборасиз:

*Сун, эй соқий, майинг охиргача – жаннатда топмайсан
Бу Рукнобод қиргоғидаги сўлим Мусаллони...*

*Ғазал битдингу дур сочдинг, ёқимли куйла, эй Ҳофиз,
Фалак назмингга гавҳардек нисор этсин Сурайёни.*

Вазн ҳам бир – ҳазажи мусаммани солим, руҳ ва оҳанг ҳам бир – жушқин ва жозиб:

*Бидеҳ соқий, маи боқий, ка дар жаннат нахоҳи ёфт,
Канори оби Рукнободу гулгашти Мусаллоро...*

*Ғазал гуфтиву дур суфти, биёву хуш бихон, Ҳофиз,
Ки бар назми ту афшонад фалак иқди Сурайёро.*

Маълум бўладики, “шеърый таржима ҳақида гапирганда мазмуннинг қандай сақланганига қараб эмас, балки эстетик маъно қай даражада қайта яратилганига қараб баҳо бериш лозим” [14, 119].

Аслиятдан ошириб таржима қилиш мумкинми? Ҳар қандай асарни аслиятда ўқиб завқланишга нима етсин! Зеро, энг мукаммал таржима ҳам аслиятнинг ўрнини босолмайди. Лекин инкорни инкор қонуни бадий таржима соҳасида ҳам учрайди – баъзида аслият билан рақобат қилар даражада мукаммал, ҳатто қайсидир жиҳатдан ундан устун таржималарга ҳам дуч келамиз.

“Оригиналдан ошириб таржима қилиш маҳорати авторниқидан юқорироқ бўлган таржимон меҳнатининг натижаси, юксак маънодаги санъаткорлик, санъатга фидойилиқдир. Мутаржимнинг бу ишни ўз олдига мақсад қилиб қўйишни, бизнингча, қуйидаги факторлар билан изоҳлаш мумкин:

1) миллий адабиёт руҳига эстетик жиҳатдан мувофиқ келмайдиган ўринларни таржима матнида ўзгартириб ва кучайтириб бериш (объектив эҳтиёж);

2) ошириб ўгириш имкониятлари яққол кўриниб турган бўлса, (таржимоннинг маҳорати)” [15, 20].

Бизнингча, З.Исомиддинов бу ерда аслиятдан ошириб таржима қилишнинг субъектив омилларини кўрсатган. Объектив сабаблар эса қуйидагича:

1. Таржима адабиёти ўз тараққиёти ва анъаналари жиҳатидан оригинал мансуб адабиёт билан тенг даражада, баъзида ҳатто ундан устун бўлади. Масалан, Шарқда шеърят ниҳоятда ривожланган, шеърӣ тил мукамал ишланган. Шарқ шеърятининг қиёмига етган, қават-қават маъно қатламларига эга, бадий санъатларга бой намуналарини ғарб тилларига аслига мувофиқ таржима қилишнинг ўзи деярли мумкин бўлмаган нарса. Ҳолбуки, ғарб шеърятининг хоҳлаган намунасини Шарқ тилларида қойилмақом қилиб қайта яратиш мумкин. Пушкиннинг “Гул ва Булбул” шеърини Чўлпон арузда жаранглатиб таржима қилганини эсланг!

2. Мутаржим муаллиф “панжасига панжа урмоқ” даражасида юксак истеъдод ва етук маҳорат соҳиби бўлади.

3. Мутаржимнинг бадий салоҳияти муаллифдан кучли бўлади.

“Таржима амалиётида аксарият кичик ҳажмдаги асарларгина тўла равишда аслиятдагидан ошириб ўгирилади, ҳажми катта асарларни ағдаришда эса бу ҳол кўпроқ асарнинг муайян қисмига оид бўлиши мумкин” [15, 20], – деб ёзади З.Исомиддинов. Чиндан ҳам, йирик-йирик асарларни бошдан оёқ аслиятдан ўтказиб таржима қилиш жуда қийин. Лекин кичик асарлар таржимасида бунинг уддасидан чиқиш мумкин – гарчи бу ҳол сийрак учраса ҳам. Константин Симоновнинг Ҳамид Олимжон таржимасидаги “Мени кутгил...”, Қайсин Қулиевнинг Абдулла Орипов таржимасидаги “Ҳайрат”, Сергей Есениннинг Эркин Воҳидов таржимасидаги шеърлари таржималарини бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Ёки Адиб Собир Термизийнинг қуйидаги рубоий ҳазажи мусаммани аҳраби мақбузи мақфуфи мажбуб (мафъувлу мафойилу мафойилу фаул) вазнида яратилган бўлиб, Жамол Камол уни айни вазннинг ўзи билан таржима қилган:

*Бул кеча умид тошига тошимни қўяй,
То лабингга лаб, қошингга қошимни қўяй.
Сен ёшли кўзимга қўй оёгингни, санам,
Ман эрсам эшик тубига бошимни қўяй [16, 37].*

Бу – таржима эмас, балки Адиб Собир Термизийнинг ўзи ўзбекча ёзган, деб ўйлайсиз. Ҳолбуки, бу – Адиб Собир сатрлари-

нинг Жамол Камол қалами шарофати билан қайта жаранглаган ўзбекча ифодаси. Мана, рубоийнинг асли:

*Дорам сари он, ки имшаб оям ба барат,
То лаб ба лабат барниҳаму бар ба барат.
Ту пой ниҳи зи ноз бар чашими тарам,
Ман сар ниҳам аз ниёз бар хоки дарат* [17, 333].

Кўриниб турибдики, аслиятда радиф йўқ. Лекин биринчи қўш-мисранинг қофиялари тажнис асосига қурилган («ба барат» ибораси биринчи мисрада ёнингга, иккинчи мисрада эса кўксингга маъносини ифодалаб келаяпти). Таржимада бу санъат акс этмаган. Бироқ, ўзбекча рубоий қофияларнинг пишиқлигию жарангдор радифга эгаллиги билан бадий гўзаллик касб этган. Бундай ҳодисаларга илмда аслиятдан ўтказиб таржима қилиш дейилади.

Таржимани санъат, таржимонликни ижодий иш деб билган фидойи мутаржимлар бутун истеъдодларини ишга солиб, қалб кўрларини қўшиб, ана шундай чинакам санъат дурдоналарини бунёд этадилар.

Албатта, шеърий таржима муаммолари ниҳоятда кўп бўлиб, улар бир мақола тугул, бир китоб доирасига ҳам сифмайди. Биз бу ерда уларнинг энг асосийларига тўхталиб ўтдик. Шунинг ўзи ҳам шеърий таржима бадий таржиманинг энг олий шакли, энг мураккаб тури, энг машаққатли соҳаси эканлигини кўрсатиб, шеърий асарлар таржимаси ва уларнинг тадқиқига катта масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарурлигини тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] – Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
- [2] – Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: “Фан”, 1966.
- [3] – Мусаев Қ. Бадий таржима ва нутқ маданияти. – Т.: “Фан”, 1976.
- [4] – Ҳофизи Шерозий, Куллиёт. – Душанбе: “Ирфон”, 1983.
- [5] – Ҳофизи Шерозий. Ишк гавҳари. – Т.: “Шарк”, 2006.
- [6] – Татар поэзияси антологиясе. – Қазан: Таткнигоиздат Матур эдэби-ят редакциясе, 1956.
- [7] – Жалил М. Қўшиқларим: – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.
- [8] – Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.

[9] – Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. – Т.: “Фан”, 1997.

[10] – Буало. Шеърӣ санъат (Ж.Камол таржимаси). – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

[11] – Олимов С. Маснавий таржимасида радиф // Таржима санъати (Маколалар тўплами). 5-китоб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

[12] – Алимов Х. Таржимон руҳияти // Таржима санъати (маколалар тўплами). 6-китоб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

[13] – Саломов Ғ., Комилов Н., Жўраев Т. Бадий таржиманинг тараққиёт тамойиллари // Таржима санъати. 6-китоб.

[14] – Саломов Ғ. Комилов Н. Жаҳонгашга рубоийлар // Таржима санъати (Маколалар тўплами). 3-китоб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.

[15] – Исомиддинов З. Оригиналдан ошириб таржима қилиш мумкинми? // Таржима назарияси масалалари. ТошДУ илмий ишлар тўплами. № 606. – Т., 1979.

[16] – 333 рубоий (Форсийдан Жамол Камол таржималари). – Т.: “Нур”, 1991.

[17] – Адиб Собирӣ Термизий. Осори мунтахаб. – Душанбе: “Ирфон”, 1981.

*Jasur ZIYAMUHAMEDOV,
ToshDShI dotsenti, filologiya fanlari nomzodi*

XITOIY TILIDAN O‘ZBEK TILIGA NOVELLALAR TARJIMA QILISHDAGI BA’ZI MUAMMOLAR XUSUSIDA

O‘zbek sharqshunos-xitoyshunoslari tomonidan xitoy tilidan o‘zbek tiliga ko‘plab badiiy asarlar tarjima qilindi va qilinmoqda. Romanlar, qis-salar, hikoyalar, novellalar, sheʼrlar – shular jumlasidandir. Badiiy asar-larni tarjima qilishda, ayniqsa tarjimondan yuksak bilim va kattagina ma-horat talab qilinishi barchamizga maʼlum. Shuning uchun ham mashhur tarjimashunos olimimiz aytganidek: “Tarjimon-asarni boshqa tilda, yaʼni ona tilida qayta yaratish uchun muallif fikrini ancha pishitadi, o‘ziga sing-dirib oladi, keyin matn xarakteriga qarab muqobil so‘z tanlaydi, bu so‘z-lar ma‘nosi, jarangdorligi, shakli, uslubiy muqobilligi, asl nusxadagi fikrni iloji boricha to‘laroq ifodalash tashvishida yonadi” [1, 57].

Xitoy adabiyoti juda qiziqarli. Uning tarixiy ildizlari juda qadim zamonlarga borib taqaladi. Shu bilan birga u juda chuqur diniy va fal-safiy aqidalar bilan chambarchas bog‘liq. Aynan shuning uchun xitoy

adabiyotini tushunish murakkabroq. Tarima qilishda ham tarjimondan kattagina bilim talab qiladi. Bu bilimlar doirasiga xitoy tarixi, adabiyoti, falsafasi, tilshunosligi, geografiyasi va etnografiyasidan olingan bilimlar albatta kirishi kerak.

Mazkur maqolamizda biz badiiy asarlarni xitoy tilidan o'zbek tiliga tarjima qilishdagi ba'zi muammolar xususida to'xtalamiz. Albatta bir maqolada biz hamma muammolar haqida batafsil gapirib bera olmaymiz, shuning uchun ham biz atoqli otlar tarjimasida paydo bo'ladigan muammolar haqida fikr yuritishga qaror qildik. Yuqorida xitoy tilidan o'zbek tiliga tarima qilingan badiiy asarlar ko'pligini aytib o'tgan edik. Biz ular sirasidan novellalar tarjimalari doirasida mazkur muammoni ochib berishga harakat qilamiz. Demak tadqiq doirasini chegaralab oldik: novellalar tarjimasidagi atoqli otlarni tarjima qilish muammolarini ko'rib chiqamiz. Buning uchun biz Jasur Ziyamuhamedov va Zebo Shamshiyevalar hammuallifligida 2012-yilda nashrdan chiqqan "Liao Zhai (Pu Sunling) novellalari" nomli xrestomatiya kitobiga kirgan novellalarni asos qilib oldik. Avvalo xitoy adabiyotining bu mashhur namoyondasi Pu Sunling, o'z novellarida juda ko'p obrazlardan foydalanligini ta'kidlab o'tmoqchimiz. Aksariyat hollarda ularning xarakterini novellani qayta o'qib ham tushunish mushkul.

"Tarjimada ayrim olingan har bir holatda qanday so'z yoki jumla joizligini "lug'aviy ekvivalentlik" emas tabiiy muvafiqlik, ya'ni tasvirlanayotgan xarakterning "mijozi"ga ma'no, uslub, ohang, tomondan kontekstual moslik hal qiladi" [2, 74], deb aytgan mashhur tarjimashunos G'. Salomov naqadar xaq ekanliklarini e'tirof etmog'imiz kerak.

Yozuvchi novellalaridagi atoqli otlarning ko'pi inson ismlari va geografik joy nomlari bilan bog'liq. Xitoy tilidagi matnlarda inson ismlarini ajratib olish juda qiyin. Ayniqsa bu ismlar erkak kishiga yoki ayol kishiga mansub ekanligini bilish yanada murakkabroq. Ko'pchilik, bu ismlarni matnning umumiy mazmunidan kelib chiqqan holda farqlaydilar va ajratib oladilar. Chunki xitoy ierogliflari orasida insonlarning ismi va familiyasini ifodalovchi yoki alohida shunday turkumga kiruvchi so'zlar-ierogliflar yo'q. Odatda xitoyliklarning ismi va familiyalari jami uch ieroglifdan tashkil topgan bo'ladi. Bulardan birinchisi familiyani anglatasa, ikkinchi va uchinchi ismni anglatadi. Masalan 白香山¹ so'zida 白 Bai

¹白香山 Bai Xiangshan 772–846-yillar. Tan sulolasiga mansub xitoy shoiri. U Shansi provinsiyasining Tayyuan shahrida yashagan. She'rlari "Tan davri she'riyati antalogiyasi"dan o'rin olgan.

familiya, 香山 Xiangshan esa ism. Lekin uch emas, ikki soʻzdan iborat ism va familiyalar ham bor. Odatda odamlarni kasb- koriga (qiladigan ishi va hunariga qarab) familiyasidan keyin shu kasblarni anglatuvchi yoki hurmatni ifoda etuvchi soʻzlar qoʻshib chaqiriladi. Masalan: 白老师 Ustoz Bai, 白先生 Janob Bai, 白主席 Rais Bai 白大夫 Shifokor Bai va hokazo. Yuqorida aytib oʻtganimizdek inson ismlari ham xuddi boshqa ierogliflar singari umumiy maʼnolarni anglatadi. 白香山 soʻzidagi 白 Bai oq rangni, 香 Xiang xushboʻy, shirin, totli, 山 Shan esa togʻ maʼnolarini anglatadi. Novellalarda ”ismini deb chaqirishar ekan” degan jumlalarga duch kelamiz.

Biz tarjima qilayotgan novellalar muallifi Pu Sungling¹ ning oʻziga xos bayon uslubi mavjud. Pu Sungling novellari oʻzigacha bu janrda yozilgan asarlardan koʻp jihatlari bilan ajralib turadi. Avvalo, shunday boʻlishi tabiiy. Chunki bu yozuvchi Pu Sunglingning ijodiy individualligi boʻlib, uni tafsilotlarni turlicha tasvirlashlarning oʻzaro nisbatida, didaktika, insonni tasvirlash usullari, uslub va til, iqtibos keltirish usuli kabilarda aks etadigan oʻziga xosliklarda kuzatish mumkin. Pu Sungling novellalarining asosiy oʻziga xosliklaridan biri anʼanaviy syujetlar talqinidagi muallif xotimalarida namoyon boʻladi. Zero, ushbu xotimalarda muallifning oʻz ovozi baralla yangraydi va ular yetarli adabiy tayyorgarligi bor kitobxoniga tushuna oladigan qoʻshimcha hikoya, yangi novellani oʻz ichiga oladiki, aslida muallifning ijodiy mahorati ushbu xotimalarda yanada yorqin aks etadi.

Yozuvchi koʻpchilik novellalarini biron-bir hududga taʼrif berish yoki biron-bir obrazni tanishtirish, yaʼni uning portretiga chizgilar berish bilan boshlaydi. Ayrim hollarda novella boshidagi bir jumlaning oʻzbek tiliga bir nechta jumla bilan tarjima qilishga toʻgʻri keladi. Zero Gʻ. Salomov taʼkidlaganidek: “Obrazli ifodalarning tashqi formasi emas, balki mantiqiy ahamiyatiga asosiy eʼtibor qaratish muhim ahamiyat kasb etadi.”.

Masalan:

陕西省有一个贡生名叫安幼舆，为人慷慨大方，心地善良纯正。他自己从不杀生，要是看见哪个人捕获了活的禽兽，总是不惜重金买回来放掉。别人都笑他傻，可他从不介意。

¹ Xitoy adabiyoti tarixida novella janrini yuksak takomilga olib chiqqan va keyingi rivojlanish yoʻlini belgilab bergan yozuvchilardan biri Pu Sungling (蒲松龄) (1640-1715)dir. U Lyao Jay (聊斋) taxallusi bilan ijod qilgan.

Tarjimasi: Shanxi provinsiyasida bir An Youyu ismli kishi bo'lgan ekan. U qalbi jo'shqin, yuragi pok va mehribon odam ekan. Uning o'zi hech kinga ozor bermasdi, agar kimningdir tirik jonzotlarni ushlab olganini ko'rib qolsa, har doim pulini ayab o'tirmay, ikki barobarga bo'lsa ham sotib olib, keyin qo'yib yuborar edi. Odamlar uni axmoq deb ustidan kular, lekin u umuman bunga ahamiyat bermas ekan.

Yana bir misol: 新城有个秀才, 名叫王启后, 是布政使王象坤的后人。

Tarjimasi: Xinchengda Wang Qihou ismli ziyoli bir kishi bo'lib, u Buzhengni boshqargan shohlar avlodidan ekan [3, 32].

Birinchi so'z 新城 “yangi shahar” deb tarjima qilinadi. Lekin tarjimada “Xinchen” deb yozilgan. Avvalo bu qisman xato, chunki “Xincheng” bu xitoy tilidagi transkripsiyada yozilishi. Buni o'zbekcha “Sinchen” deb o'qishimiz va yozishimiz kerak edi. Qolaversa tarjimonlar bu shaharni nomi bo'lganligi uchun ham (ya'ni atoqli ot) uni tarjima qilmaganlar. Axir biz “Pekin”ni “Pekin” deymiz, vaholanki tarjima qiladigan bo'lsak, bu “Shimoliy poytaxt” degani. Aslida Pekin emas Beyjing deyishimiz to'g'ri bo'lardi. 有个 “bor ekan bitta” deb tarjima qilinsa, 秀才 ilmiy unvon degani. Qadimda xitoyda imtihon topshirib erishiladigan darajalardan biri. Imtihon natijasida tasdiqlangan unvonlardan biriga erishilgach, u yoki bu “davlat xizmati”ga qabul qilingan. Bu imtihonlarni martabaga erishish uchun ham topshirilgan. Shuning uchun ham “秀才” so'zini novellada “ziyoli” deb tarjima qilingan. Bunday deyishimizga asos bor va mantiqan to'g'ri bo'lgan, chunki aynan 秀才 syusay unvoniga ega bo'lganlarnigina qadimgi xitoyda “xaqiqiy ziyoli” deb atash mumkin bo'lgan. 名叫王启后 birikmasini “ismini Wang Qihou deb chaqirishardi” deb tarjima qilinishi kerak edi. “Wang Qihou” bu xitoy transkripsiyasida yozilishi, aslida buni o'zbekcha qilib yozsak va o'qisak: “Vang Chixou” bo'lishi kerak edi. 布政 yana bir atoqli ot, ya'ni kattagina bir rayon hududiga mos keladigan joy. 布政使王象坤的后人 bu gapning ikkinchi qismidagi tarjimaga aynan mos keladi. Faqat avlodining oxirgisi desak yanada to'g'ri bo'lgan bo'lar edi.

Ayrim novellalarda joy nomi ma'muriy hudud nomlanishiga doir so'zlar bilan birga keladi. Bu ham tarjimonga anchagina yengillik tug'diradi.

Masalan: 江西省有个人叫孟龙潭

Tarjimasi: Jiangxi provinsiyasida Meng Longtan ismli bir odam bo'lgan ekan [3, 40]. 江西 Xitoydagi mashhur provinsiyalardan birining nomlanishi, agar tarjimon bunday provinsiya borligini bilmasa, u holda bu so'zdan keyingi 省 sheng so'zi unga ko'mak beradi. Bu so'z provinsiya degani. 叫 so'zidan keyin ham odatda kishilarning ismi yoziladi. Masalan: 叫孟龙潭 "Meng Longtan ismli" degani.

Xitoy tilida yozilgan badiiy asarlarning qariyb barchasida u yoki bu hudud bilan bog'liq geografik nomlar uchraydi. Xitoy tilida, yanada aniqroq qilib aytadigan bo'lsak xitoy yozuvi, ya'ni ierogliflarni o'qiganimizda geografik joy nomlari bilan bog'liq atoqli otlarni aniqlash va tarjima qilish ham juda mushkul.

Masalan: 剑南人程孝思 Jian Nanlik Cheng Siaoisi ismli yigit [3, 68], 某甲来到淄川县东山 Moujia Zichuan uyezdidagi Dongshanga boribdi [3, 12] (省sheng provinsiya, ya'ni viloyat hududiga mos kelsa, 县 xian uyezd, ya'ni nohiyaga to'g'ri keladi), 河南有一个道士 Henanda bir rohib bor ekan va hokazo.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, xitoy tilidagi ierogliflarning juda ko'pi shunchalar serma'noki, ba'zida bir ieroglif tarjimasi ustida tarjimonlar soatlab, kerak bo'lsa, ba'zida kunlab mulohaza qiladilar, bosh qotiradilar. Asarning haqiqiy muallifi nima demoqchi bo'lganini kitobxonga yetkazib berish ham - yangi bir asar yaratish bilan barobar qiyin ekanligini faqat tarjima bilan shug'ullangan kishilargina his qilishlari mumkin. "Tarjima undoq chiqibdi, tarjima bundoq chiqibdi", deyishdan oson ish yo'q, chamamda. Xitoy tilidan tarjima qilish insonga qanchalar mashaqqatli bo'lsa, shunchalar qiziqarli va sharaflidir. Zero har bir tarjima orqali tarjimonlar o'zlari uchun yangi bir kashfiyot qilgandek bo'ladilar. Bu savob ishlari tufayli xalqlarni xalqlarga yaqinlashtiradilar, mamlakatlar o'rtasidagi do'stlik va qardoshlik aloqalarini mustahkamlashga zamin yaratadilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- [1] – G'. Salomov. Tarjima san'ati. – Toshkent, 1973.
- [2] – G'. Salomov. Tarjima nazariyasi asoslari. – T.: O'qituvchi, 1983.
- [3] – J. Ziyamuhamedov, Z. Shamshiyeva. Liao Zhai (Pu Sung Ling) novellari (Xitoy adabiyoti bo'yicha xrestomatiya). – T.: TDSHI, 2012.

Жумали ШАБАНОВ,
ТошДШИ Туркий тиллар кафедраси мудури,
филология фанлари номзоди, доцент.
Хайрулла ҲАМИДОВ,
ТошДШИ Таржима назарияси
ва амалиёти кафедраси доценти

УЙ ҲАЙВОНЛАРИ НОМИГА АСОСЛАНГАН МАҚОЛ ВА ИБОРАЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ

Уй ҳайвонлари азалдан турк халқи моддий турмушининг ажралмас қисми ҳисобланиб келган. Чорвачилик билан шуғулланиб келган туркий халқлар хонаки ҳайвонлар, уларнинг тана тузилиши ҳақида бошқа халқлардан кўра кенгроқ анатомик билимларга эга бўлишган. Шу боис мазкур соҳа билан боғлиқ атамалар, хонаки ҳайвонларнинг номи, уларга хос ҳатти-ҳаракатлар кундалик нутқда, хусусан, турк халқ мақол, маталлари ва ибораларда яққол акс этган.

Халқ турмушининг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ минг йиллар давомида деярли ўзгармай келган чорвачилик билан боғлиқ лексика: *кўй (koyun)*, *эчки (keçi)*, *товуқ (tavuk)*, *сигир (inek)*, *от (at)*, *туя (deve)*, *эшак (eşek)*, *ит (köpek)* ва бошқа ҳайвон номлари асосий компонент бўлиб келган мақол, иборалар ва уларнинг таржимаси ушбу мақоланинг амалий қисмини ташкил этади. Инсонга хос ҳатти-ҳаракат, турли ҳолат, ташқи қиёфа ва кишилар орасида юзага келувчи турли муносабатларни образли ифодалашга хизмат қилувчи мақол ва иборалар (*özü altında buzağı aramak* ('*ҳўкизнинг тағида бузоқни қидирмоқ*', яъни 'ҳар қандай ҳайрли ишнинг тағидан бир нуқсон қидирмоқ' – "*қилдан қийиқ ахтармоқ*"); *Çobansız koyunu kurt kapar* ('*Чўпонсиз қўйни бўри қонади*, яъни "эгаси бўлмаган юрт душманлар томонидан эгалланади"); *Ak köpeğe koyun diye sarılma* ('*Оқ итни қўй деб бағринга босма*', яъни "яхши билан ёмон, душман билан дўстнинг фарқини англаш зарур"); *Her koyun kendi bacağından asılır* ('*Ҳар қўй ўз оёғидан осилади*', яъни "Ҳар киши ўз қилмиши учун ўзи жавоб беради") Туркия ва Ўзбекистонда нашр этилган манбалар, хусусан, Ҳ. Адигўзал [DH], О. Аксой [ADS] каби турк олимлари тузган мақол ва ибора луғатларидан, шунингдек, "Вилоят шеваларидаги мақол ва иборалар" (*Bölge Ağzlarında Atasözleri ve Deyimler*) тўплами [BAAD] ҳамда "Turk tilidan amaliy mashg'ulotlar uchun

matnlar” [TTAMM] китобидан танлаб олинди. Баъзи мақол ва иборалар “Катта русча-туркча луғат” (*Büyük Rusça-Türkçe Sözlük*) [RT], “Катта туркча-русча луғат” (*Büyük Türkçe-Rusça Sözlük*) [TR] ва Турк тарих ташкилоти томонидан нашр этилган “Туркча луғат” (*Türkçe Sözlük*) [TS]дан олинди. Шунингдек, мазкур мақолани тайёрлашда ўзбек ва турк адабиётининг энг сара асарларидан парчалар ва уларнинг таржималаридан фойдаланилди.

Туркий тилларда *koyun* (қўй) сўзи асосида юзага келган ўнлаб мақол, матал ва иборалар юзага келган. Бунинг боиси, халқ қўйнинг гўшт-ёғи, териси, ичак-чавоғи, жуни, сутидан бошқа халқлардан кўра кўпроқ фойдаланишган. Ҳатто қўйнинг тезағи ҳам ёқилғи сифатида ишлатилган: *Böyle bir koyunun bu kadar yogurdu olur* (‘Бунақа қўй сутидан қилинган қатиқ бошқача бўлиши мумкин эмас’, яъни “Бу одамнинг бўлгани шу, бошқача (бундан яхшироқ) бўлиши мумкин эмас”); *Çobansız koyunu kurt kapar* (‘Чупонсиз қўйни бўри қонади, яъни “эгаси бўлмаган юртнинг душманлар томонидан эгалланиши мумкин”); *Ak köpeğe koyun diye sarılma* (‘Оқ итни қўй деб бағринга босма’, яъни “яхши билан ёмон, душман билан дўстнинг фарқини англаш зарур” каби.

Мақолларда *koyun* (‘қўй’) сўзи билан бир қаторда *koç* (‘қўчқор’) сўзи ҳам асосий бўлак бўлиб келиши мумкин: *Koça boynuzu yük değil* (‘Қўчқорга шохи юк эмас’, яъни «керакли тошнинг оғири йўқ») ёки *Koç olacak kuzuya bıçak salınmaz* (‘Қўчқор бўладиган қўзининг бўззига тичоқ тортилмайди’, яъни “Агар инсоннинг пешонасига узоқ яшаш, порлоқ келажак ёзилган бўлса, ҳеч нарса бунга монё бўла олмайди”. Ёки, *koç* (‘қўчқор’) сўзи қатнашган *Alim yaşadıkça koç olur, cahil yaşadıkça hiç olur* (‘Олим яшаган сайин қўчқор бўлади, жоҳил яшаган сари йўқолиб бораверади’) мақолининг ўзбекча муқобили учрамайди. Ундан ташқари, мақолнинг ўзбек тилига тўғридан-тўғри ўгирилиши, яъни ‘олимнинг кексайиб қўчқорга айланиши’ кулоққа яхши эшитилмайди. Туркий тилларда куч-қудрат, мардлик рамзи бўлган *koç* (‘қўчқор’) сўзи асос олинган бу мақолни “Ҳақиқий олим киши қанчалик кўп умр кўрса, давлатига, халқига шунчалик кўп фойда келтиради, унинг билими юксалиб бораверади, жоҳил кишилардан эса жамиятга ҳеч қандай фойда келмайди, умри бекор ўтади” деб тушуниш керак.

Koyun (‘қўй’) сўзи мақол ва ибораларда *kuzu* (‘қўзи’), ҳатто *kurban* (‘қурбонлик’) шаклида умумлашган ҳолда қўлланиши

мумкин¹. *Kurban* ('қурбонлик') деганда қўй (қўчқор) ёки қора мол тушунилади: *Tekkeye gelen kurbanın zayıfına semizine bakılmaz* ('Таққага келган қурбонликнинг ориқ-семизлигига қаралмайди'). Маъноси: "Ҳеч қандай бадал тўланмасдан қўлга теккан нарсанинг камчилигига қаралмаслиги керак"².

"Вой гиргиттон, овораси бор эканми? Эшонойимнинг оёқларига қўй сўйсак арзийди" [НО¹, 172]. Ў. Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" қиссасидан олинган ушбу жумла туркчага "*Vay benim canım! Meşgul olmak ne demek, var mı öyle bir şey? Seyyide annemizin ayağı otінде koyun kessek azdır*" [НО², 169] шаклида ўтирилган. Ўзбекча "оёғи остига қўй сўймоқ" ибораси воситасида ифода этилган "таширф буюрган муҳтарам бир инсонга юксак эҳтиром кўрсатиш" маъноси туркча таржимада ишончли берилган.

Халқ ҳайвонлар орасидаги муносабатларни ҳам синчиклаб кузатган. Мақолларда ҳайвонларнинг бир-бирига кушанда бўлиши, жумладан, қўйнинг душмани бўри, товукники – тулки бўлиши таъкидланган. Масалан: *Ölmüş koyun kurttan korkmaz* ('Ўлган қўй бўридан қўрқмас') мақолининг маъноси: «инсон бу дунёдан ўтгандан кейин ҳеч нарсдан қўрқмайди». Ўзбек тилида бунга яқин маъноли 'Ўлар ҳўкиз болтадан кайтмас', 'Бир бошга бир ўлим' мақоллари бор.

Мақол ва ибораларда *koyun* ('қўй') сўзи билан бир қаторда *keçi* ('эчки') ёки *oğlak* ('улоқ', 'улоқча') сўзи ҳам қўлланади. Масалан, "Ақл ёшда эмас, бошда" мақолига мос келадиган *Sakal keçide de var* ('соқол эчкида ҳам бор') айтимини икки хил тушуниш мумкин: 1) кишининг мансаби ҳеч нарсани белгиламайди (чунки ўтмишда ёш, мансабдор кишилар соқол қўйишган); 2) киши кекса бўлгани билан баъзи ёшлар қадар ақлли бўлмаслик мумкин.

"*Oğlak*" сўзига асосланган *Ağılda oğlak doğsa, ovada otu biter* ('Оғилда улоқча туғилса, яйловда ўти битар') мақолининг маъ-

¹ Мақол ва ибораларда кўпинча чорва молларининг аниқ номлари келтирилади, аммо баъзан улар умумлаштирилиб ҳам берилади. Масалан, қора-молларнинг номлари умумлаштирилиб, *sığır, hayvan* ёки *dana (dana eti – мол гўшти)*, қўй, қўзи, қўчқор умумлаштирилиб, *koyun* ёки *kuzu (kuzu eti – қўй гўшти)* деб айтилади.

² Бу мақолга синоним сифатида турк тилида *Hediyelik atın dişine bakılmaz* ('Ҳадяга келган отнинг тишига қараш керак эмас') шакли ҳам қўлланади. Рус тилида айни мақолнинг "Дарёному коню в зубы не смотрят" муқобили қўлланади.

носи «агар оилада бир фарзанд дунёга келса, албатта худо унинг ризқини беради» бўлиб, «*Оғилда улоқ туғилса, яйловда шувоқ битади*» унинг ўзбекча мукобили ҳисобланади. Яна бир матал: *Kasap yağ derdinde, keçi can derdinde* ('Қассобга ёғ қайғуси, эчкига жон қайғуси', яъни "ҳамма ўз манфаати учун ишлайди, бировнинг дарди билан бошқасининг иши йўқ". Бу маталнинг яна бир варианты *Kasap yağ derdinde, koyun can derdinde* бўлиб, бунда *keçi* сўзи ўрнига *koyun* сўзи қўлланган.

"Дунёнинг ишлари" киссасида "Бировнинг дайди сизири, бировнинг шайтонга дарс берадиган эчкиси зум ўтмай экин оралаб кетади" [НО', 35] деган жумла кечади. "Дайди сизир" ва "шайтонга дарс берадиган эчки" иборалари қўланилган жумланинг туркча таржимаси куйидагича: "*Birinin başıboş sığırı, ötekinin şeytana rabucusu ters giydiren keçisi göz açıp kapayıncaya kadar ekin tarlasına daldardı*" [НО, 49]. Таржимон иккала иборани ҳам қойилмақом қилиб ўгирган: "*başıboş sığır*" (сўзма-сўз: 'боши бўш қорамол') ва "*şeytana rabucusu ters giydiren keçi*" ('шайтонга ковушини тескари кийдирадиган эчки').

Мақол ва ибораларда *inek* ('сизир'), *sığır* ('қорамол') ва *öküz* ('хўкиз') сўзлари ҳам асосий бўлак вазифасини бажаради: *Süzeğen ineğe Tanrı boynuz vermez* ('Сузагон сизирга Тангри шох бермайди', яъни "ёмон ниятли кишиларга тангри ёмонлик қилишга имконият бермайди"). Ёки: *Öküz öldü, ortaklık ayrıldı* ('Хўкиз ўлди, шерикчилик барҳам топди', яъни "кишиларни шерикликда бирлаштириб турувчи нарса ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланади, агар бундай восита яроқсиз ҳолга келса, унда манфаатли шериклик барҳам топади"). Ёки, *İyiliğe iyilik olsaydı, koca öküzü bıçak olmazdı* ('Яхшиликка яхшилик бўлганда, девдай хўкизнинг бўззига пичоқ тортилмасди'). Бу билан "ҳеч қачон яхшиликка яхшилик қайтмайди" дейилмайди. Фақат яхшилик ҳамманинг ҳам кўлидан келавермаслиги, яхшиликка яхшилик билан жавоб беришнинг қанчалар қийин эканлиги уқтирилади.

Öküz ('хўкиз') сўзи иштирок этган сирадаги мақол: *Öküz yere düşünce kasap çoğalır* ('Хўкиз йиқилиши билан қассоб кўпаяди', яъни «оғир иш ниҳоясига етгач, уни бажараман деган одам кўпаяди»). Бу мақолнинг маъноси ўзбекча "Ёв қочса ботир кўпаяди" мақоли маъносига яқиндир.

Камбағаллик ҳам маталларга мавзу қилиб олинган. Уларда камбағал кишининг ҳаётда ҳеч ҳам омади келмаслиги образли қилиб берилади: *Fakir tezeğe çıkmış da, siğir suya sıçmış* ('Камбағал тезакка чиқибди-ю, мол тезагини сувга ташлабди'). Ушбу матал маъно жиҳатдан ўзбек тилидаги «Камбағални туяни устида ит қонади» маталига яқин туради.

Юқорида таъкидлангани каби, мақол ва ибораларда чорва молларининг номлари умумлаштирилиб ҳам берилади. Масалан, қорамолларнинг номлари умумлаштирилиб, *siğir, hayvan* ёки *dana* (*dana eti* – мол гўшти) шаклида берилади: *Dek duran danayı canavar yemez* ('Тек турган молга ҳеч қанақа ваҳший ҳайвон ташланмайди'). Ушбу мақол воситасида ёмонликка қарши қизикқонлик қилмаслик, оғир-вазмин бўлиш кераклиги уқтирилади.

Турк тилида *dana* сўзи бузоқ маъносида ҳам қўлланади. Буни сўроқ гап шаклидаги *Anasını sağdım da, danasını aç mı bıraktım?* ('Онасини соғдим-у бузогини оч қолдирдимми?') айтими¹ мисолида кўриш мумкин. Бу «бир нарса олган бўлсам, бадалини тўлаганман» дегани бўлади.

Сигирнинг тана аъзолари номи асосий бўлак бўлиб келган туркча иборалар ҳам бор. Булар сирасига Туркиянинг чекка вилоятларида қўлланадиган *memesinden alıp boynuzuna sürmek* ('елинидан олиб шохига сурмоқ') иборасини киритиш мумкин. Бу иборанинг маъноси 'бир инсонга унинг ўз моли, пули билан 'сахийлик қилиш' дир.

Чорва молининг ҳатти-ҳаракатлари асосида ҳам қатор иборалар юзага келган. Масалан, сигирнинг қочишдан олдин 'думини хода қилиши' *kıyruğı dim dik* ('думи тин-тикка') иборасида таъкидланиб, инсоннинг 'тўқликка шўхлик қилиши' образли равишда нутқда ўз ифодасини топганю Бунда ҳайвонга хос ҳатти-ҳаракат ва хусусиятлар инсонга хос ҳатти-ҳаракатлар билан уйғунлашиб, кўчма маъно касб этган.

А. Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романида шундай бир жумла кечади: "Бузоқ яхши бўлса, икки онани ҳам эмар экан..." [Қ, 1958, 307]. Туркча таржимада мақол китобхонга тушунарли бўлиши учун

¹ Турк тилида *deyimler* деб номланган фразеологик бирликларни ўзбек тилида айтимлар дейиш мумкин. Бундай бирликлар сирасига гап шаклида қўлланилувчи фразеологик бирликларни киритиш мумкин.

сўзма-сўз ўғирилган: “*Buzagı iyi olursa iki anadan da süt emermiş!*” [К, 2005, 331]. Мазкур мақол романнинг русча таржималарида “*Говорят: ласковый теленок двух матер сосет...*” [К.А, 1958, 272; К, 2012, 341] шаклида берилган. Мақол русча оғзаки нутқдаги шакли “*Хороший теленок двух матер сосет*” дир.

Турк халқи азалдан отга меҳр қўйган, чавандоз миллатдир. Чорвачиликни қўй, сигир билан бир қаторда ана шу хонаки хайвонисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. От мавзусида айтилган ибора, матал ва мақолларнинг сони ҳам талайгина. От қишлоқ хўжалик ишида деҳқоннинг ‘оғирини енгил қилувчи восита’, юк ташишда қучли транспорт воситаси, ҳатто жанглarda ишончли улов, хуллас, инсоннинг ажралмас дўсти, ёрдамчиси бўлганлиги фразеологик бирликларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Тажрибали чорвадор отларни «чертиб-чертиб» танлаган, отнинг зотига, тузилишига катта эътибор берган. Қолверса, от сотиб олинаётганда унинг ташқи кўринишига алоҳида диққат қаратилган: *Yağmurda dostun atı, düşmanın koyunu satulsın* (“*Ёғмурда дўстнинг оти, душманининг қўйи сотилсин*”, чунки ёғмир остида турган отнинг танаси ялтираб, янада кўркамлашади, нархи ҳам ошади, қўйнинг эса жуни баданига ёпишиб, озгинлиги биллиниб қолиб, нархи пасайиши мумкин). Отга бўлган эътибор *Atın iyisini genç, kadının iyisini ihtiyar alır* (“*Отнинг яхшисини ёш, хотиннинг яхшисини кекса олади*”), *At ölür meydan kalır, yiğit ölür şan kalır* (“*От ўлур майдон қолур, йиғит ўлур шон қолур*”), *Meydan vardı at yoktu, at var meydan yok* (“*Майдон бўлганда от йўқ эди, от бор, лекин энди майдон йўқ*”) каби халқ мақолларида ўз ифодасини топган.

От образи воситасида ибораларда инсонлар орасидаги муомала-муносабатлар ҳам акс этади: *At ver dost ol, kız ver düşman ol* (“*От бер дўст бўл, қиз бер душман бўл*”). Ёки, *Boş torba ile at tutulmaz* (“*Бўш тўрва билан отни тутиб бўлмайди*”, яъни “*Қуруқ қошиқ оқиз йиртар*”) ёки “*Мингта ‘сиз-биз’дан бита ‘жиз-биз’ яхши*”) каби.

Айрим мақоллар бир оилага мансуб тилларнинг бир нечтасида тенг ишлатилиши мумкин. Шунинг учун туркий тилларнинг биридан иккинчисига таржима қилишда баъзан қийинчилик сезилмайди, лекин шундай мақол ва иборалар борки, икки тилда ташқи гомондан тушунарлидай, сўзма-сўз таржима қилса бўладигандай кўринса-да, бундай иш тутиш тўғри бўлмайди. Масалан, “Дунёнинг ишлари” асарида шундай бир мақол қўлланган жумла кечади: “— *Энди, ока, биз бир жойнинг одамимиз, от тепкиси отга ўтмайди*”

[НО‘,91]. Халқ тилида “От тепкисини от кўтаради” шаклида машҳур бўлган мақол қўлланган жумла турк таржимони томонидан “*Şimdi ağa, biz aynı memleketin insanıyız. At tepmesi ata işlemez*” [НӖ, 103] деб турк китобхонига тушунарли қилиб ўгирилган (мақолнинг туркча таржимадаги маъноси: “*От тепкиси отга таъсир қилмайди*”). Ёки, “*Раҳматуллага айтувдим-а тоғаннинг қизини ол, от тепкиси отга ўтмайди деб. Йўқ, қулоқ солмади*” [НО‘,71]. Ушбу жумла туркчада “*Rahmetullah’a söyledim ya dayının kızını al, at çiftesi ata zarar vermez diye. Yok, dinlemedi*” [НӖ, 83] шаклида берилган (мақолнинг туркча таржимадаги маъноси: “*От тепкиси отга зарар қилмайди*”). Бу ерда турк таржимони ўзбекча мақолнинг айнан муқобилини топишга муваффақ бўлган.

Ўзбек ва турк тилларида “от” сўзи асос олинган иборалар кўп: ‘от сурмоқ’ (‘at sürmek’), ‘отдан тушса ҳам эгардан тушмайди’ (сўзма-сўз: ‘attan iner, ama eğerden inmez’) каби. “*У юртнинг лашкари бу юртниқига от сурибди*” [НО‘, 62]. Таржимаси: “*O yurduñ ordusu bu yurda at sürmüştü*” [НӖ, 75]. Ёки: “*Бироқ, Далавой отдан тушса ҳам эгардан тушмасди*” [НО‘, 186]. Таржимаси: “*Yalnız, Dalabay attan düşse de eğerden düşmezdi*” [НӖ, 182]. Ўзбекча жумлалар таржимада яхши берилган. Лекин “*тушмоқ*” феъли туркчада “*inmek*” бўлади, таржима жумласидаги “*düşmek*” феълининг ўзбекчаси эса “йиқилиб тушмоқ, йиқилиб кетмоқ”. Турк таржимони шу ерда жузый хатога йўл қўйган. Туркча таржима “Отдан йиқилиб тушса ҳам эгардан йиқилиб тушмайди” тарзида чиқиб қолганки, бундай эътиборсизликларга йўл қўймаслик керак.

От образи орқали инсонлар орасидаги турли муомала-муносабатлар ифода этилади. Самимий дўстлик, яқинликни бузишга ҳаракат қилиш, инсонлар орасига араз солишга уриниш *ati arpaуа küstürmek* (отни арпага аразлатмоқ, яъни «бир инсонни унинг энг яхши кўрган нарчаси, кишиси билан қарама-қарши қилиб қўймоқ») ибораси орқали ифода этилади. Чунки отнинг энг севган еми арпа бўлиб, уни севган озуқасидан маҳрум қилиш мушкул. Бу ибора, ўғли билан келинини аразлатиб қўювчи кайноналарга қарата айтилган.

Ўзбек ва турк тилларида мақол, иборалар орасида кўпинча муштараклик кузатилса-да, баъзи фаркли жиҳатлар намоён бўлишини ҳам унутмаслик керак. Бу ҳолат мақолларнинг миллатнинг ўзига хос характери, дунёқараши, урф-одатлари асосида шаклла-

ниши билан боғлиқ. Шу боисдан асар қайси тилдан таржима қилинаётган бўлса, ўша халқнинг миллий ўзгачаликларидан ташқари, мақолларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиш керак бўлади.

От сўзи иштирок этган мақол ва маталлар маиший-турмуш мавзусида айtilган ёки тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: *Karının kötüsü geceyi, atın kötüsü yolu uzatır* ('Хотиннинг ёмони кечани узайтиради, отнинг ёмони йўлни узайтиради'), *Yürük ata katçı olmaz* ('Яхши юрадиган отга қамчи уриш керак эмас', яъни «Яхши отга бир қамчи») ва ҳ.

От сўзи қатнашган туркча айтимлар сўроқ гап шаклида бўлиши ҳам мумкин: *At olup kuşruk mı sallayacağım?* ('От бўлиб думимни ликиллаташим керакми?'). Бу айтимнинг маъноси қуйидагича: «фақат ҳайвон бир нарсадан манфаат кутса, 'думини ликиллатади'. Ёки бир кишига хушомад қилиш *yalın kaşımak* ('ёлини қашимоқ') ибораси орқали ифодаланади.

Ҳар бир мақол ёки ибора халқнинг тарихи, урф-одати, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва уларни ўгиришда оҳтиёткорлик талаб этилади.

Ҳайвонот, жумладан уй ҳайвонлари билан боғлиқ ўзбекча ва туркча мақол ва ибораларнинг яна бир қисмини *туя* ('*deve*') сўзи асосий компонент бўлиб келган фразеологик бирликлар ташкил этади: *Deveye sormuşlar: "Neden boynun eğri?"*, *Deve demiş: "Nerem doğru ki?"* ('Туядан сўрашибди: "Нега бўйнинг эгри?", туя дебди: "Қаерим тўғри?'). Маъноси: инсоннинг табиий камчиликларини айтиб, уни камситиш керак эмас, унинг бўлгани шу. Қолверса, туя қингир-қийшиқ бўлса ҳам, аҳмоқона саволга оқилона «жавоб берган».

Бир ишнинг ими-жимиди бажарилиши *ne deve yürüsün, ne de çan seslensin* ('на туя юрсин, на қўнғироқ жирингласин') ибораси орқали ифода этилади. Бу иборанинг юзага келишига карвонда юрадиган туя ва унинг бўйнига осиб қўйиладиган қўнғироқ асос олинган. Туя юриб кетаётганда, қўнғироқ жиринглайди, тўхтаганда эса – жирингламайди. Маъно кўчиши натижасида ушбу ибора «ишни ими-жимиди, энг ичида амалга оширилиши»ни билдиради. Ёки *deve nalbantı bakar gibi bakmak* ('туя тақачига қарагандай қарамоқ') ибораси ҳам тўла кўчма маънода қўлланади. Туя тақачига ҳеч қачон яхши кўз билан боқмайди. Нафрат кўзи билан қарайди.

Ёки, *туя* ('*deve*') сўзи асосий компонент бўлиб келган *pireyi deve уартак* ('*бургадан туя ясамоқ*', яъни "бир нарсани бўртириб, муболага билан гапириш», ўзбекча муқобили '*нашшадан фил ясамоқ*'); *Ya bu deveyi güderiz, ya bu diyardan gideriz* ('*Ё бу туяни боқамиз, ёки бу диёрдан бош олиб кетамиз*', яъни "ё бу ишни ниҳоясига етказамиз, ёки умуман воз кечиб, бошқа иш билан шуғулланишга тўғри келади") каби.

Баъзи айтимлар сўроқ оҳангида қўлланишлари билан янада таъсирчанроқ ифода этилиб, халқнинг тарихини, миллий колоритни ўзида акс эттириш билан бир қаторда тилнинг синтактик ўзига хосликларини намоён этади. Бунга *devede kulak* ('*туяда қулоқ*', яъни 'денгиздан томчи') иборасига асосланган *Deve kadar güydün de, kulağı kadar güyemedin mi?* (*Туядай сабр этдинг-у, қулоғичалик, сабр эта олмадинг-ми?*) айтимини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу айтимнинг ўзбек тилидаги муқобили "*қир-қизга чидадинг-у, бирига чидай олмадинг-ми?*" бўлади.

Ўзбекча ибораларда "от" ва "туя" сўзи ёнма-ён келиши мумкин: "*Э, от минан туя бўлармиди, оповси! Бир жойдаги одам-миз. Йигирма сўм-де! Пулийиз ёнизда қолади* [НО', 199]. Ўзбек тилининг шева шакллари қўлланилган ушбу жумлани таржимон турк тилида "*E, atla deve değil ablam. Bir yerin insanıyız. Yirmi som olur. Paranız boşa gitmez*" [НЎ, 197] тарзида содда қилиб ўгирган. Чунки, биринчидан, турк тилида "*От билан туя бўлармиди?*" деган ибора қўлланилмайди. Иккинчидан, таржимон жумла устида ортиқча бош қотириб ўтиришни истамаган. Агар жумла ҳеч бўлмаганда "*E, bacım, atla deve satın almyorsunuz ki! Aynı mahal- lenin insanlarıyız. Yirmi som neymiş. Paramız cebinizde kalır*" деб берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мақол ва ибораларда '*ешек*' (*эшак*) сўзи бошқа ҳайвон номларидан кўра кўпроқ қўлланади. Бунинг сабаби шуки, бу ҳайвон қадимдан энг керакли транспорт воситаси, энг оғир йўл ва табиат шароитларига қарамай инсоннинг оғирини енгил қилувчи, хавфсиз, қийинчиликларга чидамли хонаки ҳайвони ҳисобланган. Унга хос баъзи салбий хусусиятлар мақол ва ибораларга асос қилиб олиниб, маъно кўчиши, мажоз йўли билан инсондаги салбий иллатларни қоралаш, тарбия қилиш воситаси сифатида қўлланган: "*Ўзи шунақа бўлади,—деди аммам ердан бош кўтармай. — От топади, эшак ейди!* [НО', 130]. Ушбу гапда қўлланилган

машхур “*От топади, эшак ейди*” мақоли туркчага айнан “*At kazanır, eşek yer*” шаклида ўтирилган: “*Halam başını kaldırmadan: Bu işler böyledir. At kazanır, eşek yer*” [НӖ, 140]. Бу мақолда “от” ва “эшак” сўзлари ёнма-ён келган.

Турк ва ўзбек мақол ва ибораларида эшакни қайсар, бефаросат ҳайвонлиги таъкидланар экан (*Eşeğe söz, kokmuş a tuz hayretmez. - Эшакка сўз, бузилган (гўшт)га туз таъсир қилмайди*), унинг кундалик турмушда қанчалик фойдали эканлиги, ҳар қандай оғир меҳнатга бардошли эканлигига урғу берилган: *Eşeğin eti haram yaptıkları helal* (*‘Эшакнинг гўшти ҳаром, аммо меҳнати ҳалол’*). Ёки *Eşek kurban olmaz, ama bedeli (pahası) olur* (*Эшак қурбонликка ярамайди, лекин баҳоси (қиммат) бўлади*) маталида ҳам эшакнинг меҳнати ту- (файли) қимматга эга экани таъкидланади.

Туркча маталларда эшакнинг фақат меҳнат учун яратилгани унинг “ўз оғзидан айтилган” сўзлар билан ҳам берилади. Масалан: *Eşeği düğüne çağırmışlar: "Ya odun eksik, ya su"- demiş* (*Эшакни тўйга таклиф қилишибди, шунда у “Ё ўтин кам, ё - сув” – деб хаёлидан ўтказибди*). Ёки *Eşeğe: "Sıpan oldu" demişler, "Sirtımdan yükümü alacak değil ya, önümden yemimi alacak" demiş* (*Эшакка “болали бўлдинг” дейишганда, эшак: “Сиртимдаги юкимни олмайди-ку, олдимдаги ечимга шерик бўлади” – деб жавоб берибди*). Бундай маталлар халқнинг қанчалик сўзга чечанлигини ва тилнинг кенг имкониятларини яна бир бор намоёиш қилади.

Мақол ва иборалар образли ифода воситалари бўлиб, асосан, кўчма маънода қўлланади. Масалан: *Yük altında eşek anırmaz* (*‘Юк остида эшак ҳанграмас’*). “Устига оғир юк ортилган эшакнинг ҳанграмаслиги” кўчма маънода “Инсон меҳнат билан қанчалик банд бўлса, шунчалик кам гапиради, кераксиз фаолиятлар билан шуғулланишга вақт топа олмайди” дегани бўлади.

Ўзбек тилида кўп қўлланилувчи ўхшатишли иборалардан бири “илгари анча ‘шўх’ бўлган, лекин мулланинг қўлига тушгач ювош тортиб, босиқ бўлиб қолган” маъносидagi “мулла минган эшакдек” иборасидир: “*Аммам жаҳл билан ойимга бурилди. – Нимага мулла минган эшакдек сўтпайиб турибсиз, келинтошша! Кийинмайсизми?*” [НО, 171]. Бу иборанинг муқобили турк тилида мавжуд эмас, лекин турк китобхонига унинг маъноси тушунарли: “*Halam bu sözlerden sonra anneme dondü: –Ne diye molların eşeği gibi çarpılmış duruyorsun gelin hanım! Giyinmeyecek misin?*” [НӖ, 168].

Инсон ўзининг шахсий ва ижтимоий ҳаётида, меҳнат фаолияти давомида бошқа кишилар билан турли муносабатларда бўлади. Бу муносабатлар ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин. Мақол ва иборалар бадийлик касб этиб, ҳар доим зулм, ёмонликни қоралаш, эзгуликни шарафлаш воситаси бўлиб хизмат қилган. Масалан, *eşek* сўзи асосий бўлак бўлган мақол ва ибораларда ҳам инсонлар орасидаги муносабатлар ифодаланиб келади. Туркча *Alçak eşek binmeye kolay, öksüz çocuk dövmeye kolay* ('Пакана эшакни минши осон, етим болани уриши осон') маталида ҳам "эшакнинг паканалиги" эмас, етим боланинг ҳимоясиз эканлиги, диёнатсиз кишилар бундай болаларни бемалол таҳқирлай олиши таъкидланиб, бунинг ёмонлик эканлигига эътибор қаратилади. Шунингдек, инсонларнинг бошқалар учун астойдил жон куйдирмаслиги ёки ёрдамни қўл учида қилиши *El elin eşiğini türkü çıkararak arar* ('Биров бировнинг эшагини ашула айтиб (ҳуштак чалиб) қидиради') айтимида ўз ифодасини топган. Ёки бировни писанд қилмаслик, уни аҳмоқ ўрнида кўриш *eşek yerine koymak* ('Эшак ўрнида кўрмоқ') иборасида ўз ифодасини топган.

Баъзи киши бир оғиз гапдан хулоса чиқара олади. Баъзиларига эса мингта гап ҳам қор қилмайди. Гап қор қилмаслик туркчада *Bülbülü bir fiskeyle susturabilirsiniz, fakat sopaya davransanız bile eşiği anırmaktan men edemezsiniz* (Булбулни бир кичик чўп билан эжим қилиши мумкин, лекин эшак бир ҳанграйдиган бўлса катта калтак билан ҳам овозини ўчириб бўлмайди) афористик бирикмасида ўз ифодасини топади. Яхши нарсанинг фарқига бормаслик *Eşek ne anlar hoşaftan, suyunu içer, denesini bırakır* (Эшак компотнинг нималигини қаердан билсин, сувини ичади, донини ташлаб юборади) айтимида акс этади.

Эшакнинг секин юрувчи ҳайвон эканлиги ҳам туркча мақол ва ибораларда алоҳида таъкидланади. Масалан, *Çocuklu avrat, sıralı eşek ile yola gidilmez* ('болали аёл, ёнида ҳўтиги бор эшак билан узоқ йўлга бориб бўлмайди') деганда, уларнинг болалари тез ҳаракат қилишларига халақит қилиши, *Göç geri dönerse topal eşekli öne düşer* (кўч орқага қайтар бўлса, чўлоқ эшак минган киши кўчнинг бошига тушиб қолади) мақолида ҳам эшакнинг секин юрувчи ҳайвонлигига урғу берилади. Ёки *eşek sudan gelinceye kadar* иборасининг маъноси 'жууда узоқ вақт' демакдир.

¹ dene – дона, дон (компотнинг ичидаги мева).

Ўзбек ва турк мақол, ибораларидан бир қисмида ‘ит’, ‘кучук’ – ‘көрек’, ‘it’ асос олинган: “*It ulur, bir-birini bulur*” (“Ит улийди, бир-бирини топади”, яъни “кўр-кўрни қоронғуда топади”); “*It ite, it de kuyruğına*” (“Ит итга, ит эса қуйругига”); “*it izi at izine karışmak*” (“Ит изи от изи билан қоришиб кетмоқ”, яъни “бир иш (вазият)нинг боши-охирини топа олмаслик, аралаш – қуралаш ҳолат”); “*итнинг кунини бошига солмоқ*” (“*dünyaуı başına уікмак*”) каби. Мисоллар: “*Мана, охири нима бўлди... Кеча итни кунини бошимга солди, айланай!*” [НО‘, 71]. Таржимаси: “*İşte ne oldu... Dün o köpek ucvrusunu başıma sardı kurban olduğum*” [НӖ, 83]. Кўриниб турибдики, таржимон ўзбекча иборанинг маъносини англамаган: “*итнинг кунини бошимга солди*” иборасини таржимада “*итнинг боласини бошимга ўради*” деб берганки, изоҳга ҳожат йўқ. Яна бир мисол: “*Ҳозир киймасайиз, қачон киясиз! Икки-уч йилдан кейин чалпакка ўраб ташласа, ит қарамайдиган бўп қоласиз. Ўзизиям ўйланг мундоқ* [НО‘, 198]. Ўзбек тилида кенг қўлланилувчи “*чалпакка ўраб ташласа, ит қарамайди*” сифат ибораси қатнашган ўзбекча жумла турк тилига қуйидагича ўгирилган: “*Şimdi giymeyeceksiniz de ne zaman giyeceksiniz? İki üç yıl sonra deriye sarıp atsa köpekler dönüp bakmaz. Siz de böyle düşünün*” [НӖ, 83]. Жумлани ўгиришда таржимон анча эркин ҳаракат қилган. Агар туркча таржима тескари ўгирилса, қуйидаги кўринишни олади: “*Ҳозир киймасангиз, қачон киясиз! Икки-уч йилдан кейин терига ўраб ташласа, итлар ўгирилиб қарамайди. Сиз ана шуни ўйланг*”. Бундай мисоллардан қўлаб келтириш мумкин.

Қуён ва унинг тана аъзолари, хусусан, қулоғи ибораларда асосий компонент вазифасида келади. Масалан, *kulak kabartmak* (‘қулогини қабартирмоқ’, яъни қуённинг ҳаракатига қиёс олинган ‘қулоқларини диккайтирмоқ’) ва *kulak dikmek* (‘қулогини тик қилмоқ’) иборалари шулар жумласидандир: *Tavşan gibi kulaklarını dikmiştim* [RNG, 14] - *Қулоқларимни қуёндай динг қилиб олдим* [РНГ, 13]. Бу гапдаги *kulak dikmek* (қулоқларини динг қилмоқ, диккайтирмоқ) ибораси бир «нарсани тўсатдан эшитиб қолиб, шубҳаланиб, аниқроқ эшитиш учун диққатни жамлашни билдиради.

Туркий халқлар парранда боқишга ҳам чорвачилик қадар аҳамият беришган. Масалан, товуқнинг ҳайвонот дунёсида энг ‘эси наст’ жонивор эканлиги ибораларда таъкидланган ва инсонга салбий сифат берилганда бундай иборалардан фойдаланилган. Масалан, “*Hangi kuş beyinli düzmüş bunu...*” [S, 215] (‘Қайси товуқ мия-

ли тузибди буни...') гапида қўлланилган *kuş beyinli* (куш мияли) иборасининг маъноси «эси паст, жиддий нарсага ақли етмас киши» демакдир. Бунда *kuş* деганда товуқ кўзда тутилган. Етти хазинанинг бири бўлган қуён ва унинг тана аъзолари, хусусан кулоғи ибораларда асосий компонент вазифасида келади. Масалан, *kulak kabartmak* ('қулогини қабартирмоқ', яъни қуённинг ҳаракатига қиёс олинган 'қулоқларини диккайтирмоқ') ва *kulak dikmek* ('қулогини тик қилмоқ') иборалари шулар жумласидандир: *Tavşan gibi kulaklarımı dikmiştim* [RNG, 14] – *Қулоқларимни қуёндай динг қилиб олдим* [РНГ, 13]. Бу гаптаги *kulak dikmek* (қулоқларини динг қилмоқ, диккайтирмоқ) ибораси бир «нарсани тўсатдан эшитиб қолиб, шубҳаланиб, аниқроқ эшитиш учун диккатни жамлашни билдиради.

Уй ҳайвонлари мавзусидаги иборалар қай маънода айтилган бўлмасин, натижада инсоннинг ақли, тафаккури, этикоди, ҳистуйғуси, ахлоқи, ташқи кўриниши, ҳатти-ҳаракати, атрофдаги инсонлар билан турли муносабатларини ифода этади, халқнинг табиат, ундаги жонзотлар билан дўст, иноқ яшаганлиги, тангри яратган ҳар қандай борлиққа бўлган севгисини акс эттиради. Мақол ва иборадаги образ марказида инсон ва уни ўраб турган олам туради. Барча мавжудот, предмет, тушунчаларнинг мақол ва иборалар негизини ташкил этишининг асосий сабаби шудир.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

[ADS] – Aksoy, O.A., *Deyimler Sözlüğü*, 2. Dizin ve Kaynakça, 4. Baskı, Türk Dil Kurumu Yayınları. – Ankara, 1984.

[BAAD] – Bölge Ağızlarında Atasözleri ve Deyimler, 2. cilt, Ankara Üniversitesi Basımevi. – Ankara, 1996.

[DH] – Adıgüzel, Hüseyin, *Deyim Hazinesimiz, Açıklamalı – Örneklili Türkçe Deyimler Sözlüğü*. – İstanbul, 1990.

[TTAMM] – Türk tilidan amaliy mashg'ulotlar uchun matnlar (Türkçe Pratik Dersler İçin Metinler), tuzuvchi: X. Hamidov. – Toshkent, 2007.

[RT] – Büyük Rusça-Türkçe Sözlük, Moskva, «Russkiy yazik», Multilingual. – İstanbul, 1995.

[TR] – Büyük Türkçe-Rusça Sözlük, Moskva, «Russkiy yazik», 1977, Multilingual. – İstanbul, 1994.

[TS] – Türkçe Sözlük, TDK, 9. Baskı, 1.-2. Ciltler. – Ankara, 1998.

[RNG] – Güntekin R.N., Çalıkuşu, İnkilap Kitabevi, 38. Baskı. – İstanbul, 1995.

[РНГ] – Гунтекин Р.Н., Чоликуши, М. Исмоилий тарж., – Т., 2002.

[S] – Baysal F. Sarduvan, Can Yayınları. – İstanbul, 1993.

[HO‘] – Hoshimov O‘., “Dunyoning ishlari” –T.: 2005. - 208 b.

[HÖ] – Haşimov Ötkir, Dünyanın İşleri, Türkiye Türkçesine Çeviren: Mahir Ünlü, Bilgeoğuz Yayınevi. –İstanbul, Mart, 2014.

[K, 2005] – Kadiri A., Ötgen Künler (Geçmiş Günler), Roman, Türkiye Türkçesi A.Batur, Selenge Yayınları. –İstanbul, 2005. – 403 s.

[K.A, 1958] – Кадыри А., Минувшие дни. Роман / Пер. с узб. Л.Бать и В.Смирновой. –Ташкент: гос.изд. худ. лит, 1958. –373 с.

[K, 1958] – Қодирий А., Ўтган кунлар. Тарихий роман. С. Азимов таҳрири остида. – Т.: Ўздавнашр, 1958. – 374 б.

*Бузахро БЕГМАТОВА,
ТошДШИ Араб филологияси кафедраси
доценти, юридик фанлари номзоди*

ИСЛОМ ҲУҚУҚИГА ОИД ТЕРМИНЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасвур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий меърос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди [1, 29-30].

Маълумки, юртимизда яшаб, ижод этган дунёга машхур олимлар ўша пайт илм тили ҳисобланган араб тилида ижод қилганлар ва дунёга машхур жуда кўплаб асарларини мана шу тилда ёзганлар. Буларнинг деярли барчаси илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган илмий асарлар эканлиги барчамизга маълум бўлиб, улар фикҳ, ақида, тафсир, наҳв ва сарф каби йўналишларни ўз

ичига олган. Республикамиз ўз мустақиллигига эришганидан сўнг эса мана шундай асарларни ўзбек тилига таржима қилиб, халқимизни улар билан таништириш, илмий тадқиқ қилишга кенг йўл очилди. Мана шу йиллар мобайнида “Қуръони карим” маъноларининг учта таржимаси амалга оширилди, Имом ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”, Бурҳониддин Маргинонийнинг “Ҳидоя” асарлари ва ислом ҳуқуқига оид бошқа бир қанча манбалар ўзбек тилига таржима қилинди. Маълумки, таржима қилиш жараёнида таржимоннинг энг муҳим вазифаси аслиятдаги жумлада муаллиф нимани назарда тутиб қалам тебратган бўлса, уни ана ўшандай қилиб таржима тилида китобхонга етказиб беришдир. Бу эса таржимондан юқори малака ва юксак маҳоратни талаб қилади. Таржима қилиш учун сўзларнинг асосий луғавий мазмуни-ю, грамматик қоидаларини билишнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун эса тилни ҳис этиш лозим [2, 28]. Бадиий асар таржимаси қийин, деб ҳисобланса, диний мазулардаги манбалар таржимаси унданда қийин, мураккаб бўлиб, таржимондан катта масъулият талаб этади. Чунки уни ўқиган киши динимизда мана шундай конун-қоидалар бор экан деб, унга эргашишга ҳаракат қиладилар. Агар таржимон асл манбадаги мазмунни тўғри таржима қилмаган бўлса, унга эргашувчилар нотўғри йўлга кетиб қолишлари турган гап ва бу энди таржимоннинг айби бўлади.

Айниқса ислом ҳуқуқига оид асарлар таржимасида соҳага оид терминларни таржима қилиш таржимондан юксак маҳоратни талаб қилади. Бу эса таржимада терминларни ўгириш масаласи жуда муҳим эканлигидан далолат беради. Шу ўринада ислом ҳуқуқи ва унга оид терминлар ривожига ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак.

VII асрда бошланган фатҳ юришлари натижасида араб халқлари забт этилган мамлакатларнинг маданияти билан танишиш имкониятига эга бўлди. Бу даврда ислом маданиятининг кенг оммага тарқалиши қанчалик шиддат билан амалга ошган бўлса, янги терминларга бўлган эҳтиёж шу қадар кучайди. Шунингдек, ислом дини ва маданиятининг ривожланиши янгидан-янги фан соҳаларининг вужудга келишига ҳам сабаб бўлди. Шу фан соҳалари ичида диншунослик таркибига кирувчи ҳуқуқшунослик “фиҳқ илми” номи билан мустақил фан сифатида шаклланди. Турган гапки, фиҳқ илмининг ривожланиши унга оид янги терминларнинг пайдо бўлишига олиб келди. VIII аср охири IX аср-

нинг биринчи ярмига келиб, ҳуқуқшуносликнинг ўз тушунчалари, ўзига хос тили ва услуби шаклланди [3, 124].

Бизга маълумки, араб тилида бир сўз бир неча маъноларда қўлланилади, шу сабаб ислом ҳуқуқига оид терминларга таъриф берилаётганда, мана шу сўз асли қайси ўзакдан олинган, у луғатда қандай маънони англади-ю, истилоҳда қандай ишлатилади ва ҳатто, бу термин нима сабабдан шу маънода қўлланилаётганлигига ҳам шарҳ бериб кетилади. Масалан, “фиқҳ” терминининг ўзини оладиган бўлсак, унга шундай таъриф берилган: “Фикҳ” сўзи ^{الفقه} ўзагидан олинган бўлиб, луғатда “англамоқ”, “тушунмоқ”, “фаҳмламоқ” каби маъноларни англатади. Шариат истилоҳида эса, яъни термин сифатида “الفقه” “ал-фиқҳ” “ислом ҳуқуқи” деб юритилади [4, 51-52]. Ислом ҳуқуқига оид деярли барча манбаларда бирор мавзу тушунтирилишдан олдин унга оид терминларга юкорида айтиб ўтилган тартибда шарҳ бериб кетилади. Бу маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, фикҳий терминларни таржимада бериш унчалик ҳам осон иш эмас, чунки таржимон нафақат ўз она тилини, балки араб тили грамматикаси, лексикологиясининг ҳам нозик томонларини яхши билиши, ҳис этиши лозим. Энди бевосита фикҳий терминларнинг таржимада берилишига тўхталиб ўтсак. Баъзи манбаларда “фиқҳ фуруъул фикҳнинг бир қанча масалаларни ўз ичига олган” [5, 26], дея маълумот берилганига гувоҳ бўламиз. Мана шу жумламизда ҳам *фикҳий масала* термини ишлатилди. Бу терминни таржималарда акс этишига тўхталиб ўтадиган бўлсак, ўзбек тилига ўгирилган баъзи манбаларда у асл араб тилидаги каби “масала” тарзида транслитерация усулида берилса, баъзиларида “фикҳий институт” деб “масала” термини ўрнини босувчи “институт” термини орқали берилган. Бунга сабаб европа ҳуқуқшунослари мана шу терминни ишлатишни қабул қилганларидир. Бундан шуни англашимиз мумкинки она тилимизда ҳар икки кўриниш ҳам ишлатилар экан. Фикҳий масалалар номларининг таржимаси ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг берилишида ҳам икки хиллик мавжуд. Масалан замонавий, дунёвий йўналишдаги манбалар таржималарида фикҳ илми ҳақида маълумот берилаётганда иложи борича терминларни европа тилидан кириб келган шакли ишлатилган. Шарҳланаётган термин ёки тушунчани бундай шакли бўлмаса уни араб тилидан ўзбек тилига ўзлашиб кетган эквивалентлари келтирилган. Маса-

лан: “Никоҳ, ажралиш, қариндошлик, савдо-сотик, оилани моддий таъминлаш, болалар тарбияси бўйича мажбуриятлар, қонун бўйича ворислик, ҳуқуқий лаёқатликни чеклаш, васийлик ва хомийлик ва ҳоказолар мазкур ҳуқуқнинг институтларидир” [6, 584]. Юқорида келтирилган парчадан шуни айтишимиз мумкинки, бу ерда фикҳий масалалар номларини ўзбек тилида беришда “никоҳ”, “васийлик” каби ҳам транслитерация усулидан фойдаланган ҳолда, ҳам бу сўзларнинг она тилимизда мавжуд, “ажралиш” (талоқ сўзининг таржимаси), “қариндошлик” (валаъун сўзининг таржимаси), “савдо-сотик” (китобу-л-байъ сўзининг таржимаси) каби таржимаси орқали берилганининг гувоҳи бўламыз.

Тиллар орасидаги тафовут одатда бир халқ моддий ҳаётида мавжуд муайян тушунчалар, воқеа-ҳодисалар, урф-одатларнинг иккинчи халқ турмуш тарзида учрамаслиги, шу туфайли улар номларининг ҳам айни халқ тилида табиий равишда йўқлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, луғавий эквивалентлик муносабатида бўлган айрим икки тил жуфтликлари бир-бирларидан бирор хусусиятлари билан ўзига хос равишда фарқ қилишлари мумкин. Бу ҳол тил бирликларининг миллий хусусиятини белгилаш бараварида уларнинг таржимада ўзаро алмашинувларига тўсқинлик қилади. Бироқ, айтиб ўтишимиз мумкинки, араб халқлари билан халқимизни бир-бирига яқинлаштириб турадиган жиҳатлар ҳам талайгина. Бу ҳар икки миллат вакиллариининг эътиқод қиладиган динларининг бирлиги билан изоҳланади. Чунки халқимиздаги жуда кўп урф-одатлар, маросимлар, уларга оид терминлар диний тушунчалар билан боғлиқ бўлиб, бу ушбу масалаларнинг кўпчилигида ҳар икки миллатнинг муштараклигидан дарак беради. Бунинг исботи сифатида ватандошимиз, буюк фақих Бурҳониддин Марғиновичнинг бутун ислом оламида ҳанафий мазҳабининг фикҳ масалалари бўйича машҳур “Ҳидоя” асари таржимасида учраган терминларни кўриб ўтсак. Асарнинг таржимаси Салоҳиддин Муҳиддин раҳбарлигида бир гуруҳ таржимонлар томонидан амалга оширилган ва 2000 йилда нашр эттирилган. Таржимага “Ҳидоя”нинг 1990 йилдаги Байрут нашри асос қилиб олинган [7, 24]. Асар таржимасида шу нарсанинг гувоҳи бўлишимиз мумкинки, бу баъзи терминлар таржимаси “Талоқ боби – كتاب الطلاق”, “Закот боби – كتاب الزكاة” каби араб тилидан ўзбек тилига ўзлашиб кетган, ўзбек китобхони учун ҳам

тушунарли бўлган вариантларда берилганидир. Агар фикҳий терминнинг ҳар икки миллат учун муштарак бўлган шакли бўлмаса, у “*китабус-салот – كتاب الصلاة – Намоз боби, китабу-с-сиям-كتاب الصيام – Рўза боби*” тарзида таржима қилиниб ўзбек тилидаги муқобили орқали берилган. Юқоридаги баъзи терминлар яна замонавий терминлар орқали ҳам таржимада берилиши мумкин экан. Масалан, *талоқ масаласини* замонавий тилда оладиган бўлсак у *ажрალიш институти* тарзида таржима қилинар экан. Демак, айрим фикҳий терминларни ишлатилиш ўрнига кўра ҳар икки услубдан ҳам фойдаланиш мумкин. Кўриб турганимиздек таржима таржимондан жуда катта маҳоратни талаб қилар экан. Таржимада сўз топиш, ўз жойига қўя билиш жуда муҳим иш. Агар бир сўз ёки ибора, боринки, қандайдир бир грамматик қўшимча ҳам ўз ўрнига тушмаса ёхуд сал ясамароқ чиқиб қолса, бутун асарнинг тароватига путур етиши ҳеч гап эмас [8, 130]. Бу эса таржимон зиммасидаги маъсулиятнинг қанчалик катта ва оғирлигини кўрсатади. Баъзи терминлар, хос сўзларни она тилига ўгиришда аввало, уларнинг муайян контекстларда ўтаб келаётган ахборий ва услубий вазифаларини аниқлаш, сўнгра таржима тилида уларга ҳар жиҳатдан мос, айна пайтда шу тил маъёри ва маданияти даражасидаги лисоний воситалар танлаш зарурати туғилади. Шунингдек терминларни ифода этадиган баъзи махсус сўз ва сўз бирикмаларининг айримлари аслият мансуб бўлган тилдан ташқари яна қатор халқлар лафзларида учраши, жумладан, таржима тили луғат заҳирасининг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин. Бундай сўзлар ҳудуд, турмуш шароити бир-бирларига яқин, доимий муносабат ва мулоқатда бўлиб турадиган халқлар лафзларида кўпроқ учрайди. Бу таржимонни амалий қийинчиликлардан халос этади [9, 92]. Икки миллат тилида мавжуд бўлган худди мана шундай терминларни “Ҳидоя”нинг таржимасида ҳам учратишимиз мумкин. Масалан, оила, никоҳ масаласига оид энг аввалги ва асосий термин бу *نكاح – никоҳ* термини бўлиб, у *نكح* феълининг I боб масдаридир. *Никоҳ* термини якка сўз шаклидаги термин бўлиб, луғатда “қўшиш”, “жамлаш”, “яқинлик”, “никоҳланиш” каби маъноларда келади. Истилоҳда эса, *никоҳ бир боғланиш бўлиб, у эр кишининг никоҳида шаръан монелик бўлмаган аёл билан боғланишидир* [10, 651], дея таъриф берилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики таржимон “*никоҳ*” терминини ҳеч қандай таржимасиз, ўзини ишлатган, яъни бу терминни таржимада беришда транслитерация усулидан фойдаланган. Бунга сабаб оила қуриш маъносида ўзбек тилида ҳам *никоҳ* терминининг ишлатилиши бўлиб, у она тилимизга ўзлашиб кетгандир.

النكاح الحرام – *ан-никаҳу-л-ҳарам* термини мослашган аниқловчи бирикма бўлиб, الحرام *ал-ҳарам* сўзи *ҳарм* ўзагидан олинган бўлиб, *никоҳ* сўзини аниқлаб келмоқда ва лугатда “*тақиқланган*”, “*ман этилган*”, “*ноқонуний*” ва “*муқаддас*” каби маъноларда келади. Никоҳ масаласида эса, агар бир инсон никоҳланиб, ўзининг аёлига зулм қилиши ё зарар етказишига ишониб етса, ундоқ одам учун никоҳланиш ҳаром бўлади. Бу ҳолатда ислом шариатининг ҳаромга олиб борувчи нарса ҳам ҳаромдир деган қоидаси ишга тушади. Ўша зулм ва озор никоҳ туфайли содир бўлиши аниқ бўлса, бундай никоҳ ҳам ҳаром бўлади [10, 647].

Бу ерда таржимон “*...никоҳ ҳам ҳаром бўлади*”, деб “*ҳаром*” сўзини тўғридан тўғри араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган шаклида бермасдан балки “*ноқонуний бўлади*” ёки “*тақиқлангандир*” деб таржима вариантини берса бизнигча тўғри бўларди. Чунки мана шу ерда “*ҳаром*” сўзи ўзбек тилига *тақиқланган, умуман қилинмаслиги керак бўлган ишлар* сифатида ўғирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

النكاح المكروه – *ан-никаҳу-л-макруҳ* термини ҳам мослашган аниқловчи бирикма кўринишида бўлиб, *макруҳ* сўзи *караҳа-кروه* ўзагидан I боб мажҳул нисбат сифатдошидир. *макруҳ* сўзи лугатда “*ёмон*”, “*ёқимсиз*”, “*аҳмоқона*”, “*рад этилган*”, “*танбеҳ берилган*”, “*ёмонлик*”, “*ёмон иш*”, “*зўравонлик қилиши*” каби маъноларда келади. Шариатда эса қатъиян тақиқланмаган, лекин номақбул ҳисобланган, қилинмаслиги афзал бўлган амалларга айтилади. Никоҳга нисбатан эса, агар бир инсон никоҳланса ўзининг жуфтига нисбатан зулм ва зарар етишидан кўркса-ю, аммо тўлиқ ишонмаса ундоқ одам учун никоҳ қуриш макруҳдир [10, 649]. Кўриб турганимиздек “*макруҳ*” термини транслитерация усулида берилиб, сўнгра унга изоҳ келтирилган.

كفاة *кафоат* термини ҳам яқка сўз шаклида бўлиб, كفا *кафаъа* ўзагидан олинандир. Бу сўзга “*Мунжид*” изоҳли лугатида: “*бир нарсани бошқа бир нарсага тенг бўлиши*”, деб таъриф берилган. Истилоҳда ҳам *кафоат* тенглик маъносида бўлиб, никоҳда келин ва кувёнинг ўзаро тенглиги назарда тутилади. *Никоҳдаги кафоат*

дейилганда Бақара сураси 221-оят, Моида сураси 5-оятга кўра энг аввало, диний, эътиқодий тенглик назарда тутилади. Факихлар бу тенгликка хуррият, насаб, саноат (касб-хунардаги тенглик) каби жиҳатларни ҳам қўшганлар. Бу ҳақида “Ҳидоя”да шундай маълумот берилади: Никоҳда тенглик эътиборга олинади. Пайғамбар алайҳиссалом айтганларки “Огоҳ бўлингларки, аёлларни фақат валийларигина эрга берсинлар ва фақат ўзларига тенг бўлган кишиларгагина берсинлар. Ўзаро бир-бирларига тенг эр-хотинларнинг оиласи ҳам тинч бўлади” [10, 683]. Бу ерда ҳам “кафоат” фикҳий термини аввал тарнслитерация усулида “*никоҳдаги кафоат*” тарзида берилиб, сўнгра у нимани англатиши изоҳлар орқали тушунтирилган. Ислом ҳуқуқига оид терминларни бундай услубда ёритилиши ўқувчига мавзуну янада тўлиқ тушуниш имкониятини беради. Асарда учраган яна бир терминни кўриб ўтсак. *У* *خُلُوغٌ* – хулуъ терминидир. Унга қуйидагича таъриф берилган: *خُلُوغٌ* – хулуъ якка сўз шаклидаги термин бўлиб, *خَلَعَ* феълининг I боб масдаридир. Луғатда “*кийим ечиш*”, “*мукофатлаш*”, “*ҳадя бериш*”, “*сиљжитиш*”, “*қўзғатиш*” каби маъноларда келади.

Истилоҳда эса, хотин кишининг арз қилиб, ёки бир нарса бериб, эри билан ажрашишига айтилади. Айнан *خَلَعَ* “*кийим ечмоқ*” феълини ишлатилишига сабаб Бақара сураси, 187-оятидир.

“... هُنَّ لِيَاْسٍ لَكُمْ وَاَنْتُمْ لِيَاْسٍ لَهُنَّ...”

“... улар сизлар учун, сизлар улар учун либосдирсизлар...”.

Эр-хотиннинг бирга яшаб кетишларига ҳеч қандай илож қолмаса, агар бирга турсалар гуноҳ иш содир бўлиши муқаррар бўлиб қолса, хотин ажрашишни истаб эрига тўлов бериб, уни рози қилиб ажрашиб кетса бўлади. *خُلُوغٌ* нинг ҳукми Бақара сураси, 229-оятга кўра олинган. Демак, истилоҳда “*кийим ечиш*” маъноси ҳам, “*ҳадя бериш*” маъноси ҳам ўз ифодасини топган. Таржимон ушбу терминни таржимада беришда ҳам аввал транслитерация усулидан фойдаланган, ана ундан кейин ўқувчига тушунарли бўлиши учун уни изоҳлаган.

Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фикҳий асарлардаги каби терминларни тўлиқ ёритилиши, яъни улар қайси ўзакдан, қандай қолипдан олингани, нима сабабдан мана шу сўз ёки бирикма термин сифатида қабул қилинига батафсил тўхталиб ҳатто Куръони карим оятларидан, ҳадислардан ҳам далиллар келтирилиб шундай тўлиқ маълумот берилган.

нини бошқа соҳа терминларини берилишида учратмадик. Бундай асарлар таржимасида терминларнинг берилишига “Ҳидоя” асари таржимаси мисолида тўхталиб ўтадиган бўлсак, унда таржимон аксар ҳолатларда транслитерация усулидан фойдаланганини кўришимиз мумкин. Албатт бунга биринчи сабаб фикҳий қонун-қоидарнинг халқимиз турмуш тарзига сингиб кетгани ва араб тилидаги терминларнинг она тилимизга ўзлашиб, лисоний захирасидан жой олгани бўлса, иккинчи сабаб аслиятда қўлланилган баъзи миллий хусусиятли лисоний воситаларнинг таржима тилида мавжуд бўлмаганлиги туфайли аслиятнинг миллий хусусиятини таржима тили соҳибларига хос хусусият билан алмаштириб қўйиш ёки таржимани умуман бундай хусусиятдан маҳрум қилиб қўйиш каби ҳолатларга йўл қўймасликдандир.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

[1] – Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009.

[2] – Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. –Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1983.

[3] – Раҳмонов А. Ислом ҳуқуқи. –Т.: Адолат, 2007.

[4] – Бегматова Б. Ислом ҳуқуқига оид терминларнинг луғавий ва истилоҳий маънолари. // Шарқшунослик масалалари илмий мақолалар тўплами. – Т., 2009.

[5] – Исҳоқов С. Бурҳониддин Марғиноний ва фикҳ илми. – Т.: Адолат, 2000.

[6] – Каримов О., Ғаффоров З. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1995.

[7] – Бурҳониддин Ал-Марғиноний. Ҳидоя. I жилд. (Салоҳиддин Муҳиддин раҳ.даги таржимонлар гуруҳи). –Т.: Адолат, 2000.

[8] – Саломов Ғ., Комилов Н. Жаҳонгашта ривоятлар // Таржима санъати (мақолалар тўплами). 3-китоб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1976.

[9] – Мусаев Қ. Таржима назарияси. –Т., Фан, 2005.

[10] – Бурҳониддин Ал-Марғиноний. Ҳидоя. I жилд. (Салоҳиддин Муҳиддин раҳ.даги таржимонлар гуруҳи). –Т.: Адолат, 2000.

“ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ” ТУРК ТИЛИДА

Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” [1] китобида XX аср охири ўзбек адабиётининг энг сара намуналаридан биридир. Халқ орасида севиб ўқиладиган ушбу асар бир неча хорижий тил, жумладан, турк тилига ҳам таржима қилинган. Қиссадан тинлаб олинган бир неча новелла 2013 йилда ёш ўзбек ижодкорлари томонидан турк тилига ўгирилиб, Тошкентда нашр этилган бўлса [2], асарнинг тўла матни Туркияда Моҳир Унлу томонидан туркчага ўгирилиб, Истанбулда нашр этилди [3]. Бу эса турк адабиётининг ва кенг китобхон оммасининг ўзбек адабиётига, ўзбек халқининг тарихий, маиший турмуши, урф-одат ва анъаналарига бўлган қизиқишидан далолат беради.

Миллий хос сўзларнинг таржимада берилиши. Бадий таржимада миллийликнинг берилиши масаласи ҳар доим тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиб келган. Бунда, биринчи навбатда, асардаги миллий хос сўзлар ва уларнинг ўгирилиши кўзда тутилади. Таржимашунос олим Қ. Мусаев таъбири билан айтганда, миллий хос сўзлар халқнинг маиший тушунчаларини англатадиган, муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарса ва ҳодисаларни ифодалайдиган лисоний воситалар бўлиб, бадий асарнинг миллий ўзига хослигини белгилайди [4, 89]. Миллий хос сўзлар таржимондан алоҳида ёндашувни талаб этади. Уларни асардаги мингларча сўз орасидан алоҳида ажратиш олиш ва оддий йўл билан бошқа тилга ўгириш мумкин эмас. Бундай сўзларнинг баъзилари таржима матнига ўзгармасдан ўтади (транскрипция қилинади), бошқалари эса таржимада грамматик шаклини қисман бўлса-да сақлаб қолади.

Турк тилига ўгирилган ўзбекча асарларнинг кўпчилигида маиший реалія, хусусан уй жиҳозлари номлари кўп учрайди. Жумладан, мураккаб келиб чиқиши ва таржималарда берилиши нуқтаи назаридан тадқиқотчилар диққатини ўзига жалб қилиб келаётган, халқ маиший турмушига хос реаліялардан бири - ‘санда’ ва унинг шевадаги ‘танча’ шаклидир [5, 90]. Ушбу хос сўз турк тилига ‘tence’, ‘sandal’, ‘yer sobasi’, баъзи ўринларда эса

'makat' деб, айрим матнларда изоҳ йўли билан берилади: “*Еттинчи лампанинг пилиги пасайтириб қўйилган, уй ичини танчадан чиққан кўмир ҳиди, лампамой ҳиди тутган...*” [1, 13]. Мохир Унлу “танча” сўзини “*yer sobası*” (‘ер печкаси’) деб туркчалаштиради: “*Yedi numara gaz lambasının fitili kısılmış, evin içini yer sobasından çıkan kömür kokusuyla, lambadaki gaz yağının kokusu sarmıştı...*” [3, 24]. Ёки, “*Киши кечалари сандалга тиқилиб ётарканман, ялинаман*” [1, 24]. Таржимаси: “*Kış geceleri yer sobasına gözlerimi dikip yatarken anneme yalvarıyordum*” [3, 23] каби.

Бундан ташқари, М. Унлу баъзи ўринларда ишга ижодий ёндашиб, “танча” сўзига изоҳ берадики (*уйнинг тунроқ полидаги сандал деганимиз кўмир ёқиладиган (чуқур) жой*), жумла анча кенгайиб кетади: “*Танчага оёқ тиққан билан бефойда...*” [1, 83]. Таржимаси: “*Evin toprak tabanındaki sandal dediğimiz kömür yaktığımız yer de işe yaramıyordu*” [3, 24]). Туркча таржиманинг мазмуни тахминан қуйидагича: “*Уйнинг тунроқ полидаги сандал деганимиз кўмир ёқиладиган (чуқур) жойнинг ҳам фойдаси йўқ эди*”.

Асл туркий бўлган ‘сандал’ сўзи А. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида ҳам маиший реалиялар, уй жиҳозлари номлари орасида кўп учрайди. Турк таржимони (А. Батур) ‘сандал’ (‘танча’) сўзини таржимада ‘*tence*’ деб берса-да, баъзи ўринларда ‘*настак диван*’ маъносидаги ‘*makat*’ сўзи воситасида ўгиради: “*Кумушибибиди онаси билан бибисининг уйдан чиқишлари ила бошини сандалнинг кўрпасига буркаб, ётиб олди*” [6, 49]. Таржимаси: “*Gümüş Bibi annesi ile ninesinin dışarı çıktığını görünce başını makatın yastığına koyup uzandı*” [7, 57]. Бу билан аслият жумласининг мазмуни бузилган бўлмаса-да, хос сўз катнашган ‘*бошини сандалнинг кўрпасига буркаб*’ бирикмаси туркчада *başını makatın yastığına koyup* (‘*бошини диваннинг ёстигига қўйиб*’) шаклида ўтирилган.

“Дунёнинг ишлари” қиссаси ва унинг туркча таржимасида ўзбек эркаклари киядиган миллий либос номи – “чопон” ҳам кўп учрайди: “*Бизниям бошимизда ўзимизга яраша ташишим бор, – чопонли киши болага имо қилди*” [1, 119]. Жумла турк тилида “*Çopanlı adam çocuğu göstererek: - Bizim de kendi derdimiz var*” [3, 129] деб берилади. Таржимон ўзбекча ‘чопон’ сўзини ‘*çopan*’ деб ўтирар экан, турк китобхонига нотаниш, ҳатто туркча “*çoban*” (чўпон) сўзи билан адаштирилиши мумкин бўлган ўзбекча хос сўзга изоҳ бермайди. Ёки, ‘*тўн*’ сўзи иштирок этган “*Беқасам тўнли киши*

ойим билан қуюқ сўрашди” [1, 104] жумласини ҳам “*Pardösülü adam attemle samimi, uzun uzadıya hal hatir sordu*” [3, 115] шаклида ўғирар экан ‘беқасам тўн’ни плашга айлантириб қўяди (*Плаш кийган одам ойим билан самимий, узоқ ҳол-аҳвол сўрашди*).

“Ўткир Ҳошимовнинг тили, жонли ўзбек тили, асар ёзиш услуби эса шаҳарда, қишлоқда, фабрикада ва далада меҳнат қилаётган ўзбек халқининг нутқ услубидир, – деб ёзади асарни туркчага ўғирган таржимон Моҳир Унлу, – асар мавзуси ҳам халқ ҳаётидан олинган, қаҳрамонлари ўзбеклар, руслар, лўлилар, қисқаси, Ўзбекистонда яшаётган оддий инсонлардир. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи ёзувчининг асарларини севиб ўқийди” [3,13]. Дарҳақиқат, М. Унлуни мазкур асарни таржима қилишга ундаган асосий сабаб ҳам шудир.

Ўзбек халқи турмуш тарзини ифода этадиган “сандал”, “хуржун”, “кетмон” сўзлари билан бир қаторда турувчи “супа” сўзининг ҳам турк тилига хос сўзлар сифатида берилиши муаллиф матнининг миллий бўёғини адекват талқин этилишини сақлаши мумкин. Масалан, таржимон “*Шу бодом тағида супа бор эди*” [1, 5] гапидаги ‘супа’ сўзини ‘*seki*’ деб ўгиради: *O bademin alt tarafında bir seki vardı* [3,15]. Ёки, бошқа бир ўринда ‘*суна*’ сўзи таржимада ‘*sofra yeri*’ (“дастурхон солинадиган жой”) деб, ёки бўлмаса батафсил изоҳ берилган ҳолда ўгирилади (бунда “хонтахта” сўзи тушиб қолади): “*Супадаги хонтахта олдига бориб ўтирдим* [1,20]. Таржимаси: “*Bahçede yemek yediğimiz, toprak yığılarak yükseltilmiş dört köşe bir yerimiz vardı. Oradaki sofranın yanına varıp oturdum*” [3,32].

Туркчага ўгирилган жумланинг мазмуни тахминан шундай: “*Ҳовлида биз ўтириб овқат ейдиган, тунроқ йиғилиб кўтарилган тўрт бурчакли бир жойимиз бор эди. У ердаги дастурхоннинг ёнига бориб ўтирдим*”. Ваҳоланки, ‘*суна*’ сўзи бундан олдинги гапдаги каби ‘*seki*’ деб ўгирилса ёки бир миллий хос сўз сифатида қолдирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қиёсланг: С. Аҳмаднинг “Қорақўз Мажнун” ҳикоясидан олинган “*Shoxiga katta lampochka osilgan tut tagidagi supada yoshi oltmishlardan oshgan bir notanish odam o'tirardi*” [8, 57] жумласи туркча таржимада “*Dalina kocaman elektrik ampul asılı dut ağacının altındaki süpe üstünde yaşı altmışın üzerinde olan bir adam oturuyordu*” деб берилади ва “*süpe*” сўзига саҳифа остида “*açık havada oturmak ve yatmak için topraktan dörtgen şeklinde yerden 0,5*

- 1 metre yükseklikte yapılmış yer” (маъноси: “очик ҳавода ўтириш ва ётиш учун тупроқдан тўртбурчак шаклда 0,5-1 метр баландликда қурилган жой”) деб изоҳ берилади [2, 31].

Таржимашунос олим Н. К. Гарбовский “хос сўзлар - аслият тилида сўзлашувчи халқ маданиятида мавжуд бўлиб, таржима тилида сўзлашувчи халқ маданиятида учрамайдиган сўзлардир” - дея таъриф берар экан, “мослаштириш (адаптация) - хос сўзларни ўгиришнинг ягона йўли эмаслиги, таржима амалиётида бундай сўзларни ўгиришнинг бошқа трансформация усуллари ҳам мавжуд бўлиб, уларни мослаштириш усулида ўгириш бошқа маданият ҳақидаги тасавурларнинг ғализлашувига ҳам олиб келиши мумкинлиги”ни алоҳида таъкидлайди [9, 483].

Демак, миллий хос сўзларнинг таржимада берилиши муаммоли масала бўлиб, таржимонларнинг турли йўлларга кириб кетишига сабаб бўлади: бири хос сўзларни таржима қилса, бошқаси транслитерация йўли билан бериб, ҳаволада изоҳлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, миллий хос сўзлар таржимаси нафақат амалий характерга эга бўлган масала, балки назариянинг ҳам “оғриқли” муаммоси бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Таржимада “сохта эквивалентлар” муаммоси. Бадий таржимада сўз танлаш масаласи “сохта эквивалентлар” (“алдоқчи муқобиллар”, “алдоқчи сўзлар”) муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки ҳар бир сўз товуш ва маъно нуктаи назаридан ўз қимматига эга. Фақат бир хил сўз икки тилда учраганда, баъзан ўзгаришсиз қолиш билан бир пайтда маъно жихатдан ҳам фарқлилик касб этиши мумкин. Тиллар ўзаро яқин ёки бир-биридан жуда узоқ бўлишидан катъий назар, улар орасида таржима амалга оширилаётганда “сохта эквивалентлар”га дуч келиниши табиий. Булар таржимонга “панд берадиган” сўзлардир.

Ўзбек ва турк тили орасида таржимани қийинлаштирувчи “алдоқчи сўз”лардан яна бири *istek (istemek)* сўзи бўлиб, унинг асосий маъноси ўзбек тилидаги *истак (истамоқ)* сўзи билан деярли бир хил, лекин турк тилида ушбу сўз “истак, орзу, хоҳиш”дан ташқари, “талаб” (талаб қилмоқ, тақозо қилмоқ), “сўров” (сўрамоқ, сўраб олмоқ) маъносини ҳам ифодалайди. Масалан, “*İstenilen evraklar teslim edildi*” деган гапни “*Истаган ҳужжатлар топширилди*” деб эмас, “Талаб қилинган ҳужжатлар топширилди” деб ўгириш тўғри бўлади: “*Машина тегувди, - деди*

яна илжайиб. – Сиздан *фотиҳа олгани* келдим. Юринг, бир айлантириб келай [1, 34]. Таржимаси: *Araba aldım da. Sizden hayır dua istemeye geldim. Gelin sizi biraz dolaştırayım* [3, 48]. Бу ерда таржимон “*фотиҳа олмоқ*” бирикмасини “*hayır dua istemek*” (маъноси: “дуо олмоқ”) деб ўгириб тўғри иш тутган.

Туркчага таржимада “кийим, уст-бош”, “кўриниш, қиёфа” каби маъноларга эга бўлган “*kılık*” сўзи баъзан таржимонга панд бериб кўяди. “Қилиқ” сўзининг ўзбек тилидаги маънолари туркчадан бир оз фарқли: “фешл-атвор, характер”, “одаг”, “ўрганиш”, “хатти-ҳаракат” каби. Турк тилидаги “*Bi adamın kılığı hoşuna gitmedi*” деган гапни “Бу одамнинг қилиғи менга ёқмади” деб эмас, “Бу одамнинг ташқи кўриниши (кийиниши) менга ёқмади” деб тушуниш керак. Агар “*Бу одамнинг қилиғи менга ёқмади*” демоқчи бўлсак, “*Bi adamın davranışını beğenmedim*” дейиш керак бўлади:

“Эчки бари бир эчки-да! Птитир-титир қилгани ҳам майли-ю, ойим соғаётганида, ийиб кетса қиладиган хунук «қилиғи» бор” [1, 129].

Таржимаси: “*Keçi de keçi ha. Sadece kıpır kıpır olmakla kalsa iyi de annem sađarken kendinden geçmek gibi pis bir âdeti var*” [3, 139].

Қиёсланг: Р. Н. Гунтекиннинг “Чоликуши” романида “*kılık*” сўзи қўлланган шундай бир жумла кечади: “*Ne olduğumu anlatamam. Kılığım, kıyafetim bir şeye benzese neyse. Fakat ayaklarım çıplak, arkamda açık bir beyaz gömlek*” [10, 265]. Ушбу жумлани М. Исмоилий ўзбекчага қуйидагича ўгирган: “Қандай аҳволга тушганимни сўз билан айтиб беролмайман. Қилигим, қиёфатим бир нарсага ўхшаса ҳам гўрга эди: оёқларим очиқ, эгнимда ярим-ёрти баданимни ётиб турган оқ кўйлак” [11, 289]. Таржимон жумланинг мазмунини бера олган. Лекин, *kılığım, kıyafetim* сўзларини “уст-бошим” ёки “ташқи кўринишим” демасдан, *қилигим, қиёфатим* шаклида сўзма-сўз таржима қилган.

“Дунёнинг ишлари” қиссаси таржимони – Моҳир Унлу шундай ёзади: “Агар таржима сирасида хатога йўл қўйган бўлсам, бу – менинг айбим. Бунинг учун ёзувчининг ўзи ва китобхонлардан узр сўрайман. Йўл қўйилган хатолар – менда, гўзалликлар эса ёзувчи ва китобхонларда қолсин, розиман” [3, 14].

Бадиий таржимада учрайдиган бунга ўхшаш ҳолатлар хусусида Э. Очиллов шундай ёзади: “Бизда яқин тиллардан таржимага кўп ҳолларда ижодий иш деб қаралмайди, балки унга табдил

даражасида муносабатда бўлиниб, шунчаки у тилдан-бу тилга ўтказиб қўя қолиш ва баъзи бир тушунарсиз сўзларни тушунарлиси билан алмаштириш деб тушунилади. Шунинг учун бундай таржималарга ортиқча тайёргарликсиз киришилади ва натижада узоқ тиллардан таржимага кўра яқин тиллардан таржимада хатолар кўпроқ учрайди” [12, 9].

Таржимада тасвирий-ифодавий воситаларнинг берилиши. Инсоннинг ички дунёси, дарди тасвирланмайди, уни фақат ифодалаш мумкин. Аммо мавҳум ҳиссий ифода конкрет предмет ёки ҳодиса билан боғланса, тасвирийлик юзага келади. Бадиий тил эса асар мазмунини реаллаштирувчи восита ҳисобланади. Ёзувчи маҳоратининг қирралари асар яратишда қўлланилган бадиий тасвир ва ифода воситалари билан белгиланади.

“Дунёнинг ишлари” қиссасини ёзишда адиб тасвирий-ифодавий воситалардан кенг қўламда фойдаланган: *“Илиқ ёз оқишоми эди. Осмонда тўлин ой покиза нур сочар, юлдузлар хушчақчақ порлар, бог устида шабада шодон шивирлар эди...”* [1, 28]. Асардан олинган ушбу жумлада (“Хиёнат” номли новелла) қаҳрамоннинг кайфияти, порлоқ туйғулари табиат гўзаллиги билан ҳамоҳанг. Таржимаси: *“Ilık bir yaz akşamıydı. Gökte dolunay pırl pırl ışık saçıyor, yıldızlar muhabbet dolu parlıyor, parkın üstünde rüzgâr mutlulukla uğulduyordu”* [3, 43]. Таржимон тасвири ўз тилида ишончли берган бўлса-да, айрим нозик деталларни илғаб ололмаган. Масалан, юлдузларнинг *“хушчақчақ порлаши”*ни *“muhabbet dolu parlıyor”* (“муҳаббатга тўлиб порлайди”) деб, шабаданинг *“шодон шивирлаши”*ни *“rüzgâr mutlulukla uğulduyordu”* (“шамол севинчга тўлиб увулларди”) деб ўгирган. Ҳолбуки, жумлани бошқача шаклда, энг нозик деталларигача илғаган ҳолда таржимада адекват қайта яратиш имконияти етарли эди.

Табиат тасвири акс этмаган мукамал бадиий асар бўлмайди. “Бадиий асар тили инсон қалбини бутун мураккабликлари билан йўғрилган ҳолда табиат манзараларига ҳамоҳанг тарзда акс эттиради”[13, 375]. Муаллиф ҳақиқий ижодкор бўлса, образни она табиат билан бирга, доимий уйғунликда тасвирлай олади. Яхши таржимон эса муаллиф услубига содиқ қолиб, тасвири адекват қайта яратиш учун бутун кучи, билими, истеъдодини ишга солиши лозим.

Муаллиф ўз қаҳрамони кайфиятининг ўзгаришини, аниқроғи, унинг хиёнатга учраб бир лаҳзада ҳам яқин дўсти, ҳам муҳаб-

батидан жудо бўлишини ифодалаш учун табиат тасвирига мурожаат қилади: “Осмонда хоин ой кезар, беҳаё илжайганча ҳаром нуруни сочар, хиёнаткор юлдузлар хоинларча кўз қисшар, хиёнаткор шамол хоинона қиқир-қиқир кулар эди [1,28]. Таржимон бу сафар тасвирини ишончли бериш билан бирга жумлада қўлланилган яширин ўхшатиш, сифатлаш ва жонлантириш каби нозик бадий санъатларни тўла илғаган ҳолда қайта яратишга муваффақ бўлган: “*Gökte hain ay geziyor, utanmazca gülümseyerek zehirli ışıklarını saçıyor, hain yıldızlar bir birlerine haince göz kırptıyor, hain rüzgâr kıkır kıkır gülüyordu* [3,42]. Фақат шуни таъкидлаш жоизки, таржимон “*oʻy ... ҳаром нуруни сочар*” бирикмаси таркибидаги “ҳаром” сўзини “*zehirli*” (заҳарли) деб берган, чунки “*haram*” сўзини қўллашни маъкул топмаган.

Табиат тасвири ижодкор бадий маҳоратини намоён этувчи муҳим омиллардан саналади. Чунки манзаралар тасвирида ижодкорнинг сўз бойлиги, уни қўллаш даражаси, қаламга олинган маконга муносабати юзага чиқади. Масалан Ў. Ҳошимов “Дунёнинг ишлари”да Ўзбекистон табиатини қанчалик санъаткорона тасвирлаган бўлса, таржимон ҳам буни ишончли қайта яратишга муваффақ бўлган.

Таржимада мақол ва ибораларнинг берилиши. Фразеологик бирликлар, хусусан, мақол, матал ва ибораларнинг таржимада берилиши таржима назарияси ва амалиётининг муаммоли масалалардан ҳисобланади. Бундай бирликлар халқнинг тарихи, урф-одати, ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва уларни ўгиришда эҳтиёткорлик талаб этилади. Ўзбек ва турк тилларидаги мақол ва иборалар орасида кўп ҳолларда муштараклик кузатилса-да, фарқли жиҳатлар ҳам сезилади. Иккала тилда ташқи томондан тушунарли, сўзма-сўз таржима қилиниши мумкиндай кўриган бирикмалар, айрим ҳолларда кўпол хатоликларга олиб келиши мумкин.

“Дунёнинг ишлари” қиссасининг турк тилига таржимасида мақол ва иборалар алоҳида эътиборни талаб этади. Масалан, *От тепкиси отга ўтмайди* [1,91] мақол-жумласи (мақолнинг халқ тилидаги шакли “От тепкисини от кўтаради”) туркча таржимада *At tepmesi ata işlemez* [3,103] шаклида ўгирилади (маъноси: “От тепкиси отга таъсир қилмайди”). Турк тилида ушбу мақолнинг аниқ муқобили бўлмаса-да, таржимон уни сўзма-сўз ўгириб, китобхонга етказиб бера олган.

Иборалар таржимасига келганда, бу бирликларнинг юзага келиши ва таржимаси мақолларникидан қолишмайди. Масалан, турк тилида “bakla” (дуккакли ўсимлик, ловия) сўзига асосан юзага келган иккита ибора бор. Булар: *ağzında bakla islanmaz* (“оғзида ловия намланмайди”, яъни “сир сақлашни билмайди”, “ичида гап ётмайди”) ва *baklayı ağzından (dilinin altından) çıkar-tak* (“ловияни оғзидан (тили тагидан) чиқармоқ”, яъни “тилга кирмоқ”, “гапира бошламоқ”). Биринчи иборанинг юзага келиши-да куруқ ловиянинг сувда қийин пишиши, оғизга солинганда тез юмшамаслиги эътиборга олинган: “Келинойининг қизиқ одати бор. Ичида гап ётмайди. Уйида қайси шолчага хокандоздан чўғ тушиб, қанча жойи кўйгани, қайси ўғли шолғомни ёмон кўриши, қайси қизининг сочига сирка оралагани— ҳаммасини бирпасда маҳаллага ёйиб чиқади” [1,39]. Таржимаси: “Yengenin farklı bir kişiliği var. Ağzında bakla islanmaz. Evinde hangi şalına kürektek köz düşmüş, neresi yanmış, hangi oğlu şalgamı sevmez, hangi kızının saçını bitlenmiş hepsini mahalleye ilan ederdi” [3, 54]. Таржимони ўзбекча иборали жумлани тўғри ўғирган.

Қиёсланг: *Çünkü gevezeydim, sakallı dayının dediği gibi, ağzımda bakla islanmazdı* [10,29]. Машхур “Чоликуши” романидан олинган бу жумлани М. Исмоилий “*Чунки сергап эдим, соқолли амаки айтгандай, ичимда гап турмас эди*” [11,29] шаклида ўғирган.

Таржимашунос олим Ғ. Саломов таъбири билан айтганда, “Тилнинг асл қаймоғи, унинг ўзига хос хусусиятларини ва табиатини белгилайдиган, унинг камолот даражаси қандай эканлигини кўрсатадиган, бошқа тиллар ўртасида тутган ўрнини тайинлашда муҳим омил бўлган нарса – ундаги мақол, матал, идиома ва бошқа шу каби кўчма маъноли бирикмалардир. Бундай бирикмаларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилишнинг ғоят мураккаб ва муҳим иш эканлиги бу масалани бадиий таржима назариясининг асосий проблемалари қаторига киритишга сабаб бўлмоқда” [14, 18].

Таржимада ички монологнинг берилиши. Чуқур психологик таҳлил ва ички монологга кенг ўрин берилган “Дунёнинг ишлари” қиссасидаги айрим новеллаларда ички монолог муаллиф нияти, фикрини ифодалашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Ижод жараёнида таржимон буни чуқур ҳис этади. Асар персонажлари турли хил кишилар бўлса-да, унинг асосий қаҳрамони муаллифнинг онасидир. Бу ҳақда турк таржимони Моҳир Унлунинг қу-

индаги сўзлари эътиборга лойик: “Ўткир Ҳошимов асарларининг қаҳрамонлари турли хил кишилар, аммо “Дунёнинг ишлари” қиссасининг асосий қаҳрамони бир инсон – ёзувчининг онасидир. У ўз онаси ва дунёдаги барча оналарни энг мухтарам инсонлар деб қабул қилади... Бу асар Ҳадис-и шарифда ёзилган “Жаннат оналар оёғи остидадир” сўзининг шарҳига ўхшайди” [3,13].

“Қалбимнинг зулмат босган қайсидир бурчагида оғиз, аммо тинончи бир нур йилт этди. ”Онанг-чи, онанг ҳеч қачон хиёнат қилдими сенга! Бирон марта, ақалли бир марта хиёнат қилдими? Ҳар ким ҳар кимнинг кўзига чўп солиши мумкин, ҳар ким ҳар кимга хиёнат қилиши мумкин. Фақат она ўз боласига ҳеч қачон хиёнат қилмайди. Эҳтимол, инсон ҳаётининг шунча йиллардан буён давом этиб келаётгани шундандир” [1, 29].

Ушбу монолог туркчага куйидагича ўгирилган: *“Kararıp giden kalbimin bir köşesinde aciz ama inançlı bir ışık parladi. ”Annen, annen sana hiç ihanet etti mi? Herkes başkasının gözüne çöp sokabilir. Herkes herkese ihanet edebilir. Fakat anne evlâdına asla ihanet etmez. Muhtemeldir ki, insan hayatının geçip giden yıllar boyu devam edebilmesi bundandır”* [3, 42]. Ёзувчи она образи орқали дунёдаги, хусусан инсонлараро муносабатлардаги энг мураккаб муаммоларни бир психолог каби каламга олган.

Асар сўнгида берилган, таъбир жоиз бўлса, қиссанинг кульминацион нуқтасини ташкил этган монологда ёзувчининг “она – табиатнинг энг буюк ихтиросидир” деган сўзлари фикримиз бир бора исботлайди: *“Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам ўз севиклисига айтган дил розини дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам айтган қўшиқни дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Эҳтимол, дунёнинг бу четида туриб бир одам айтган энг оқилона фикрни дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас. Бироқ дунёнинг бу чеккасида туриб она айтган аллага дунёнинг нариги чеккасидаги гўдак бемалол ором олади. Нега шунақа? Наҳотки, гўдак тушунган нарсага биз тушунмасак? Эҳтимол, бунинг боиси бошқа жойдадир. Эҳтимол, она тушунган нарсани бизлар тушунмасмиз. Балки шунинг учун ҳам она – табиатнинг энг буюк ихтиросидир”* [1,29].

Ушбу парчадаги жумлалар оддий услубда, китобхонга тушунгани тилда берилган бўлса-да, ундаги ўзига хос оҳанг (ритм), такрор

ушунини муҳим аҳамият касб этган. Буни яхши англаган таржимон монологни тўлақонли қайта яратишга муваффақ бўлган: “*Belki dunyanin bu tarafında yaşayan bir insanın kendi sevgilisine söylediği hislerini, dünyanın öbür tarafındaki başka birisi anlamaz. Belki, dünyanın bu tarafındaki söylediği şarkıyı öbür tarafındaki başka biri anlamaz. Belki, dünyanın bu tarafındaki bir insanın en akıllıca fikrini öbür tarafındaki başka biri anlamaz. Ama dünyanın bu tarafındaki annenin söylediği ninniyle dünyanın öbür tarafındaki bebek huzura kavuşur. Neden böyle? Ne var ki bebeğin anladığı şeyi biz anlamıyoruz. Belki de bunun sebebi başkadır. Belki de onun anladığını biz anlayamıyoruz. Belki de bu sebeple annelik, tabiatın en büyük ihtirasıdır* [3, 203].

Қиссадаги “Илтижо” деб номланган парча ҳам асарнинг энг муҳим нуктаси ҳисобланади. Бу парчани ўқиб кимлар йиғламаган, қанча қалблар ларзага келмаган: “...*Esingizdami, oyi, siz bir marta, atigi bir marta, o'shandayam hazillashib: “Meniyam kitob qilib yozsang-chi o'g'lim”, degandindiz. Men: “Sizning nimangizni kitob qilaman, oyi?” degan edim. Xafa bo'lmang, men hazillashgan edim. Mana, o'sha kitob. Yo'q, uni men yozganim yo'q. Uni siz yozgansiz. Men uni qog'ozga tushurib, odamlarga tarqatdim, xolos. Men uni dunyodagi hamma onalar o'qishini xohlayman. Bilaman, dunyodagi hamma onalar yaxshi. Shundoq bo'lsayam, ularning hammasi Sizga o'xshashini xohlayman...*” [1, 207]. Турк таржимонининг баъзи ўринларда онасини “сен”лаши ҳисобга олинмаганда (турклар ўз ота-онаси, яқин кишиларига “сен”лаб мурожаат қилишади. “Сиз”лаб гапириш расмиятчилик сифатида қабул қилинади), монолог тўлақонли қайта ярата олинган: “...*Есингиздами, ойи, сиз бир марта, атиги бир марта, ўшандаям ҳазиллашиб: “МенIAM китоб қилиб ёзсанг-чи ўғлим”, дегандиндиз. Мен: “Сизнинг нимангизни китоб қиламан, ойи?” деган эдим. Хафа бўлманг, мен ҳазиллашган эдим. Мана, ўша китоб. Йўқ, уни мен ёзганим йўқ. Уни сиз ёзгансиз. Мен уни қозоғга тушуриб, одамларга тарқатдим, холос. Мен уни дунёдаги ҳамма оналар ўқишини хоҳлайман. Биламан, дунёдаги ҳамма оналар яхши. Шундоқ бўлсаям, уларнинг ҳаммаси Сизга ўқишини хоҳлайман...*” [3, 206].

М. Унлу “Дунёнинг ишлари” қиссасининг миллийлигини муаллифнинг ўзлашма лексикадан камроқ фойдалангани, оғзаки нутқда фаол бўлган лексик қатламдан кенг қўламда фойдалангани учун деб билади: “Ўткир Ҳошимов ўзбек адабий тилини оддий кишилар нут-

қи билан омухта шаклда қўллашни маъқул кўради. Ўзбек тилига араб, форс, рус, инглиз ва бошқа ажнабий тиллардан ўтган сўзлар, туркий тилларнинг умумий захирасидан ва ўзбек шеваларига оид сўзлар билан бир қаторда муваффақият билан қўллайди” [3, 13].

Хулоса. Замонавий ўзбек адабиётининг энг ёрқин намуналаридан бири - “Дунёнинг ишлари” кассасининг туркча таржимаси ўзбек тилидан шарқ тилларига қилинган энг янги таржималардандир. Бу борада ҳали тадқиқот олиб борилмаган. Асарнинг турк тилига ўгирилишида таржимоннинг маҳорати, асар таржимасида муаллиф услубининг қайта яратилиши, унда бадиий санъатларнинг берилиши масалалари яқин келажакда амалга оширилиши режалаштирилган илмий ишларга мавзу бўлишига умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

- [1] – Hoshimov O‘., “Dunyoning ishlari” –Т.: 2005.- 208 b.
- [2] – Ўзбек Edebiyati’nin Seçme Eserleri, Taşkent, 2013, 152 b.
- [3] – Haşimov Ötkir, Dünyanın İşleri, Türkiye Türkçesine Çeviren: Mahir Ünlü, Bilgeoğuz Yayınevi, İstanbul, Mart 2014, 206 s.
- [4] – Мусаев Қ., Таржима назарияси асослари, дарслик, Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2005. 89–6.
- [5] – Усмонова Ш., Олтой тилларида муштарак маиший лексика. – Тошкент: ЎЗР ФА “Фан” нашриёти, 2010, 90-91-б.
- [6] – Qodiriy A., O‘tkan kunlar, roman, “Sharq” Nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati, Toshkent, 2012. - 384 b.
- [7] – Kadiri A., Ötgen Künler (Geçmiş Günler), Roman, Türkiye Türkçesi D. Ahsen Batur, Selenge Yayınları, İstanbul, 2005. – 403 s.
- [8] – Саид Ахмад, Қоракўз Мажнун, ҳикоя, www. ziyonet. uz. Кутубхона.
- [9] – Гарбовский Н. К., Теория перевода, Издательство Московского университета, 2007.
- [10] – Güntekin R. N., Çahkuşu, roman, İstanbul, 1995.
- [11] – Гунтекин Р. Н., Чоликуши, роман, М. Исмоилий таржимаси. – Т., 2010.
- [12] – Очилев Э., Яқин тиллардан таржима муаммолари, мақола, Таржима масалалари, илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2012.
- [13] – Хотамов Н., Саримсоқов Б., Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1983.
- [14] - Саломов Ф. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Т.: Фан, 1961.

НЕКОТОРЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА ТЕКСТОВ ОФИЦИАЛЬНО-ДЕЛОВОГО СТИЛЯ

Современный этап развития экономики связан с расширением международных связей и сотрудничества, что, в свою очередь, приводит к необходимости своевременного и безошибочного обмена информацией, позволяющего значительно уменьшить экономические затраты, осуществить эффективную межкультурную коммуникацию, координацию совместной деятельности на международном уровне.

Обслуживая правовую и административную деятельность при общении в государственных учреждениях, в суде, при деловых и дипломатических переговорах официально-деловой стиль реализуется в текстах законов, указов, приказов, инструкций, договоров, соглашений, распоряжений, актов, в деловой переписке учреждений, а также в справках юридического характера.

Согласно Л.К. Граудиной, «официально-деловой стиль – это совокупность языковых средств, функция которых – обслуживание сферы официальных деловых отношений, возникающих между органами государства, организациями и их подразделениями, организациями и частными лицами в процессе их производственной, экономической, хозяйственной, дипломатической и юридической деятельности» [1].

А.Б. Шевнин выделяет следующие особенности официально-делового стиля:

- «Выражаемое официально-деловым стилем содержание, учитывая его огромную важность, должно исключать всякую двусмысленность, всякие разночтения.

- Официально-деловой стиль характеризуется определенным более или менее ограниченным кругом тем;

- Высокая регламентированность речи (определенный запас средств выражения и способов их построения);

- Официальность (строгость изложения: слова употребляются обычно в своих прямых значениях, образность, как правило, отсутствует, тропы очень редки);

• Безличность (официально-деловая речь избегает конкретного и личного)» [2].

Все вышеупомянутые особенности находят соответствующее отражение при выборе лексико-грамматических средств языка. Особенности текстов официально-делового стиля на лексическом уровне заключаются в высокой степени терминологичности, использовании фразеологических сочетаний и клише.

Такая стилевая черта официально-делового стиля речи как точность проявляется, прежде всего, в употреблении специальной терминологии. Использование фразеологических сочетаний или же клише и штампов также является характерной чертой деловых документов.

Согласно определению, которое даёт нам лингвистический словарь, «термины - это такие слова или сочетания слов, значение которых строго обусловлено в пределах данной специальности» [3].

По мнению К.Я. Авербуха «термины общезыковой сферы, как правило, однословны, а содержание более одной словесной позиции – либо «фразеологического происхождения» (железная дорога, роза ветров), либо воспринимаются скорее как сочетание лексических единиц (летчик-космонавт, ракета-носитель, космический корабль, открытый космос)». Ученый утверждает, что «квалифицировать многословные термины как фразеологические единицы, относя их в разряд так называемой неидиоматической фразеологии в принципе можно, что подчеркнет особую связанность терминологических словосочетаний и цельность их номинации» [4].

Рассмотрим терминологию, фразеологические сочетания и клише, характерные для использования в деловых документах, на конкретных примерах при переводе с русского на узбекский и наоборот:

Русские клише	Узбекские клише
счёт-фактура	schet-faktura, hisob varaqasi
дата поставки	yetkazib berish sanasi
рекомендательное письмо	tavsiya xati
по истечении	tugashi bilan
срок действия	amal qilish muddati
условия	shartlar

выставить тратту (счёт)	hisobni taqdim etish
несмотря на	...ga qaramasdan
условия платежа	to'lov shartlari
иные/прочие условия	o'zga/boshqa shartlar
юридическое лицо	yuridik shaxs
физическое лицо	jismoniy shaxs
персонал	xodimlar
сообщаю вам, извещаю вас	habar beramiz, ma'lum qilamiz
вышеупомянутый	yuqorida qayd etilgan
от лица, от имени	...ni nomidan
прекращать,	to'xtatmoq, to'xtatib turmoq
при условии если/что если	..sharti bilan
предварительная повестка	dastlabki kun tartibi

Такого рода фразеологические сочетания и отдельные слова-термины можно встретить в отчетах, уставах, законах, нотах, причем каждая область имеет свою специфическую терминологию:

- например, в деловых документах финансово-экономического характера встречаются такие термины, как: *дополнительный доход* – *qo'shimcha daromad*; *налогоспособность* – *solliqqa tortilish layoqati*; *обязанность платить налог на прибыль* – *daromadga soliq to'lash majburiyati*;

- в юридических документах часто встречаются такие термины и сочетания, как: *Международный суд* – *xalqaro sud*; *решающий голос* – *hal qiluvchi ovoz*; *судебный орган* – *sud organi*; *вести процесс, дело* – *ish/protsessni olib bormoq*.

На основе приведённых выше примеров видно, что предлагаемые приёмы действительно используются для перевода. Необходимо также отметить следующее:

1. При переводе на русский/узбекский языки встречающиеся в исходном тексте аббревиатуры расшифровываются и переводятся полностью, при этом при первом упоминании может приводиться расшифровка аббревиатуры на языке оригинала, затем полный перевод такой расшифровки на русский/узбекский язык, затем либо устоявшаяся в языке перевода аббревиатура, если таковая имеется, либо составленная самим переводчиком из первых букв расшифрованной и переведенной оригинальной аббревиатуры, если устоявшегося эквивалента нет.

2. При переводе на русский/узбекский язык вместо русскоязычной/узбекоязычной аббревиатуры пишется аббревиатура на русском/узбекском языке, созданная по первым буквам полного перевода, который при первом упоминании в тексте указывается в скобках. В дальнейшем используются как аббревиатура, так и полное переведенное наименование.

3. Сокращенные наименования марок машин, аппаратов, приборов обычно не расшифровывают и в переводе оставляют в оригинальном написании, например: мотор «ГАЗ-31» – «GAZ-31» motor.

4. Буквенные аббревиатуры названий учреждений и организаций пишутся без кавычек и с прописной буквы. В случае невозможности расшифровать сокращение его сохраняют на языке оригинала или приводят в русском написании в соответствии с установившейся традицией, например: - фирма фирма «Маселко» – «Maselko» firmasi, телекомпания ОПТ – ORT telekompaniyasi, «Yoshlar» telekompaniyasi – телекомпания «Ёшлар».

5. При переводе аббревиатур с русского языка на узбекский и наоборот необходимо следовать нормам языка перевода. В некоторых случаях для понимания такой аббревиатуры получателями перевода необходимо её расшифровывать [5].

Исследовав терминологию, фразеологические сочетания и клише, используемые в текстах официально-делового стиля, можно сделать вывод о том, что путей перевода текстов официально-делового стиля с русского языка на узбекский и наоборот не так много, как трудностей, с которыми сталкиваются переводчики. Эти трудности обусловлены прежде всего необходимостью адекватной передачи смыслового содержания текста документов.

Использованная литература:

[1] – Культура русской речи. Учебник для вузов. Под ред. проф. Л. К. Граудиной и проф. Е. Н. Ширяева. – М., 1999.

[2] – Шевнин А.Б. Официально-деловой стиль. Матрица переводческих проблем: учебное пособие. – Екатеринбург, 2010.

[3] – Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966.

[4] – Авербух К.Я. Средства специальной номинации и проблема их описания в словарях разных типов. // Ивановская лексикографическая школа: традиции и инновации. Сборник научных статей. –Иваново, 2011.

[5] – Дупленский Н. Письменный перевод: рекомендации переводчику и заказчику. –М., 2004.

ХИТОЙ ТИЛИГА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДАН ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАР ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА

Хорижий сўзларнинг Хитой кириб боришининг биринчи сезиларли жараёни эрамизнинг биринчи асрида мамлакатда буддизмнинг тарқалиши билан бошланган. Айниқса, IV – IX асрларда бу жараён жуда ҳам жадал суръатларда амалга ошган. Ҳиндистонлик буддавий монах (руҳоний)лар хитой тилига санскрит тилидан буддавий адабиётни таржима қилишган, ваъз (насихат)лар қилишган ва шу орқали кўпгина санскрит сўзларининг хитой тилида тарқалишига ва сақланиб қолишига кўмак қилишган. Одатда бу жараён давомида кўп таркибли сўзлар хитой тилида икки таркибли сўзлар кўринишигача қисқартирилар эди.

Баъзан транскрипцияга учраган сўзнинг бўғинларидан бирига маъно берилар эди. 例如 poluomen «брахманизм» сўзида 佛 мен шаклида ёзилган охириги бўғин «мактаб, секта, оқим» маъносига эга бўлди. Худди шу принцилда 佛 fojing «буддавий классиклар» сўзида охиридаги 佛 jing бўғин «канон, қоида» маъносини англатади.

Мўғул ва маньчжурлар таъсири хитой лексикасида унча катта бўлмаган из қолдирган; асосан мансабдор шахслар номини ифодаловчи бир нечта сўзлар сақланиб қолди:

例如 zhangjunke «лашкарбоши, саркарда» (мўғулча: Чжасак)

Бошқа тиларга қараганда инглиз тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг сони кўпроқ.

Инглиз тилидан ёки шу тил орқали хитой тилига кўпгина илмий ва техник атамалар ҳамда баъзи маиший сўзлар кириб келган:

例如 yinjing «двигатель» (ингл. engine), 维生素 weitaming «витамин» (ингл. vitamin), 吉普 ji pu «джип, виллис» (ингл. jeep).

Баъзи сўзларда фонетик ва маъновий принциплар бир вақтнинг ўзида намоён бўлади:

例如 motuoche «мотоцикл» (ингл. motor-cycle).

Ушбу сўзнинг биринчи қисми (motor) транскрипцияда берилган, охириги қисми (cycle) эса таржима қилинган, натижада «мото-арава» маъносини англлатувчи сўз ҳосил бўлди.

□ □ □ bingqilin «музқаймоқ» (англ. ice cream).

Бу сўзда инглиз сўзнинг биринчи қисми (ice) □ bing «муз» сўзи билан таржима қилинган, иккинчи қисми (cream) – □ □ qilin транскрипция орқали берилган.

□ □ □ tuolaji «трактор» (ингл. tractor) сўзида транскрипция қуйидагича берилган: «тортувчи машина» □ □ tuola «тортмоқ», □ ji «машина».

Транскрипция йўли орқали бошқа европа тилларидан ҳам ўзлаштирилган сўзлар учраб туради.

XX асрнинг бошига қадар рус тилидан ўзлаштирилган сўзлар маиший турмушга оид, асосан Хитойнинг шимолида иероглифлар билан ифодаланмаган, лекин оғзаки нутқда ишлатиладиган сўзлар бўлган, масалан:

□ □ □ helieba «нон», □ □ □ futejia «водка, ароқ» ва бошқалар.

Тарихдан маълумки, Октябрь тўнтаришидан кейин ҳам хитой тили рус тилидан кўпгина сўзларни ўзлаштириб келган. 1925-1927 йилларда Хитойда ташкил топган партия аппарати ва ҳокимиятнинг таркиботларига оид барча атамалар ўзлаштирилган эди. Бироқ рус тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг аксарияти калька орқали кириб келган. Фақатгина оз миқдордаги сўзлар хитой тилига транскрипция ёраида кириб келган. Масалан:

□ □ □ ximingnaer «семинар»

Калька (сўзнинг бўлаклари бевосита таржимаси) йўли орқали ўзлаштирилган сўзларнинг сони анчагина: □ □ □ □ □ makesizhuyi «марксизм», □ □ □ □ lieningzhuyi «ленинизм», □ □ □ zhengzhibu «сиёсий бўлим», □ □ □ ziwoping «ўзини танқид қилиш».

Калька йўли билан бир қаторда хитой тилида хорижий сўзларни таржима қилиш кенг тарқалган. Ушбу усул хорижий чет тилидаги сўз англатаётган маънони тўлиқ ва аниқ ифодалаш учун қўлланилади, масалан: «пролетариат» - □ □ □ □ wuchangjieji сўз-ма-сўз-ма: «□ □ jieji мулкчиликка эга бўлмаган синф».

Хитойча сўзнинг грамматик табиати унга хос бўлган грамматик хусусиятлар йиғиндисидан намоён бўлади.

Хитойча сўзнинг хилма-хил грамматик хусусиятлари умумлаштирилган-категориал маъно (семантик тавсиф), бўғин-мик-

дорли таркиб (квантатив тавсиф), сўз таркиби ва сўз ясовчи модель (таркибий тавсиф), сўз ўзгартирувчи шакллар (морфологик тавсиф)лар каби таркибий-семантик хусусият (белги)лар орқали вужудга келади ва белгиланади.

Сўзларнинг алоҳида синфлари турли грамматик хусусиятлар ва сифатлар билан тавсифланади. Битта синф доирасида сўзлар одатда бир хил грамматик хусусиятлар ва белгиларга эга бўлади.

Хитой тилида сўзнинг ашёвий (предмет-мантикий) маъноси биринчи даражали рольни ўйнайди. Сўз ҳамиша лексик бирликнинг формал-грамматик белгиларидан устун бўлади. Айнан шунинг учун хитой тили тизимида сўзлар синфлари умумлаштирилган-категориал маънолар (предмет, унинг сифати – доимий белги, унинг жараёни – ўзгарувчи белги) асосида ажратилади. Бу синфлар (сўз туркумлар)нинг мазмуни икки маъно: маълум бир сўзга хос ашёвий (лексик) ва сўз туркумига хос умумлаштирилган-категориал маъноларнинг бирлаштирилишида ифода топади.

Умумлаштирилган-категориал (умумлаштирилган-грамматик) маъно аниқ лексик бирлигининг функционал-синтактик (синтактик вазифаси) имкониятини, гапдаги унинг ўрнини аниқлаб беради. Албатта, сўз битта ёки бир нечта сўз туркумига таълуқлилиги билан чегараланган бўлиб, маълум меъёрлар доирасида синтактик қўлланилиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки,

1. Хитой тилида сўзнинг ашёвий (предмет-мантикий) маъноси биринчи даражали рольни ўйнайди.

2. Транскрипция йўли орқали бошқа европа тилларидан ҳам ўзлаштирилган сўзлар учраб туради.

3. Транскрипцияга учраган сўзнинг бўгинларидан бирига маъно берилади.

4. Баъзи сўзларда фонетик ва маъновий принциплар бир вақтнинг ўзида намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баранов И.Г. Верования и обычаи китайцев. Сост. Тертицкий К.М., М.: Изд. Дом «Муравей», 1999.

2. Буров В.Г., Семенас А.Л. Общение с китайскими партнерами. Ведение переговоров. Междисциплинарный подход. Москва, Университетский гуманитарный лицей, 1998.

3. Семенас А.Л. Лексическая и словообразовательная антонимия в китайском языке - Исследования по восточным языкам. М.: Наука, 1973, с. 192-201.

4. Семенас А.Л. Лексикология современного китайского языка. М.: Наука, 1992.

*Нилуфар ХОДЖАЕВА,
ТошДШИ Таржима назарияси ва
амалиёти кафедраси ўқитувчиси*

ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ МАТНЛАР ТАРЖИМАСИ МУАММОЛАРИ

Илмий-техникавий матнлар тушунчаси икки кенг кўламли “илмий” ҳамда “техникавий” атамаларини ўзида мужассамлаштирган умумий тушунчадир. Агар тиббиётга оид атамалар илмий услубга тегишли бўлса, бу соҳага оид жиҳоз ва ускуналар, уларнинг ўрнатилиши, қўлланилиши билан боғлиқ хужжатлар, йўриқномалар техникавий матнлар ҳисобланади. Шу боис ушбу икки атама биргаликда қўлланилади.

Ўзбек таржимашуносларидан Ғ.Саломов, Қ.Мусаев, Э. Очиловларнинг илмий таржима стилистикаси хусусида сўз юритган. Рус тилидаги техникавий матнлар таржимаси масалалари Фельдман-Конрад Н.И., Цын М.С. [1], Волкова З. [2], Кочергин И.В. [3], Климзо Б.Н. [4], Пумпянский А.Л. [5], Пьянкова Т.М. [6], Скороходько Э.Ф. [7], Чебурашкин Н.Д. [8], Морозова М.А. [9] каби назариётчиларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Илмий-техникавий таржима мураккаб таржима турларидан бўлиб, техник ва ихтисослашган хужжат таржимасини ўз ичига олади ва алоҳида ёндашувни тақозо этади. Бошқа тур таржималардан фарқли ўлароқ, илмий-техникавий таржима ихтисослашган терминология, баён этиш услуби билан фарқланади ва таржимондан соҳа билан боғлиқ билим ва кўникмаларга эга бў-

лиш, атамаларни эркин тушунишни талаб этади. Булар ихтисослашган атамалардан тўла фойдаланиш учун лозим. Таржимон нафақат матнни аъло даражада тушуниши, балки уни аниқ таржима тилида ёзма ва озгаки баён эта олиши лозим. Демак, илмий-техникавий матнлар таржимони аслият матн тили ва таржима матн тилини мукамал даражада эгаллаган бўлиши керак.

Илмий-техникавий адабиётлар таржимаси – ижодий фаолиятнинг нозик соҳаси бўлгани учун профессионал даражада бажарилиши, бунинг учун эса таржимон юқори малакали техник мутахассис даражасига етган, бўлиши керак. Масалан, алоқа тизимлари бўйича техник адабиёт ва ҳужжатларни таржима қилиш учун бир пайтнинг ўзида телекоммуникация, радиоэлектроника, микроэлектроника, ҳисоблаш техникаси терминологиясидан яхши хабардор бўлиш, соҳавий изоҳли лугатлардан унумли фойдаланишни билиш талаб этилади.

Илмий-техникавий матнлар таржимаси билан шуғулланувчи таржимон, икки тил ўртасида маълумот узатувчи воситачи вазифасини бажаради. Бунинг учун таржимонга қуйидаги махсус талаблар қўйилади:

- аслият ва таржима тилини мукамал билиш;
- манбани тушуниш ва ўша соҳадаги маълумотлардан тўла хабардор бўлиш;
- ҳар икки тил хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, атамашуносликни мукамал билиш;
- таржима қилинаётган соҳа бўйича техник билимлардан зарур даражада хабардор бўлиш;
- илмий-техникавий таржима соҳасидаги турли матнлар устида ишлаш тажрибасига эга бўлиш;
- таржимон лингвистик билими баробарида, техник билимга ҳам эга бўлиши керак [12].

Техник ва иш юритиш матнларини таржима қилишнинг ўзига хос хусусияти, аслиятда мавжуд бўлган ахборотни аниқ етказиб беришга, махсус атамаларни аниқ таржима қилишга юқори талаблар қўйилишидир. Иш юритиш ва техник матнлар таржимаси бадиий таржимадан фаркли ўлароқ, бандпарвоз услубий безаклардан холис бўлади. Илмий-техникавий матнлар таржимасининг эталони бу ҳеч бўлмаганда, 3 та мустақил халқадан иборат бўлган схемадир:

1. Малакали илмий-техникавий матнлар таржимони, филолог;
2. Муҳаррир (мазкур соҳа мутахассиси);
3. Бош муҳаррир.

Ҳозирда таржимонлар ҳамжамиятининг долзарб масалаларидан бири техникавий таржима мактабини яратишдир. Бу мактаб изчилликда техникавий таржима соҳаларининг ҳар бирида таржима малакасини оширишга кўмаклашади. Россияда таржима хизматларининг бозори жуда кенг бўлишига қарамасдан, таржимонларнинг профессионал маҳорати муаммоси жуда кескинدير. Натижада бу техникавий таржима сифати муаммоси вужудга келади. Илмий-техникавий соҳада таржимоннинг техник соҳада ҳам мутахассис бўлиши – бозор ривожининг жиддий ва қатъий талабидир [13].

Илмий-техникавий таржиманинг маммоларини ҳал қилишда икки асосий ёндашув мавжуд. *Биринчиси* профессионал таржимонларнинг лингвистик маълумоти техник эмас, гуманитар эканлигига асосланган. Шунинг учун таржима икки босқичда амалга оширилади: ихтисослашган махсус атамаларни ўрта билимга эга бўлган соҳа мутахассиси таржима қилади. Лингвист таржимон эса, грамматик жиҳатини кўриб чиқиб, матнни таржима қилади. *Иккинси* таржимага нафақат махсус лингвистик билим, балки таржима талаб қилинган фаолият соҳасида техник матнлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган техник муҳаррирларни жалб қилишдан иборатдир.

Илмий-техникавий матн таржимаси соҳасида фаолият юритувчи таржимон ҳар икки тилни ва у тиллардаги терминларни мукамал билиши даркор. Ушбу соҳа таржимони имкониятлари чекланмаган, бироқ таржима жараёнида аниқлик ва терминларнинг тўғри берилиши, таржимоннинг малкасини белгилайди. Илмий-техникавий матнлар таржимони, матн таҳлил қилиш малакасига эга бўлиши ва матнни ким учун таржима қилаётганини билиши зарур.

Илмий-техникавий матнлар услуги – илмий услуб ҳисобланиб, аниқлик, қисқалик ва лўндаликни талаб қилади. Шунингдек, “илмий услуб учун норма бўлган шакл мўътадил китобий ёзма нутқдир. Демак, унга оғзаки нутқдан ҳеч нарса кирмаслиги, адабий тилнинг белгиланган синтактик нормаларига риоя қилиши шарт [10,91]. Бевосита ҳужжатларнинг техникавий таржимаси хусусиятлари ҳақида сўз юритганда, таржиманинг мазкур тури

Ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Техник матнлар у ёки бу технологик жараёнларни тасвирлаш учун яратилиши уларнинг асосий хусусиятини белгилаб беради. Натижада мазкур техник ҳужжат таржимасида учраши мумкин бўлган ноаниқлик ёки хато аксарият ҳолларда ёмон натижаларга олиб келади. Айнан шунинг учун ҳужжатларнинг илмий-техникавий таржимаси орқали аслият матннинг мазмуни аниқ етказиб берилиши муҳимдир. Техникага оид адабиёт, ҳатто энг мураккаб техникавий адабиётнинг таржимаси идрок этиш учун тушунарли бўлиши лозим. Албатта, илмий-техникавий таржима хорижий тилни ва айниқса алоҳида техник терминологияни юқори даражада мукамал билишни талаб қилади. Бунда техникавий таржима бошқа хусусиятларга ҳам эга, уларнинг барчасига оддий таржимонлар эмас, махсус, ихтисослашган билимларга эга профессионалларгина жалб этилиши лозим.

Ҳар бир функционал услуб доирасида тилшуносликнинг маълум бир соҳасини қўриш мумкин. Таржима жараёнида бу ҳолат янада яқинроқ кўзга ташланади. Масалан илмий-техникавий услубда – илмий-техникавий матнларнинг лексик грамматик хусусиятлари, шунингдек, терминология ва махсус лексика қўлланилиши муҳим ҳисобланади [11, 106-107].

Техникавий таржима қуйидаги мавзудаги матнлар билан иш олиб боришни назарда тутати:

- турли қурилма ва механизм йўриқномалари;
- тизим ва деталларининг ишлаш тавсифи;
- хилма-хил асбоб-ускуналарни монтаж қилиш, тузатиш ва эксплуатацияси бўйича йўриқномалар;
- турли йўналишдаги техник матнлар;
- ишлаб чиқариш ҳисоботлари, спецификация ва техник хизматларнинг ҳисоботлари;
- оммалаштирилган илмий техникавий мақолалар, техник адабиётлар;
- чизмалар;
- сертификатлар;
- дастурий таъминотга оид қўшимча ҳужжатлар;
- халқаро стандартлар бўйича меъёрий акт ва ҳужжатлар.

Техникавий таржима турлари:

- эксплуатация бўйича йўриқнома;
- илмий ҳужжатлар;
- техникага оид адабиёт;
- асбоб-ускуналар тавсифининг таржимаси;
- ихтисослашиш;
- стандартлар таржимаси;
- техник паспортлар таржимаси;
- технологик жараёнларнинг тавсифи ва тасвири;
- патентлар;
- стандарт операцион жараёнлар;
- қўлланмалар;
- реклама махсулотлари;
- меъёрий ҳужжатлар;
- техник талаблар;

Илмий техникавий матнлар таснифига кўра [12]:

- фалсафага доир фанлар (логика, диалектика);
- аниқ, техник фанлар (физика, химия, биология, геология, медицина);
- ижтимоий фанлар (тарих, археология, этнография, география);
- умумий гуманитар фанлар (сиёсий иқтисодиёт, давлат ва ҳуқуқ, санъатшунослик, тилшунослик, психология, педагогика) кабиларга бўлинади.

Илмий-техникавий матнлар таржимаси аксарият ҳолларда қуйидаги соҳалар бўйича амалга оширилади:

- авиацион саноат;
- автомобилсозлик;
- қишлоқ хўжалик техникаси;
- металлургия;
- ёғочга ишлов бериш саноати;
- оғир машинасозлик;
- аниқ машинасозлик ва асбобсозлик;
- вентиляция, коммуникация, кабел ётқизиш;
- йўл қурилиши ва йўл техникаси;
- энергетика;
- нефтни қазиб олиш ва ишлов бериш;

- қазиш қурилмалари ва геология қидирув асбоб-ускуналари;
- кемасозлик
- информатсион технологиялар [14].

Ҳамкорлик алоқаларини самарали ва мувофаққиятли олиб бориш, қўшни давлатлар билан савдо муносабатларини ўрнатиш учун техник хизматларнинг спецификация ва ҳисоботлари, чизма ва сертификатларининг таржимаси, мураккаб асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва ишлатиш бўйича йўриқномаларнинг аниқ ва мувофиқ таржимаси, дастурий таъминот йўриқнома ҳужжатларини, маълумотнома, ДТСлар, меъёрий матн ва стандартлаштирувчи ҳужжатларнинг аниқ ва мувофиқ таржимаси талаб қилинади [13].

Бадий матнларни таржимаси билан қиёслаганимизда техникавий таржиманинг хусусияти техник ҳужжатларга юқори даражадаги информативлик, кичик ҳажмда фактик материалнинг кўплиги билан ажралиб туради. Бу ерда ҳар бир сўз муҳим ўрин тутди. Оддий терминологиядан ташқари матнларнинг илмий-техникавий таржималарида аббревиатуралар, жумладан, таржима қилинмайдиган ёки ихтисослашган жумлалар мавжуд, уларни техник матннинг контексти билан боғлаган ҳолда таржима қилиш лозим.

Техникавий таржиманинг усуллари ҳақида айтиш жоизки, улар *автоматлаштирилган (машина)* ва *қўл билан бажариладиган* турларга бўлинади. Бугунги кунда *таржимон дастурлар* ишлаб чиқилган. Онлайн режимида матн таржимаси хизматларини таклиф қилаётган сайтлар мавжудлиги сабаб, баъзи бир фойдаланувчилар матнлар таржимаси учун машина воситаларини қўллашга ҳаракат қиладилар, аммо аксарият ҳолларда бу уринишлар муваффақиятсизликка учрайди. Ҳозирда малакали мутахассис даражасида таржимани амалга оширадиган дастур мавжуд эмас. Бадий таржимада ҳам техникавий таржимада ҳам, тил билан ишлаш фақатгина битта, ҳаттоки энг кенг луғатдан фойдаланиш ва белгиланган лингвистик конструкцияларни ишлатиш билан чегараланилмайди.

Муайян сўзни таржима қилиш масаласи ҳал қилингандагина, электрон таржимон хизматларидан фойдаланиш мумкин. Бирок луғатлар қанчалик катта бўлмасин, уларга тўғри таржиманинг барча ҳолатларини киритиш мумкин эмас. Биринчи навбатда бу техник атамаларга тегишли. Агар жумлани тушуниш учун контекст талаб қилинмаса, машина томонидан мувофиқ таржима қилинади, аммо баъзи бир деталларда ноаниқлик бўлиши мумкин. Бу эса техникавий

таржимада, айниқса, хужжат ёки контрактлар таржимасида, муҳим, чунки оддий бир қўмакчининг нотўғри қўланилиши дастлабки матннинг маъносини ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Машина таржимаси, асосан сўзма-сўз амалга оширилади, чунки электрон таржимон сўзларнинг кўчма маъносини аниқлай олмайди. Шу билан бирга формал белгилар бўйича тўғри келган бир нечта вариантлардан энг мосини танлай олмайди. Натижада матн маъносини муайян даражада ўзгартирувчи хатолар пайдо бўлади.

Таржиманинг яна бир усули – *компромисс усулидир*. Бунда дастлаб матн машина воситасида таржима қилинади, кейин эса аниқ камчиликлар “қўл” таржимаси орқали тўғриланади. Профессинал таржимонлар ҳатто қоралама таржимани ҳам *таржимон дастурлар* ёрдамида бажаришни тавсия этмайдилар. Электрон техникавий таржиманинг асосий муаммоси шундаки, мазкур турдаги таржимада баъзи ўринларда маъно ўзгартирилади, аммо бу асосий камчилик эмас, уни бартараф этиш мумкин. Энг катта камчилик машина таржимасида матннинг стилистика ва ички алоқолари йўқ бўлиб кетади. Кейин буларни кейин тиклаб бўлмайди. Таржима сифати ва уни органиналга мослигининг кафолати фақат профессионал таржимадир. Техникавий таржима соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар ҳажми неча бет бўлишидан қатъий назар илмий-техникавий таржимани тўлиқлигича “қўл билан” бажарадилар. Бундай ёндашув кўп сонли хатоларнинг олдини олиш ва аслият матннинг мазмунини максимал даражада етказиб бериш имкониятини беради.

Матнга ишлов беришга кўра техникавий таржима қуйидаги турларга бўлинади:

- тўлиқ ёзма таржима;
- рефератив таржима;
- аннотация тарзидаги таржима;
- бўлим номлари таржимаси;
- оғзаки (консултатив, синхрон, кетма-кет) таржима.

Тўлиқ ёзма таржима – бу техникавий таржиманинг асосий шакли бўлиб, йўриқнома, схема, деклорация, тўлов хужжатларини ўз ичига олади. Бунда матн маъноси ўзгармайди. Ёзма таржимани бажарганда барча қоидаларга риоя қилиш ва босқичларни қатъий ҳолда изчилликка риоя қилиб ўгириш лозим, акс ҳолда таржиманинг сифати пасаяди. Таржима қилиш *босқичлари* қуйидагича:

1. Матнни тўлиқ ўқиб чиқиш ва маъно мазмунини тушуниш.
2. Агар шубҳа пайдо бўлса, буюртмачига мурожаат қилиб аниқлик келтирилади.

3. Ахборотнинг ишчи манбаларини қўллаган ҳолда матнни қайта ўқиб чиқиш.

4. Қоралама таржимани амалга ошириш, бунда матннинг мантиқан ажратилган қисмлари устида изчил ишлаш.

5. Яратилган матнни баён этилишининг маъно ва мазмун ҳамда услубнинг ўзаро уйғунлигига эътибор бериб таҳрир қилиш.

Техникавий таржимани амалга оширганда қуйидагиларни ёддан чиқармаслик лозим:

- агар фикрни турлича ифодалаш мумкин бўлса, энг содда ва қисқа вариантни танлаш;

- мавзу номларини сўнгги навбатда таржима қилиш лозим, чунки унда матннинг мазмуни мужассамдир.

- номлар ва терминлар таржимаси қатъий ва бир маъноли бўлиши лозим.

Рефератив таржима: Рефератив таржима – илмий-техникавий матннинг маъно мазмунининг қисқа баёнидир. У одатда 3 та асосий шаклга эга:

- рефератив таржима;
- “экспресс-ахборот” туридаги таржима;
- кашфиёт формуласининг муҳим қирраларини ифодаловчи таржима.

Аслиятга қиёслаганда таржима қилинган матн 5-10 баробар қисқаради, бунда таржимон:

1. Дастлаб манба билан танишади ва мавзу бўйича махсус адабиётни ўрганади;

2. Матнда иккинчи даражали қисмлар ва такрорларни ажратиб, энг муҳим графикани танлаб олади;

3. Асосий матнни ўқийди ва имконият даражасида номувофиқ ва боғланмаган жумлаларни бартараф этади;

4. Аслият матн каби мантиқан кетма-кет боғланган матн яратиб, ёзма таржимани амалга оширади.

Аннотацион таржима: Аннотацион таржима – аслиятнинг бошқа тилдаги аннотациясини тузишдир. Аннотацион таржима 2 турга бўлинади:

1. Мақола ва китоблар аннотацияси – бу асосий масалалар рўйхати, баъзида танқидий баҳо берилган асосий масалаларнинг рўйхати кўринишида аслият мазмунининг қисқа баёни.

2. Хорижий патент аннотацияси.

Аннотацион таржима амалга ошириладиганда, мутахассис дастлаб китоб ёки мақолани тўлиқлигича ўқийди, режа тузади, аслиятнинг асосий масалаларини санаб ўтади ёки унинг тизими ва мавзусини тавсифлайди. Бунда матн услуги эркин, одатда таржиманинг ҳажми 500 белгидан ошмайди. Бобларнинг номи таржима қилинадиганда – дастлабки манбадан ахборот танлаб баён қилинади.

Оғзаки таржима одатда кўп сонли одам йиғилган тадбирларда амалга оширилади (семинар, конференция, симпозиум, экспедиция ва б.) Бундай таржима кетма-кет ёки синхрон қилиниши мумкин. Бундан ташқари, оғзаки таржиманинг шаклларида бири *консультатив таржимадир*. Бу аннотацияларни оғзаки тузиш, оғзаки реферат, бобларнинг номи, иқтибос, қайдларни оғзаки таржимаси ва матннинг танланган жойини оғзаки таржима қилиш каби турлардан иборат [13].

Умуман олганда, илмий-техникавий матнлар таржимасининг турлари, хиллари ва соҳалари жуда мураккаб бўлиб, бунда таржима нафақат тўлиқ ёзма, балки оғзаки бажарилиши ҳам мумкин.

Илмий-техникавий матнлар таржимаси жанрига кўра

- соф илмий матнлар;
- академик-информатив (монография, дастур, китоб, мақола, диссертация, доклад) матнлар;
- ўқув-маълумот (дарслик, ўқув қўлланма, реферат, автореферат) матнлари;
- маълумот шаклидаги (тезис, луғат, обзор) матнлар;
- соф техник (техник таъриф, аннотация, йўриқнома, патент) кабиларга бўлинади.

Илмий техникавий терминология қуйидагича вужудга келади [12]

- бошқа тиллардан ўзлашган ёки олимлар томонидан лотин ва юнон тилларидан сунъий равишда яратилган ясама терминлар. Масалан: paraffin – parum affines – бошқа моддалар билан кам сингишувчи; hemoglobin – гемоглобин hemo (қон) + globus (шар) каби.
- адабий тилдаги умумий сўзларни махсус маъноларда қўлланилиши: jacket – техн. қоплама (техн. кожух), load – зарядламоқ (заряжать) каби.

Терминлар таржимасида қуйидаги усуллар қўлланилади:

1. Муайян термин таржимага айнан кўчади: типология, романтизм, реализм, интеграл, дифференциал, математика, астрономия, компьютер, сканер ва ш.к.

2. Таржима тилидаги муқобил билан алмаштирилади: стереотип – қолип, семантик – маъновий, оригинал – асл нусха, психолог – руҳшунос каби.

3. Сўзма сўз таржима килиниб олинади: эквивалент – тенг қийматлик, интеграл – жамловчи, дифференциал – фарқловчи, стилист – услуб устаси, эквиметрия – муқобил оҳанг каби.

Терминлар таржимасидаги қуйидаги усуллар эса тўғри эмас:

1. Терминни тасвирий йўл билан таржима қилиш: эпиграф – сарнақш, пролог-сараҳбор, колорит – нашъу намо, номенклатура – маҳрий, романтик – тантановор-маҳобатли каби.

2. Маъносидан келиб чиқиб, терминни шарҳли-изоҳли таржима қилиш: типология – киёсий қолипловчи шарҳ, академик услуб – жиддий сипо услуб, интим – лисоний-ботиний.

3. Замонавий терминларни қадимий шакли билан алмаштириш: физика – ҳикмат, математика – риёзиёт, геометрия – ҳандаса, ботаника – набодот, астрономия – илми ҳайъат, астрология – илми нужум, адабиёт назарияси – илми бадеъ каби.

4. Янги атамалар яшаш: экстрасенсорика – сеҳршунослик, кафедра – минбаргоҳ, факультет – куллиёт, район – депара, ноҳия, романтик – маъсумий. Бундай терминлар ўзбек тилида илгари бўлмаган. Улар муайян терминни зўр бериб миллийлаштиришга уринишдан бошқа нарсасиз эмас.

5. Терминлар таржимасида ҳар хилликка йўл қўйиш, яъни уларни синонимлари билан таржима қилиш: замон ва макон – фазо ва вақт – макон ва вақт; қарама-қаршиликлар – қарама қаршиликлар айнияти – қарама қаршиликлар айнийлиги; гумондор-гумон қилинувчи; кўрсатма – кўргазма – кўргазув; кўрсатув – гувоҳлик – сўрок; прекращенция (дело) – (ишни) тугатиш, ётқишиш, бекор қилиш, тамомлаш, тугаллаш ва ҳоказо

Илгари рус тили орқали таржима қилиш натижасида кўпгина номлар, топонимлар, терминлар нотўғри таржима қилиб келинган. Ўзбек тилида термин қўллаш ва таржима қилиш борасидаги хилма хилликлар шу даражадаки, термин сўзининг ўзи уч хил шаклда қўлланилади: термин – атама – истилоҳ каби.

Терминларни хато таржима қилиш ҳолатлари: тўғри қасд, эгри қасд, юқори прокурор, қуйи прокурор, шахсий кўриқдан ўтказиш каби [10, 95].

Илмий техникавий матнлар таржимаси мураккаб ҳалқани ташкил этувчи тизим ҳисобланиб, нафақат матн таржимаси усуллари балки терминни келиб чиқишидан бошлаб, илмий техникавий матнлар таржимасининг турлари, соҳа ва жанрларининг таснифланишини ҳам ўз ичига олади

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, илмий-техникавий матнлар таржимаси билан шуғулланувчи таржимон нафақат махсус терминология, билки таржиманинг бошқа турлари, шунингдек таржима тарихи ва назариясидан ҳам яхши хабардор бўлиши, таржима қилиш усулларини тўла қўллаш олиши зарур.

Илмий-техникавий таржима масалалари устида тадқиқотларни эса янада чуқурлаштириш, илмий мақолалар билан чекланиб қолмасдан, монографик тадқиқотлар, ўқув қўлланмалар яратиш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

[1] – Фельдман-Конрад Н.И., Цын М.С. Учебник научно-технического перевода. – М.: Воениздат, 1979.

[2] – Волкова З. Научно-технический перевод. Английский и русский языки. Выпуск 1. Медицина, инженерное дело, сельское хозяйство. – М.: УРАО, 2002.

[3] – Кочергин И. В. Основы научно-технического перевода с китайского языка на русский. – М.: Восточная книга, 2012.

[4] – Климзо Б. Н. Ремесло технического переводчика. Об английском языке, переводе и переводчиках научно-технической литературы. 2-е изд., переработанное и дополненное. – М.: «Р. Валент», 2006.

[5] – Пумпянский, А. Л. Чтение и перевод английской научно-технической литературы. – М.: АН СССР, 1961.

[6] – Пьянкова, Т. М. ABC переводчика научно-технической литературы. – М.: «Летопись», 1994.

[7] – Скороходько, Э. Ф. Вопросы перевода английской технической литературы (перевод терминов). – Киев: Изд-во Киевского университета, 1963.

[8] – Чебурашкин Н. Д. Технический перевод в школе: Учебник техн. пер. для учащихся IX–X кл. школ с преподаванием ряда предметов на англ. яз./Под ред. Б. Е. Белицкого. – 4-е изд. – М.: Просвещение, 1983.

[9] – Морозова М. А. Особенности технического перевода научных текстов. – М.: Изд-во УГТУ, 2005.

[10] – E.Ochilov. Tarjima nazariyasi va amaliyoti. – T.: ToshDShI, 2012.

[11] – Комиссаров В. Н. Теория перевода. – М., 1990.

Интернет ресурслари

[12] – <http://yazykoznanie.ru>

[13] – www.techtranslator.com

[14] – www.vash-perevod.ru

*Дилноза БЕГМАТОВА,
ТошДШИ Таржима назарияси ва амалиёти
мутахассислиги 2-курс магистранти*

САИД АҲМАД ҲИКОЯЛАРИНИ ТУРК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Халқларни бир-бирига боғловчи воситаларнинг энг асосийси тилдир. Тил билган дил билади, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, чет тилларини мукамал билиш, чет тилида она тилидаги бемалол мулоқот қилиш инсонга чексиз завқ-шавқ бағишлашига шубҳа йўқ. Чет тилини мукамал билиш орқали бошқа халқларнинг маданияти, анъаналари, тарихи, адабиёти билан ҳам танишиш имкони пайдо бўлади. Бу эса ўз навбатида китобхон бадиий эстетик савиясининг юксалишига олиб келади. Шу билан бирга, бугунги кун ўзбек таржимонлари олдида ўзбек адабиётининг нодир намуналарини чет тилига ўгириб, жаҳон халқлари эътиборига етказиш, ўзбек адабиётининг шону шавкатини бутун данёга намоиш қилишдек муҳим вазифа турибди. Мустақиллик йилларида эса бу вазифани адо этиш бўйича жадал ишлар амалга оширилмоқдаки, ўзбек адиблари асарларининг турк тилига ўгирилиши ва чоп этилиши бу йўналишдаги ишлардан ҳисобланади. Хусусан, “Ўзбек адабиёти намуналарини шарқ тилларига ўгиришнинг назарий ва амалий масалалари” илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида 2013 йилда ўзбек адабиётининг танланган асарлари турк тилига таржима қилиниб, нашр этилди [1]. Мазкур мажмуага таниқли ўзбек ёзувчиларидан Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Фарҳод Мусаҷонов, Муҳаммад Али, Тоғай Мурод, Аҳмад Аъзам, Улугбек Ҳамдам, Матлуба Юсуф Охун қабиларнинг ҳикояларининг туркча таржималари жамланган. Таъкидлаш керакки, ўзбек тилидан турк тилига таржима қилишнинг айрим масалалари, хусусан, миллийликни қайта яратиш масалалари

бўйича Ш.Иброҳимованинг бир қатор ишлари мавжуд. Хусусан, унинг номзодлик диссертацияси ҳам О.Ёқубовнинг романларини турк тилидаги нусхаларини қиёсий ўрганиш орқали ўз фикрларини ифода этган [2, 37–40; 3, 45–51; 4, 50–64; 5, 145–148; 6]. Аммо у ҳолатда О.Ёқубов асарлари турк таржимони Аҳен Батур томонидан амалга оширилган бўлса, бизнинг тадқиқот объектими бўлган таржималар ўзбек таржимонларининг меҳнатлари самарасидир.

Мазкур мақолада машҳур ўзбек адиби Саид Аҳмаднинг турк тилига ўғирилган “Меҳрибон” ҳикояси мисолида ўзбек тилидан турк тилига таржиманинг айрим масалаларини кўриб чиқайлик. Хусусан, бугунги кунда таржимонликка даъво қилаётган ёш таржимоннинг меҳнати самарасини таҳлил этиб, ютуқли жиҳатлари ва камчиликларига баҳо берайлик.

Ҳикояни турк тилига ўғирган Камола Расулова туркчада “Üvey anne”, яъни “Ўғай она” сарлавҳасини қўйишни маъқул кўради. Албатта, ҳикоя вафот этган онанинг ўрнига болаларига меҳрибонлик қилаётган аёл – ўғай она, аниқроғи, унинг меҳри, шафқатини улуғлашга қаратилади. Саид Аҳмад ҳам, балки, айнан шу сабабли, ҳикоясининг “Ўғай она” эмас, балки “Меҳрибон” деб атайди. Ёзувчи бу сўзга маълум мақсадни, ғояни юклайди. Яъни ҳикояда бегона аёлнинг ўғайлигига эмас, оналик меҳрининг дарёлигига урғу берилади. Шунинг учун ҳикоя номининг таржимасини муваффақиятли чиққан, дейиш қийин. Аслида “Şefkat” деб номланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Энди бевосита ҳикоянинг таржимасига диққат қилайлик. Ҳикоянинг умумий таржимаси эътиборга лойиқ. Бир нафасда ўқиб чиқилади. Айрим ҳолатни ҳисобга олмаганда таржимани ижобий баҳолаш мумкин. Лекин солиштиришда асл нусхадаги айрим жумлалар, ҳаттоки абзацларнинг тушириб қолдирилганлиги кузатилади. Масалан, Москвадан ўқишдан қайтаётган Қундузни кутиб олишга чиққан аёл “Дадангиз зарур бир иш билан идорада банд бўлиб қолдилар. Ўзим чиқдим”, дея изоҳ беради. Аммо бу жумла туркча таржимада тушиб қолган, натижада отаси кутиб олишини режа қилган Қундузни нима сабабдан у эмас, бегона аёл кутиб олгани турк китобхонига тушунарсиз бўлиб қолади. Айрим вазиятларда таржимон асл нусхада бўлмаган жумлаларни киритади. Уларнинг баъзи турк тили нуқтаи назаридан қаралганда, ўзини оқлайди, баъзилари эса йўқ. Масалан, Қундуз уйига ўғай онаси билан келганида,

у Қундузга халат узатиб “Размерингизни билмадим. Кенгроқ бўлса тузатиб берарман”, – дейди. Бу таклиф турк тилида қўйидаги кўри-нишда берилади: “Kaç beden giyiyorsanız, bilmiyorum, ama yine de bir deneyin. Genişse kısaltırım.” Таржимада “ama yine de bir deneyin” – “бир кийиб кўринг-чи (синаб кўринг-чи)” жумласи қўшимча кири-тилиши натижасида фикр янада ойдинроқ акс этган.

Таржимон ҳикояни турк тилига таржима қилар экан, аксарият ҳолларда сўз ва ибораларнинг туркча муқобилини тўғри танлаганини кўришимиз мумкин:

Асл нусхада: *Поезд станцияга кириб келди. Перрон тўла одам.*

Таржимада: *Tren istasyona girdi. Platform oldukça kalabalıktı.*

Таржимон “тўла одам” ибораси учун “гавжум”, “ғиж-ғиж одам” тушунчаларини берувчи “kalabalık” сўзидан фойдаланади. Бу сўз мазмунан ҳам, бадий эстетик нуқтаи назардан ҳам асл нусхадаги иборанинг муқобили сифатида майдонга чиқади.

Асар қаҳрамони отаси кутиб олмаганини кўргач, “бўшашиб чамадончасига” ўтиради. Шу ўринда К.Расулова “бўшашиб” феъли учун “halsiz” – “беҳол” сифатини қўллаб тўғри йўл тутади.

Қиёсланг:

Қундузхон бўшашиб чамадончасига ўтирди.

Kunduzhan valizinin üzerine halsiz oturdu.

Кейинги жумла ва унинг туркча таржимасига диққат қиламиз:

Қизнинг назарида, она перронда ҳамон рўмол силкиб турган-дек эди.

Ama kızımın hafızasında henüz bir mendil sallayarak platformda duruyor...

Таржимон Қундузхоннинг “назарида” тушунчасини таржимада “hafızasında” – “хотирасида” деб ўтиради. “Hafıza, bellek” сўзи турк тилининг изоҳли луғатида қуйидагича тавсифланади: “Yaşananları öğrenilen konuları, bunların geçmişle ilişkisini bilinçli olarak zihinde saklama gücü, akıl” [7, 952], яъни “яшовчиларнинг ўрганган мавзулари, уларнинг ўтмиш билан алоқасини онгли равишда сақлаш кучи, ақл”. Келтирилган жумлада “қизнинг назарида” дейилганда, сўзнинг луғавий маъноси эмас, унинг контекстда касб этган маъноси тушунилмоғи керак. Шу нуқтаи назардан унинг хотирасида онаси гавдалангандек бўлгани таъкидланади. Демак, ёзувчи назарда тутган маъно таржимада англашилган.

Кейинги гапнинг таржимасида таржимон асоссиз равишда “yoicular” – “йўловчилар” сўзини келтиради. Ҳолбуки, келтирилган лавҳада поездга қараб югураётганлар йўловчилар эмас, балки кутиб олувчилардир. Шунингдек, К.Расулова “холос” сўзи учун “sanki” сўзини ишлатган кўринади. Чунки таржиманинг туркча нусхаси билан солиштирсак, айнан шу сўзнинг таржимаси келтирилмаганини кўрамиз.

Ҳамма вагон эшигига қараб югуради. Улар орасида фақат она, Қундузхоннинг онаси йўқ, холос.

Yoicular vagonların kapılarına doğru koşuyordu. Sanki herkes treni karşılamaya çıkmış, bir tek Kunduzhan'ın annesi görünmüyordu.

“sanki” [7, 3057] сўзи “sorulu olmayan cümlelerde anlatılan düşüncenin gerçekte var olmayıp öyle sanıldığını gösterir” – “сўроқ бўлмаган гапларда фикрнинг ҳақиқатда мавжуд бўлмай, шундай ҳисобланганини кўрсатади”. Яъни бу сўз ўзбек тилидаги “гўё”, “гўёки” сўзларига монанд маънода келади. Демак, туркчадан қайтадан ўзбек тилига таржима қилсак, “Гўёки ҳамма поезни кутиб олгани чиққан, биргина Қундузхоннинг онаси кўринмасди”. Натихада манзара бошқача нуқтаи назардан баҳоланади. Бунда “ancak” эса, балки “фақат” сўзини қўллаш етарли эди.

Шу билан бирга, таржимада турк тилидаги иборалардан моҳирона қўлланилгани кузатилади. Масалан, қуйидаги матннинг асл нусхаси ва турк тилидаги таржимасини солиштириб кўрайлик:

Қундузхон кечки овқат вақтида ҳам хомуш ўтирди. Ечиниб ўрнига ётаркан, томоғини бўғиб келаётган алам ва изтиробни қайтармоқчи бўлиб ҳарчанд уринса ҳам бўлмади. Бегона хотинни она деб аташга тили бормас, бунга уни мутлақо ҳуқуқсиз деб биларди.

Aksam yemeğinde de Kunduzhan'm ağzını bıçak açmadı. O hem suskun, hem de çok üzgündü. Herkesin önünde bunu belirtmemeye bütün gücüyle çalissa da, bir türlü olmuyordu. Yabancı bir kadını anne demeye dili varmıyor, böyle bir şerefe kendisini layik görmüyordu...

Турк тилидаги “ağzını bıçak açmamak” ибораси “üzüntüsünden söz söyleyecek durumda olmamak” – “хафалигидан бир оғиз сўз ҳам айта олмайдиган ҳолатда бўлмо” шаклида изоҳланади. Яъни бу ўринда таржимон қайд этилган иборани қўллаш орқали ёзувчи назарда тутган маънони тўла-тўқис ифода эта билган, дейиш мумкин. Айни асар лавҳаси таржимасида “гапиришни, айтишни истамаслик, хоҳламаслик” мазмунидаги “тили бормаслик” иборасининг турк ти-

лидаги таржимаси ҳам худди шу маънони билдирганлиги сабабли таржимон “dili varmamak” бирикмасига муроаат қилади. Зотан, “тили бормаслик” – “dili varmamak” иборалари ҳар икки тилда ҳам бир хил маънони англатади ва тўла муқобил ибора саналади.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни таъкидлаш керак. Албатта, она тилидан чет тилига ўгириш таржимон олдида турган мушқил вазифа ҳисобланади. Чунки таржимодан нафақат асарни тўла тушуниш, унда илгари сурилган ғояларни англаш, балки чет тилида асарни қайта тиклаш, бунда асарни бутунлигича идра этиш учун ёзувчи услубини бера олиш, ўзбек тилининг сўз санъати, сўз ўйинларини чет тилида бериш усулларини белгилаш вазифаси юклатилади. К. Расулова томонидан амалга оширилган ҳикоя таржимасини, албатта, бу йўналишдаги катта меҳнат натижаси, деб баҳолаш мумкин. Чунки асар таржимасига қўл уриш ва уни яқунлашнинг ўзигина катта жасоратни талаб этади. Шу билан бирга, талаб даражасидаги таржимани амалга ошириш маълум маънода бадий тил воситаларини тўла билишни ҳам талаб этади. Шу сабабли, ёш таржимоннинг ишида, табиий равишда сўз танлаш ва қўллашда камчиликлар кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] – Özbek Edebiyatının Seçme Eserleri. T. 2013.
- [2] – Иброҳимова Ш.Б. Бадий таржимада аёллар портретининг берилиши (Одил Ёқубов асарларининг туркча таржимаси асосида). // «Шарк машъали». – Т., 2006. № 1–2. –Б. 37–40;
- [3] – Иброҳимова Ш.Б. Мақол ва маталларда миллийликнинг инъикоси ва уларнинг таржимаси (О.Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси» ва «Кўхна дунё» романларининг туркча таржималари асосида). // «Шаркшунослик». – Тошкент, 2008. №1–2. –Б.45–51;
- [4] – Иброҳимова Ш.Б. Интерьер таржимасида миллийликни акс эттириш масалалари. – Туркшунослик тадқиқотлари. Биринчи китоб. – Тошкент, 2009. –Б. 50–64;
- [5] – Иброҳимова Ш.Б. Туркча бадий таржимада ибораларнинг берилиши. – Ўзбек Шарқшунослиги: бугуни ва эртаси. Илмий тўплам. – Тошкент, 2010. –Б. 145–148;
- [6] – Иброҳимова Ш. Одил Ёқубов романларидаги миллийликнинг туркча таржималарда акс этиши. Номзодлик диссертацияси. – Т., 2010.
- [7] – Büyük Türkçe Sözlük. – Ankara, 2005.

*Мафтуна ХУДОЁРОВА,
Тошкент Ахборот технологиялари
университети, 2-босқич толибаси*

МАШИНА ТАРЖИМАСИ ТАРАҚҚИЁТ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Машина таржимаси (МТ) ёки матнни қандайдир техник восита ёрдамида таржима қилиш ғояси анча илгари пайдо бўлган. Машина ёрдамида ўгирма (МЁЎ) пайдо бўлишидан анча илгари матнни бир тилдан бошқасига таржима қилиш машинаси механиклаштирилган луғатга ўхшаш таржимон ишини енгиллаштирувчи тизим деб фараз қилинган. Лекин бундай машиналар тилни таржимон даражасида билмайдиган кишилар учун самарали эмас эди.

Биринчи механизациялаштирилган луғатлар 1924 йилда Эстонияда А. Вахнер томонидан, 1933 йилда Россияда Смирнов-Троянский томонидан, Францияда эса Арцруни томонидан яратилган. Агар МТнинг асл ватани Эстония деб ҳисобланса-да, дунё бўйича МТни илк кашф этган киши сифатида рус олими, ихтирочи, фан ва техника тарихи ўқитувчиси Смирнов-Троянский тан олинади. “Механизациялашган луғат техникаси тарихида биринчи марта бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишда сўзларни тўплаш ва босиш ҳуқуқини берувчи муаллифлик гувоҳномаси (№ 40995) ҳам илк бор Смирнов-Троянскийга берилган” [1, 349].

Троянскийнинг луғатида баъзи лингвистик муаммоларни ҳал қилишга уриниб кўрилган. Ҳолбуки, ихтирочи барча тиллардаги сўзлар тартиби бир хиллигидан келиб чиққан ҳолда таржима қилишда сўз шакллари кетма-кет киритиш ва уларга муҳаррир томонидан ишлов берилишини таклиф этган.

Троянский машинасининг луғат майдонидан 80 минг ўзак сўз жой олган. Агар таниқли рус адиби Л.Н.Толстой ўз ижодида 12 минг ўзак сўз қўллаганлиги эътиборга олинса, Троянский машинасининг луғат майдони ундан бир неча баробар кенг бўлганлиги аён бўлади. Ўзак сўзлар салмоғи баъзи дунё тилларига кўра олиб қараладиган бўлса, рус тилида 180 минг, инглиз тилида эса 200 минг ўзак сўз мавжудлиги маълум бўлади.

П. П. Троянский ихтиросининг тақдири ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Бу борада рус олими проф. Л. И. Жирков 1939

Ишда ихтирочи П.П.Смирнов-Троянскийнинг СССР ФА муассасасига ташриф буюриб, бир тилдан иккинчисига машина таржимаси тизимини ишлаб чиққанини айтади ва бу ихтиронинг техник аҳамият касб этиши, лекин лингвистик нуқтаи назардан кўриб чиқиш эҳтиёжи сезилаётганини таъкидлайди. Фанлар академиясида Троянский яратган машинанинг илмий-техникавий тафаккур даражасига қўйилган талабларга жавоб бермаслиги важ қилиниб қабул қилинмайди [1, 349-350].

Дарҳақиқат, энг эзгу ғоялар ҳам, агар уларни амалга ошириш учун етарли маблағ ёки восита бўлмаса, ўринсиз, ҳатто кулгили туйилиши мумкин. Лекин воситалар юзага келгач, ғоялар ўзининг иккинчи ҳаётини бошлайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, “Вавилондан сўнг” (“После Вавилонна”) китоби муаллифи Ж.Стейнер, таржима тарихини даврлаштирар экан, учинчи давр ўлароқ XX асрнинг 40-йиллари, яъни машина таржимаси даврининг бошлангани ҳақидаги илмий мақолаларнинг юзага келганлигини, рус ва чех олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтади. Бу даврда таржима тарихида рўй берган туб бурилиш, албатта, структур лингвистика ва кибернетиканинг тараққиёти натижасида шаклланган машина таржима соҳасидаги илк тажрибалар билан боғлиқ [2, 21].

Асосий мақсади маълумотларни муайян қоидалар ёки алгоритмга мувофиқ қайта ишлашдан иборат бўлган ЭҲМ яратиш ва уларни кенг қўламда қўллаш МТ тараққиёти учун кучли туртки бўлди. Энди ЭҲМларнинг юзага келиши тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бундай машиналарнинг пайдо бўлиши электрореле ва радиолампалар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Электрорелега асосланган илк ҳисоблаш қурилмаси 1941 йил Германияда муҳандис К. Цузе томонидан кашф этилган ва қурилма “Цузе машинаси” деб номлана бошланган.

“Илк ЭҲМ пайдо бўлиши билан 40-йилларнинг ўрталарига келиб таржимани машиналарга қилдириш ғояси юзага келди. Аслида эса, турли хил тиллардаги илмий, техникавий, ижтимоий-сийёсий ва бошқа маълумотлар оқимининг тез суръатларда ортиб бориши матнларга оддий, яъни “қўлда” ишлов бериш ва таржима қилиш ишини ўта қийинлаштирар эди. Ҳатто илмий-техникавий таржима соҳасида минглаб моҳир таржимон ва “техник ходимлар”, тажрибали мутахасислар армияси иш олиб бораётган бўлишига

қарамай, уларнинг фаолияти асосий эмас, қўшимча, иккинчи даражали фаолият ҳисобланар, шу боис уларнинг бундай улкан маълумот оқимини таржима қилишга улгуришлари имконсиз эди. Шундай бир даврда машина (автоматлаштирилган) таржимаси – “икки тилли вазият шароитида маълумотларни автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш”ни амалга ошириш йўлидаги дастлабки уринишлар бошланди” – деб ёзади Н. К. Гарбовский [2, 174].

Америкалик олим Г.Эйкен 1944 йилда Марк-1 дастурий-бошқарув тизимига эга бўлган илк ҳисоблаш машинасига асос солди. У электромеханик машина бўлиб, штепсел билан бошқарилар эди (чунки перфокарталар ҳали яратилмаган эди). К.Цузе ва Г.Эйкен яратган машиналар “Унлик” тизим асосида ишлар эди. 1945 йил АҚШда Ж.Мочли “иккилик” тизимда ишлайдиган илк “ЭНИАК” ЭҲМни яратди. 1946 йилда америкалик математик Ж.Нейман замонавий ЭҲМнинг асосий принципларини таърифлаб берди. Дастурнинг моҳияти шундан иборат эдики, унинг хотирасига нафақат рақамлар, балки дастурнинг ўзини ҳам қайд этиш мумкин эди. 1946-йил америкалик олим У.Уивер ва К.Шентона муаллифлигида яратилган “Математик алоқа назарияси” номли китобда машина таржимасининг амалга оширилиши мумкинлиги ва бунинг имкониятлари ҳақидаги қатъий фикрлар келтирилган. У 1947 йилда бу муаммо юзасидан, ўзининг “Кибернетика ёхуд ҳайвон ва машинадаги бошқарув ҳамда алоқа” номли машҳур асари устида ишлаётган ЭҲМ мутахассиси, полиглот Н. Винерга мурожаат қилади. Бироқ Н. Винер, У. Уивернинг фикрини маъқулламайди. Сўзларнинг барчасини аниқ таржима қилиниши ҳақида гапириш у ёқда турсин, “машина хотирасига бирон бир тўла луғатнинг киритилиши ҳақида ҳам унда шубҳа уйғонади, шунинг учун у “тил механизацияси” ва “таржиманинг механик усули”ни ҳали эрта деб ҳисоблар эди.

1948 йил У. Уивер Лондон университети қошидаги Бирберий коллежи профессори Й.Берналдан Э.Бутанинг машина луғатини яратиш ҳақидаги ишидан хабар топади. Э.Бутанинг машина луғатида сўзларнинг негизи ёзилиб, грамматик таҳлил принциплари ишлаб чиқилган эди. Ўша йилнинг ўзида У.Уивер ЭҲМ ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш концепцияси баён этилган “Таржима” номли меморандумини нашр этади. Олим таржима муаммосига криптография муаммоси каби қарар эди.

У. Уивер МТ муаммосига бошқа қайтмайди. Аммо унинг концепцияси кўпчилик олимларнинг эътиборини тортади. 1954 йилда Массачусетс технологиялар институтида МТ бўйича Биринчи илмий анжуман бўлиб ўтади. 1954 йилдан бошлаб институтда “Механик таржима” (“Mechanical Translation”) номли махсус журнал нашр этила бошланади.

У даврда Собик Совет Иттифоқи илк МТ яратувчиларининг фикрича МТ фақат таржиманинг техник муаммоси эмас, жиддий лингвистик муаммо эди. Шу боис 1955 йил январь ойида Д. Й. Панованинг тавсиясига биноан, тилшунос олим, филология фанлари номзоди И.К.Бельская ихтирочилар таркибига киритилди ва деярли 11 ойлик машаққатли меҳнат натижасида сўнг муаммонинг тил билан боғлиқ қисмини муваффақиятли ҳал этилади.

Бельская ишга киришиб, ўша даврдаги тилшунослик муаммолари, тилнинг лисоний имкониятларини математик йўл билан аниқлаш, шифрдан чиқаришнинг аналогик йўллари тўғрисидаги замонавий қарашларни четлаб ўтади ва тил материалларини математиклаштириш имкониятларини рад этади.

1955 йил декабрда БЭСМ орқали илк таржима “Дифференциал тенгламаларнинг миқдорий ечими” номли китобидаги парчалар инглиз тилидан рус тилига ўгирилади.

1954 йил 7 январда Нью-Йоркда машина таржимаси бўйича, IBM-701 машинасида рус тилидан инглиз тилига таржима қилиш бўйича дунёда биринчи тажриба амалга оширилади. Уни Л. Дорстерт кўл остидаги Жоржтаун университети қошидаги Тил ва лингвистика институтининг бир гуруҳ олимлари амалга оширишган. Бу тажриба “Жоржтаун тажрибаси” деб ном олган. Мазкур тажриба натижасида бир тилдан иккинчисига кичик, содда бир матн ўгирмаси амалга оширишга муваффақ бўлинган. Албатта, формализацияга бўйсунishi қийин бўлган машинага мураккаб интеллектуал вазифани бажаришни топшириш бир неча мураккаб фаннинг интеграциялашуви, “гуманитар фанлар, жумладан, тилшуносликкагина хос бўлган “тасвирий-эвристик ёндашув”ни талаб этар эди [2, 175].

Мазкур дастур П.Шеридан томонидан ишлаб чиқилади. Тажриба учун таржима бўйича бта қоида ва русча 60та содда жумла, яъни “Қайта ишлаш нефть сифатига салбий таъсир этади”, “Халқаро вазият сиёсий муаммоларнинг ечимида муҳим омил ҳисобланади” каби 250 сўздан иборат луғатда иккилик таржима ва ай-

рим русча келишик кўшимчалари берилган бўлса-да, машина 60 та жумлани инглиз тилига нотўғри таржима қилади [1, 352].

Илк муваффақиятли тажрибадан кейин гуруҳ худди ўша алгоритмдан фойдаланган ҳолда, бир газета матнини таржима қилишга уриниб кўради. Бу тажриба натижасида муваффақиятга эришилади ва йиллар ўтиб профессор Д. Ю. Панов бу тажриба ҳатто муаллифларнинг ўзлари учун ҳам қутилмаган воқеа бўлганлигини эслайди.

Лингвистик таҳлил алгоритмнинг муваффақияти, уни яратган инсоннинг истеъдоди, муҳандислик лингвистикаси асосчиси Бельскаянинг ажойиб ихтироси билан боғлиқ эди. 1958 йилда гуруҳга машина луғатининг рус тилидаги қисмини ишлаб чиққан рус тилшуноси Е. Ф. Калинина киради. У машина луғатини яратишни таклиф қилади. 1958 йилда Москвада машина таржимаси бўйича конференцияси бўлиб ўтади. Унда Москва, Ленинград, Киев ва бошқа республикаларидан келган олимлар иштирок этади. Ўшанда МТ соҳасидаги энг фаол тадқиқотлар АҚШ, Англия, Мексика, Япония, Хитой, Исроил ва бошқа мамлакатларда олиб борилган. Бироқ МТ тизимини яратиш бўйича етакчи мамлакат сифатида Россия тан олинган. МТ соҳасидаги ишлар Москва, Ленинград, Киев, Ереван, Тбилиси, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртлирида ҳамда қатор илмий-тадқиқот муассасаларида ҳам олиб борилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мазкур мақолада машина таржимаси тарихига бир назар ташланди, холос. Мақолани тайёрлашда юқорида ҳаволада келтирилган тадқиқотлардан ташқари, “Рус тилининг машина заҳираси” (“Машинный фонд русского языка”) китоби [3]. ва А. И. Головнянинг “Омонимия тилнинг систем категорияси” (“Омонимия как системная категория языка”) монографияси [4] ва О.Е.Семенец ҳамда А. Н. Панасьевларнинг “Таржима тарихи” (“История перевода”) китоби [5]дан фойдаланилди. Бу мавзу устида келажакда илмий-тадқиқотлар олиб боришни кучайтириш, республикамизда мазкур соҳани тараққий эттириш йўлида олиб борилаётган йирик фундаментал ва амалий тадқиқотларни илмий журналлар, тўпламларда ёритиш, нуфузли анжуманлар кун тартибига киритиш илм-фан олдидаги кечиктириб бўлмас вазифа бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

[1] – Нелюбин Л. Л., Хухуни Г. Т., Наука о переводе (история и теория с древнейших времен до наших дней) учебное пособие. –М.: Издательство «Флинта». Московский психолого-социальный институт, 2006.

[2] – Гарбовский Н.К., Теория перевода. –Т.: Издательство Московского университета, 2007.

[3] – Машинный фонд русского языка: Идеи и суждения. – М.: Наука, 1986. –240 с.

[4] – Головня А.И. Омонимия как системная категория языка: монография. – Минск: БГУ, 2007. – 132 с.

[5] – Семенец О.Е., Панасьев А.Н., История перевода. –Киев, 1989.

*Баҳром МАМАРАЖАБОВ,
ТошДШИ Мумтоз филологияси
кафедраси 4-курс талабаси*

ТАРЖИМА СИНТАКСИСИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Тилшунос олимлар фикрича, маълум тиллардаги бир-бирига тенг бўлган фактларни қиёслаб ўрганиш, тилшуносликка оид бирликларнинг фонетик, морфологик, синтактик ҳолатларини чуқурроқ билишдан иборатдир [1, 389]. Таржимончилик фаолияти тил ўрганиш билан бошланиши эътиборга олинса, унда грамматиканинг роли нақадар муҳим экани янада ёрқинроқ намоён бўлади. Зеро, таржима жараёнида икки тил грамматик қоидаларининг тўқнашуви тарзида рўй беради.

Ҳар бир грамматикада сўз ва сўз бирикмаларнинг семантикасида грамматик шаклига эътибор берилса, таржима назарияси сўз ва сўз бирикмаларининг грамматик шаклига эмас, уларнинг маъносига эътибор беради, оригинал тил бир ёқда қолиб, нутқни айти таржима берилаётган тил қоидаларига мувофиқлаштириб ифода этади. Бу шартли равишда услубий таржима деб аталади.

Мисол тариқасида рус тилида эга - кесим синтактик алоқаси шахс ва сонда мослашув тарзида юз беради: *Книги лежат на столе.* Ўзбек ва форс тилларида эса кўплик категорияси гап жонсиз предметлар ҳақида бораётганда бундай мослашувни кўтармайди. Бу жумлани ўзбек тилига *«китоблар столнинг устида*

этибдилар» ёки форс тилига «кэтобҳо рӯ-йе миз ҳастанд» тарзида таржима қилиб бўлмайди. Ёки форс ва ўзбек тилларидаги дона сон йек-то, ду-то, се-то - битта, иккита, учта... тушунчаси рус тилида йўқ. Ушбу соддагина мисоллар мураккаб, пайқаш қийин ҳолларда таржимонга шундай грамматик фарқларга риоя қилиш лозимлиги мажбуриятини юклайди. Демак, маълум бир тилдан иккинчи бир тилга қилинадиган таржималар ҳақида гап борганда, ҳар бирининг грамматик ўзига хосликлари эътиборга олинмоғи керак.

Тиллар турли оилага мансуб бўлса, (форс тили ҳинд-европа тиллари оиласига, ўзбек тили эса – туркий тиллар оиласига кирди) улар орасидаги фарқлар яхшигина сезилади. Бу тўсиқларни енгиб ўтиш учун ҳар қандай назарияларда бўлганидек, таржима назариясида ҳам назарий умумлашмалар мавжуд.

Уларга кўра, кўпинча, грамматик шакл андозаларига тўлиқ мос тушадиган аниқ таржима қилишнинг имкони бўлмайди. Кўпинча бир тилнинг сўз бирикмалари иккинчи тилнинг адабий нормаларига, баъзан тил услубига тўғри келмайди. Таржимадаги бирор ёйиқ гапда оригинал билан сўз тартиби, сўзларнинг сони, уларнинг грамматик категориялари мувофиқ келадиган жумлалар жуда кам учрайди.

Қиёсий грамматикада оригинал ва таржима орасидаги фарқлар уч гуруҳда намоён бўлади:

Биринчиси – оригинал тилида таржима тилида мавжуд бўлмаган грамматик шакли йўқ унсурларга дуч келиниши: аниқ ва ноаниқ артикларнинг, жинс категориясининг, ўтган замон феъллари мураккаб шакллариининг мавжуд эмаслиги;

Иккинчиси – таржима тилида оригинал тилида мавжуд бўлмаган грамматик шакллариининг мавжудлиги ва уларнинг таржимада ишлатилишининг шарт эканлиги (масалан: феълда тур, кенг тарқалган флектив (тугалланма) тизим ва ҳоказо);

Учинчиси – таржима тилида оригинал тили билан шаклан мувофиқ келувчи, ammo вазибаларига кўра фарқли грамматик унсурларнинг мавжуд бўлиши.

Ҳар бир конкрет тафовутни ҳал этишда ўзига хосликлар мавжуд бўлиб, у таржимондан тилнинг кенг грамматик имкониятларидан пухта билими бўлишини талаб этади. Тилнинг грамматик

инкониятлари эса ўз навбатида она тили ва асар ўгирилаётган тилнинг стилистикасини билишни тақозо этади.

Филологиянинг қиёсий услубшунослик соҳаси турли тиллардаги стилистик ҳодисаларни қиёслаб ўрганади. Қиёсий стилистика ўз тадқиқотларини таржима назарияси илмий коидалари билан узвий боғлиқликда олиб боради. Қиёсий стилистика бадий таржима учун лингвистик асос ҳисобланади.

Қиёсий стилистика муайян давр учун барқарорлашган стилистик меъёрлар, адабий тил структураси, адабий тилнинг ишлатилиш соҳалари каби ҳодисаларни ўрганади.

Бу ишларни амалга ошириш учун тил материаллари гуруҳларга бўлинади, норма, услуб, стилистик маъно каби категорияларга оид масалалар, амалий ва назарий пландаги тил усулларининг структураси, кўшимча нутқий ифодалар, стилистик ахборот йўллари, тилдан адабий асар учун фойдаланиш усуллари тадқиқ этилади.

Стилистик маъно бу:

- тилдаги функционаллик (яъни, ижтимоий ҳаётда қўлланилиш соҳасига қараб сўзлашув нутқи ва китобий нутқларга бўлиниш);

- тилдаги экспрессивлик (яъни, тил материалининг эмоционаллик ва ифодавийлик хусусиятлари) – бунда архаизм, неологизмлар алоҳида ўрин тутади.

Кундалик жонли тил, жайдари иборалар, касб-ҳунар лексикаси, жаргонлар - сўзлашув нутқи аспектларидир.

Илмий услуб тили, расмий идора услуби тили, газета услуби тили, нотиклик услуби тили, мактуб услуби ва ҳ.к. китобий нутқ аспектларидир.

Бадий нутқ яъни бадий асар стилистикаси деганда:

- тил материалига эстетик вазифа юклатилган бўлади;

- публицистик услуб хусусиятларига эга бўлган ҳолда ундан юқори туради;

- тил материали бадий образ элементига айланади (тил адабиётга тушиб санъат ҳодисасига айланади).

Шунга кўра қиёсий стилистикада:

- ёзувчининг тилдан фойдаланишдаги ўзига хослиги ўрганилади;

- асар тилининг хусусиятлари ўрганилади;

- тил материалининг асардаги функцияси аниқланади [2, 12-13].

Демак, оригинал асар тилини таҳлил қилиш орқали умумлашма хулосалар чиқарилади. Тил материалининг шу асарга хос шу

муаллифга хос, хусусиятлари белгилаб олинади ва таржима матнида уларни акс эттира олиш имкониятлари кўриб чиқилади.

Таржимани қиёсий услуб асосида текширишни қуйидагича амалга ошириш мумкин:

1. Сўзни қиёслаш.

2. Фразеологизмлар: фразеологик иборалар, турғун сўз бирикмалари, идеомалар ҳамда мақол ва маталларни қиёслаш.

3. Сарлавҳаларни қиёслаш ва ҳ.к. [2, 15].

Таржима сифатини аниқлашда қиёсий метод бемақсад бўлмаслиги керак. Машҳур таржимашунос, профессор Ф. Саломов қиёсий методда йўл қўйилиши мумкин бўлган икки хил нуқсонга эътиборимизни жалб қилади.

Аввало, бирорта хорижий тилда ёзилган асарнинг ўзбекча таржимасини ўрганишда икки томонлама (таржима рус тили орқали таржима қилинган бўлса - уч томонлама) қиёслаш лозим бўлса-да, баъзан ўша асарнинг бошқа тиллардаги таржималари ҳам чогиштирилади. Аммо қиёслашда бошқа тилларга қилинган таржималари ҳам жалб этиб, тадқиқот кўламини ёйиб юборишни ижобий ҳодиса деб бўлмайди. (Тегишли илмий хулосалар олишга қаратилган ҳолларгина бундан мустасно.) Бунда тадқиқот зарарли натижаларга ҳам олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, қиёсий таҳлил чоғида тадқиқотчи хорижий тилдаги асарнинг ўзбек тилига қилинган таржимасини баҳолашда матнда аниқланган барча «номувофикликлар»ни нуқсонлар қаторига қўшиб юборади. Бунда, кўпинча, факт ва далиллар умумий контекстдан юлиб олиб таҳлил қилинади. Аслида ўша сўз ёки ибора контекст ичида тўғри эканини кузатиш мумкин. Бунда тадқиқотчи таржимадаги фазилятларни нуқсонга йўйиб қўйиши ҳеч гап эмас [3, 25].

Демак, бир асарнинг бир неча таржимаси хусусидаги мавзу таҳлил объектини уч ёқлама, тўрт ёқлама солиштириш натижасида, биринчидан, таржималарга қиёсий таъриф бериш имкони туғилади, иккинчидан, бу таржималар ҳақида нисбатан чуқур назарий фикрлар баён этишга, объектив хулосалар чиқаришга йўл очилади.

Таржима синтаксиси алоҳида йўналиш бўлиб, стилистика билан узвий алоқада бўлади. Зотан, таржима жараёнида гапнинг тузилиши, гап бўлақларининг тартиби, грамматик шаклларнинг контекстда англаган маъносини таржимада бериш ҳам муҳим

ақимнинг касб этади. Чунки бир тилда мавжуд бўлган грамматик шаклларнинг таржима қилинаётган тилда мавжуд эмаслиги таржимон олдида жиддий вазифани кўндаланг қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] – Реформатский А.А. Введение в языкознание. –М., 1967.
- [2] – Ғ. Саломов Тил ва таржима. – Тошкент, 1966.
- [3] – Ғ.Саломов Таржима ташвишлари. – Тошкент, 1983.

МУНДАРИЖА

<i>Сўз боши</i>	3
<i>Холбеков М.</i> “УЛИСС” китоб жавонимизда	5
<i>Қуронбеков А.</i> Навоий асарлари тилини ўрганиш бўйича тадқиқотлар	10
<i>Мухтаров Т.</i> Перевод – окно в другой мир	15
<i>Худойберганова З.</i> Мақоллар ва маталларни таржимада бериш –асар бадиий қимматини оширишнинг гарови сифатида	20
<i>Орипов З.</i> Арабча, форсча муштарак мусиқа атамалари ва уларнинг таржимаси	27
<i>Очилов Э.</i> Шеърлий таржима мураккабликлари.....	34
<i>Зиямухамедов Ж.</i> Xitoy tilidan o‘zbek tiliga novellalar tarjima qilishdagi ba’zi muammolar xususida.....	63
<i>Шабанов Ж., Ҳамидов Х.</i> Уй ҳайвонлари номига асосланган мақол ва ибораларнинг таржимада берилиши	68
<i>Бегматова Б.</i> Ислом ҳуқуқига оид терминлар таржимасининг ўзига хослиги.....	81
<i>Ҳамидов Х.</i> “Дунёнинг ишлари” турк тилида	89
<i>Тураходжаева Ю.</i> Некоторые особенности перевода текстов официально-делового стиля	100
<i>Мавлянова У.</i> Хитой тилига хорижий тиллардан ўзлашган сўзлар таржимаси хусусида.....	104
<i>Ходжаева Н.</i> Илмий-техникавий матнлар таржимаси муаммолари	107
<i>Бегматова Д.</i> Саид Аҳмад ҳикояларини турк тилига таржима қилишнинг айрим масалалари.....	118
<i>Худоёрова М.</i> Машина таржимаси тараққиёт тарихига бир назар	123
<i>Мамаражабов Б.</i> Таржима синтаксисининг айрим масалаларига доир	128

Қайдлар учун

ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ

(Илмий мақолалар тўплами)

2-ҚИСМ

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:
*ТошДШИ Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси
доценти, Хайрулла Ҳамидов*

Масъул муҳаррир:
*филология фанлари номзоди, доцент
Жасур Зиямуҳамедов*

Такризчилар:
*филология фанлари номзоди, доцент Г. Ш. Рихсиева
филология фанлари номзоди, доцент А. Алимбеков*

Тех.муҳаррир: М. Зарифов
Компьютерда терувчи: Г. Кулаҳмедова

Тўплам Тошкент давлат шарқшунослик институти
Кенгашининг 2014 йил 29 сентябрдаги 2–сонли қарори билан
нашрга тавсия этилган.

Босишга рухсат этилди 10.11.2014.
Бичими 60x84 1/16 Шартли 8,5 б.т. 75 нусхада босилди.
Буюртма № 1

Тошкент давлат шарқшунослик институти,
100197, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй.

